O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI PALATASI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ *

1931 йилдан чиқа бошлаган | 2002 йил 16 март, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 20 (7423)

ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ – СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11-14 март кунлари расмий ташриф билан Америка Қўшма Штатларида бўлди

АҚШ дунёда ҳар томонлама етакчиликни қўлга киритган давлатдир. Ислом Каримовнинг ушбу мамлакатга расмий ташрифига пухта тайёргарлик кўрилди. Бундай қудратли давлатга боришдан олдин аниқ мақсадларни, ташриф муддаосини белгилаб олиш керак. Энди АҚШ сафари ортда қолган экан, ташриф якунларига қандай баҳо бериш мумкин, у Ўзбекистонга қандай фойда келтиради, мамлакатимиз қандай манфаат кўради, деган саволлар пайдо бўлади.

Аввало, Ислом Каримовнинг Жорж Буш билан учрашувига тўхталсак. АҚШ Президенти ўзбекистонлик олий мартабали меҳмонни Оқ уй маъмурияти ва мамлакат ҳукуматининг катта нуфуз ва обрў-эътиборга эга вакиллари қуршовида кутиб олди. Бу учрашувга ҳар томонлама тайёргарлик кўрилганидан, Ўзбекистон делегациясига катта ҳурмат-эътибордан далолат.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига ШАРҲ — 2-бет

ҲАЙРАТИМИЗ БОИСИ — 3-бет

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА ФАНЛАРАРО УЗВИЙЛИК — 3-бет

ҚАДИМДАН МЕРОС АЙЁМ — 5-бет

Турғун АЗИЗОВ «МАҚСАД ҚИЛДИНГМИ, ЭРИШ» — 7-бет

УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА 2002 ЙИЛГИ РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИАДАСИДА ИШТИРОК ЭТАДИГАН ЎҚУВЧИЛАР РЎЙХАТИ — 8-9-бетлар

БЕДАВО КАСАЛНИНГ ТИЗГИНЛАНИШИ — 13-бет

ТЕЛЕДАСТУРЛАР — Келгуси ҳафта теледастурлари билан танишинг! — 14-бет

МАШҲУРЛАРНИНГ СЎНГГИ СЎЗЛАРИ — 16-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистоннинг илмий ва технологик салоҳиятини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалардаги ислоҳотларнинг стратегик вазифалари ва устувор йўналишларига мувофиқ ҳолда мамлакат илмий-техникавий тараққиётини таъминлаш, олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар савияси, сифати ва самарадорлигини ошириш, улардан амалиётда кенг фойдаланиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш кенгаши тузилсин.

Мувофиқлаштириш кенгаши республикада илмий-техникавий фаолият соҳасидаги мувофиқлаштирувчи юқори орган эканлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан бошқарилиши белгилаб қўйилсин.

2. Мувофиқлаштириш кенгаши таркиби тасдиқлансин.

3. Мувофиқлаштириш кенгаши зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклансин:

фундаментал ва амалий-илмий тадқиқотлар, технологик ишланмаларнинг устувор йўналишларини иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалар ривожланишининг стратегияси, шунингдек мамлакат иқтисодиётидаги қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболли таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда белгилаш;

мамлакат манфаатлари ва давлатимизнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий тараққиёт соҳасидаги устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда йирик илмий-тадқиқот дастурлари ва технологик лойиҳалар бўйича экспертизалар ташкил этиш ва экспертиза хулосаларини тасдиқлаш;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг давлат устувор йўналишларига мос келувчи йирик илмий дастурлар ва технологик лойиҳаларни тасдиқлаш;

илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар бўйича йиллик Давлат дастурини тасдиқлаш;

янги инновациявий илғор ғояларни илгари сурувчи, жаҳон илм-фанидаги янги, истиқболли йўналишларни мунтазам кузатиб борувчи ҳамда мамлакат манфаатлари йўлида қўллай олишга қодир иқтидорли ёш олимларни қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш.

4. Мувофиқлаштириш кенгаши қошида унинг ижроия органи сифатида Фан ва технологиялар маркази ташкил этилсин.

Қуйидагилар марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

илмий-техникавий тараққиётнинг устувор йўналишлари бўйича қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни Мувофиқлаштириш кенгашига тақдим этиш;

Мувофиқлаштириш кенгаши томонидан белгиланган илм-фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишлари доирасида йиллик илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш;

(Давоми 2-бетда)

Мазкур орган «абадий», замон талабларига мослаштирилиб, шаклу шамойили ўзгартирилган илмий мавзулар ва эскирган қарашлар мавжудлигига барҳам беради.

Ma'rifat

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

илм-фан ва технологияларнинг устувор йўналишлари бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш ҳуқуқига эга бўлиш учун танловлар уюштириш ва ўтказиш;

интеллектуал салоҳиятдан ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун ажратиладиган молиявий маблағлардан максимал даражада оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида республика илмий муассасалари фаолиятини мунтазам таҳлил этиб бориш;

илм-фан ривожи ва инновация фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш бўйича мунтазам иш юритиш ва бунда долзарблигини йўқотган мавзуларни тугатиш ҳамда илмий-техникавий тараққиёт тақозо этаётган янги тадқиқотлар олиб боришга доир таклифлар киритишни назарда тутиш;

мақсадли грантлар ажратиш, чет давлатларда стажировкадан ўтишни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлашнинг бошқа шаклларидан фойдаланган ҳолда иқтидорли, истиқболли олимларнинг касбий малакаларини ошириш учун шарт-шароит яратиш;

илмий-техникавий ишланмалар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишни ташкил қилиш, иқтисодиётнинг муайян соҳаси корхоналари раҳбарларининг инновация фаолиятини ривожлантириш, илмий тадқиқотларни молиялаш ва биргаликда молиялашдан манфаатдорлигини оширувчи рағбатлантириш усулларини яратиш;

илм-фан ва технологиялар соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, илмий тадқиқотлар, технологик ишланмалар ва инновация лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни, ҳомийлар маблағларини ва грантларни жалб этиш.

5. Мувофиқлаштириш кенгаши қошида Йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш кенгаши ташкил этилсин ва унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларининг холис, мустақил экспертизасини уюштириш, техник жиҳатдан таъминлаш ва ўтказиш;

юқори малакали олимлар ва мутахассислар орасидан мустақил экспертлар хусусидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва уни мунтазам равишда янгилаб бориш;

амалга оширилаётган йирик илмий тадқиқотлар ва инвестиция лойиҳалари бўйича жорий ва якуний ҳисоботлар мониторингини олиб бориш;

Мувофиқлаштириш кенгаши-га олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг ва ишлаб чиқилаётган инвестиция лойиҳаларининг мақсадга мувофиқлиги, уларнинг самарадорлиги ва сифатини янада оширишга доир таклифлар киритиш.

6. Инвестиция лойиҳаларини молиялаш мақсадида Мувофиқлаштириш кенгаши қошида Инновация илмий-техника фаолиятини маблағ билан таъминлаш жамғармаси ташкил этилсин.

Қуйидагилар Жамғармани шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

устувор инновация лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган маблағлар;

хорижий ва мамлакатимиздаги ҳомийлар бадаллари;

халқаро грантлар;

корпорациялар, компаниялар, уюшмалар ва бошқа хўжалик бирлашмалари, идоралар, корхоналарнинг мақсадли инновация лойиҳалари учун мўлжалланган маблағлари;

молия институтлари, жумладан, хорижий институтларнинг имтиёзли мақсадли кредитлари.

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш йўналишларини белгилаш вазифаси Мувофиқлаштириш кенгаши зиммасига, Жамғарма ҳисоб рақамлари бўйича тезкор хизмат кўрсатиш эса Фан ва технологиялар марказига юклатилсин.

7. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

Мувофиқлаштириш кенгаши ва Марказ Ўзбекистон Республикасидаги фақат устувор, стратегик илмий-техникавий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг мувофиқлаштирилиши ва маблағ билан таъминланишини амалга оширади, идоравий ва соҳага оид илм-фанни бошқариш билан боғлиқ масалалар эса тегишли давлат ва хўжалик ҳисобидаги тузилмалар ихтиёрига берилади;

2002 йилдан бошлаб илмий муассасаларга бюджет маблағларини илмий жамоанинг Марказ ёхуд тегишли бюджет тузилмаси билан муайян илмий буюртмани бажариш учун эълон қилинган танлов натижаларига кўра грант шартномаси асосида бериш тартиби жорий этилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги қошидаги Алишер Навоий номидаги давлат кутубхонаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат илмий-техника ахбороти фонди қошидаги Республика илмий-техника кутубхонасини бирлаштириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунувчи Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонани ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ихтиёрига берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси тугатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 18 февралдаги 345-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддат ичида мазкур Фармонни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 20 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига

ШАРҲ

Ҳозирги замон шароитида мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва аҳамияти кўп жиҳатдан унинг технологик ривожланиш даражаси, дунё илмий-техникавий тараққиёти суръатларига нечоғлик мувофиқлиги, ўзининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига ишончли илмий асос яратилганлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон тарихан олганда тадқиқотлари натижалари цивилизациянинг кўп асрлик тараққиётини олдиндан белгилаб берган, табиий ва гуманитар соҳада жаҳонга буюк алломаларни инъом этган, дунё тан олган илмий мактабларнинг вориси сифатида бугунги кунда ҳам мамлакат ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг мураккаб масалаларини ҳал этишга қодир улкан илмий салоҳиятга эга.

Мустақилликка эришгандан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни давлат бошқаруви соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига мос равишда изчил, босқичма-босқич такомиллаштириш орқали мамлакат илмий-техника салоҳиятини янада ривожлантиришни таъминлаш - бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартларидан бири сифатида белгилаб берилди. Бу, умуман олганда, республика илмий-тадқиқот салоҳиятини Ўзбекистон, унинг иқтисодиёти ва ижтимоий-гуманитар соҳаси манфаатларига жавоб берадиган масалаларни ҳал этишга йўналтириш имконини яратди.

Айни пайтда, ислоҳотлар чуқурлашгани сайин, илмий-техникавий фаолиятни ташкил этиш тизимида сақланиб қолган эскича ёндашувлар мамлакатнинг технологик тараққиётига салбий таъсир этмоқда, илмий-техникавий имкониятлардан фойдаланиш самарадорлигини пасайтирмоқда. Бу фанни «режалаштириш»га бўлган уринишлар давом этаётганида, фан ва истеъмолчиларнинг илмий натижаларга нисбатан замонавий бозор муносабатлари талаб этаётган ўзаро манфаатдорлик механизмларини топа олмаслигида, илмий дастурлар ва технологик ишланмаларнинг холис ва мустақил экспертизаси мавжуд эмаслигида намоён бўлмоқда. Бундай ҳолат аслида ўн йиллар олдин бошланган ва кўпинча мамлакат иқтисодиёти тараққиёти ва унда рўй бераётган таркибий ўзгаришлардаги устуворликлар билан суст боғланган илмий-тадқиқот ишлари пайдо бўлиши ва амалга оширилишига олиб келмоқда.

Буларнинг барчаси илмий-тадқиқот муассасаларини базавий даражадан молиялашдек нотўғри амалиёт давом этаётгани билан бир қаторда илмий-техникавий фаолият ташкилий тузилмасининг замонавий шароитларга номувофиқлиги, интеллектуал ва моддий ресурсларнинг йирик илмий дастурлар ва технологик лойиҳаларни амалга оширишга йўналтириш имкони йўқлиги, таклиф этила-ётган илмий дастурларнинг муқобили мавжуд эмаслиги боис мамлакат илмий-техникавий тараққиётига ғов бўлмоқда, миллий илмий салоҳият ривожини сустлаштирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида мамлакатимиз илмий ва технологик салоҳиятини тараққий эттириш ва ундан тўлиқ фойдаланишнинг тубдан янги ёндашувлари ва ташкилий шакллари давлат бошқаруви тизимидаги ислоҳотлар, демократик институтлар тараққиёти ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар билан узвий боғлиқ ҳолда белгилаб берилган.

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш кенгаши таъсис этилиши мамлакатда илмий-техникавий фаолиятни ташкил этиш савиясини илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланишнинг юксак замонавий талабларига тўла мос келадиган даражага кўтарувчи ўта муҳим қарордир. Тамомила янги, олий даражада мувофиқлаштириш ваколатларига эга маслаҳат органи ташкил этилди. У иқтисодиётни ислоҳ қилиш, аҳолининг ижтимоий фаровонлиги ва жамиятимиз тараққиётини таъминлашнинг стратегик вазифалари ва устуворликларидан келиб чиқиб, фан ва технологиялар соҳаси учун қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган мақсадли вазифаларни белгилайди, амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар сифати ва самарадорлигини ошириш, улардан амалий фойдаланишни таъминлаш учун зарур шароит яратади.

Илмий-техникавий фаолиятни ташкил этишнинг мазкур янги тузилмаси мамлакатимизнинг миллий манфаатлари учун энг муҳим бўлган вазифаларни ҳал этишга қаратилган йирик илмий дастурлар, технологик ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун интеллектуал кучлар ва моддий ресурсларни бирлаштириш ва жамлаш борасида кенг имкониятлар яратади. Мавзу бир хиллиги ва майдалашувига барҳам беради. Фанлараро ва идоралараро тўсиқларнинг бартараф этилишини таъминлайди. Илғор ғояларни кўтариб чиқаётган, дунёвий илмий ютуқлар даражасида фаолият кўрсатаётган, истиқболли илмий натижаларни мамлакат манфаатлари учун қўллай оладиган иқтидорли олимларни амалда тўғридан-тўғри қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш учун йўл очади.

Мавжуд илмий ташкилотларни уларнинг фаолияти нечоғлик мақсадга мувофиқ эканлиги ва қўшаётган амалий ҳиссасини инобатга олмай, базавий молиялаштиришдек давом этиб келаётган эскича ёндашувдан воз кечиш, мақсадли илмий-тадқиқот дастурлари, технологик ва инновация лойиҳаларини молиялашда ижрочиларни танлов асосида аниқланадиган илғор грант тизимига ўтиш - илмий-техникавий фаолиятни ташкил этишга қаратилган янги тузилманинг энг муҳим тамойилидир.

Фармонга мувофиқ Йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш кенгаши ташкил этилиши замонавий талабларга жавоб берадиган илмий-техникавий фаолиятни ташкил этишни ислоҳ қилиш амалда тўлиқ мантиқий якунига етказилишини таъминлайди. Кенгашнинг асосий вазифаси йирик илмий инвестиция лойиҳаларининг холис, мустақил экспертизасини йўлга қўйиш, техник жиҳатдан таъминлаш ҳамда амалга оширилаётган йирик илмий-тадқиқот ва инвестиция лойиҳалари бўйича жорий ва якуний ҳисоботлар мониторингини олиб боришдан иборат.

Илмий-техникавий фаолиятни ташкил этиш амалиётига илк бор мустақил, холис, таркибида энг малакали олим ва мутахассисларни бирлаштирган орган жорий этилмоқда. Мазкур орган «абадий», замон талабларига мослаштирилиб, шаклу шамойили ўзгартирилган илмий мавзулар ва эскирган қарашлар мавжудлигига барҳам беради. Фанда чинакам демократик қарашлар, илмий ғоялар ва тадқиқотлар натижаларининг қадр-қиммати ва истиқбол аҳа-миятига эга эканлигини аниқлашда ошкораликнинг ҳақиқий тамойилларини амалга оширади. Илмий даражаси, ёши ва турар жойидан қатъи назар иқтидорли, ташаббускор ва изланувчан олимларнинг фаол ишлаши учун йўл очиш, мураккаб технологияларга асосланган илмий тадқиқотлар ва инвестиция лойиҳаларини амалда қўллаш борасида турли тавакkалчиликларни камайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўзда тутилган илмий-техникавий фаолиятни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларда мамлакатимиз ва хориждаги ижобий тажриба инобатга олинган. Жумладан, Мувофиқлаштириш кенгаши қошида Инновация илмий-техника фаолиятини маблағ билан таъминлаш жамғармаси тузилади, уни шакллантиришнинг хилма-хил манбалари белгиланган. Бу чора-тадбир Ўзбекистон мустақиллиги туфайли мамлакатимизда яратилган ҳамда халқаро инновация жамғармалари ва ривожланган демократик давлатларнинг шундай ташкилотлари томонидан тан олинган инновация илмий-техника фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини анча юқори босқичга кўтаради. Жамғарма фаолиятининг юксак даражада ташкил этилиши ва молиявий имкониятларининг кенгайтирилиши олимлар, ижодий фикрлайдиган, юқори малакали мутахассислар, иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги янгича тафаккурли раҳбарлар учун инновация жараёнида амалий иштирок этиш ва илмий-техника тараққиётига ҳисса қўшиш борасида ғоят қулай шароит яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони давлат бошқарув тизимини ислоҳ қилиш ва мамлакатимизни ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари билан узвий боғланган бўлиб, унинг таркибий қисми ҳисобланади. Фармонда қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ ва аниқ ижроси Ўзбекистон интеллектуал ресурсларининг изчил ривожланиши, илмий-техника салоҳиятининг кучайиши ва пировард натижада мамлакатимизнинг жадал иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти кафолатидир.

ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ – СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11-14 март кунлари расмий ташриф билан Америка Қўшма Штатларида бўлди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Кондолиза Райс, Пентагон раҳбари Доналд Рамсфелд, давлат котиби Колин Пауэлл ва бошқа расмий кишилар иштирок этган бу учрашувда дастлаб Ўзбекистон раҳбарига Америка халқини энг синовли дамларда дадил қўллаб-қувватлагани учун яна бир карра самимий миннатдорлик билдирилди. Ж.Буш Ўзбекистон қатъият билан аксилтеррор коалициясини қўллаб-қувватлаганини АҚШ ҳукумати ва халқи унутмаслигини, бу миннатдорлик ва эҳтиром келгусида жуда кўп бор намоён бўлишини таъкидлади. У Ислом Каримовни бундан буён АҚШ стратегик шерик сифатида доим Ўзбекистон билан бирдам бўлишига ишонтирди.

Вашингтонда АҚШ ҳукумати бу йил Ўзбекистонга ёрдам тариқасида 160 миллион доллар ажратиши маълум қилинди. Шуни инобатга олган ҳолда ҳамда Жорж Буш ва бошқа расмий кишилар билан мулоқотлар руҳидан англаш мумкинки, АҚШ бундан буён ҳам Ўзбекистондаги ислоҳотларни янада кенг ва фаол қўллаб-қувватлайверади.

Оқ уйдаги учрашувда Марказий Осиёдаги жараёнлар ҳам муҳокама қилинди. Минтақамиздаги иқтисодий интеграцияни ривожлантириш, хавфсизлик масалаларига эътибор қаратилди. Гап шундаки, Афонистондаги аксилтеррор операцияси якуний босқичига қадам қўйгани билан ҳали хотиржамликка берилиб бўлмайди. Аксинча, энди янада қийин ва мураккаб вазифаларни бажариш керак. Президентимиз АҚШнинг етакчи газета ва журналлари раҳбарлари билан учрашувда таъкидлаганидек, биринчи галда Афғонистонда ҳаётий инфратузилмаларни тиклаш, мамлакатни тинч ҳаётга қайтариш зарур. Афғонистон хориж ёрдами билангина ўз ҳаётини изга солиши мумкин.

Иккинчидан, "Толибон" ва "Ал-Қоида" жангарилари бутунлай йўқотилгани йўқ. Мамлакатнинг айрим ҳудудларида баъзан майда гуруҳлар халқаро коалицияга қарашли ҳарбийларга қаршилик кўрсатиб тургани сир эмас. Жангариларнинг муайян қисми хорижда, коалициянинг ҳозирча эътибори тушмаган жойларда яшириниб ётган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Улар вақти келиб, яна ўзининг манфур башарасини намоён қилмаслигига, хунрезликлар уюштирмаслигига кафолат йўқ. Шу боис уюшқоқликни, ҳамжиҳатликни сусайтирмаслик даркор.

Бошқа бир муаммо Афғонистонда йиғилиб қолган қурол-яроғдир. Ҳозир мамлакатда 10 миллион донадан ортиқ ўқотар қурол бор. Миллий тотувлик энди-энди шаклланаётгани, марказий ҳокимиятнинг кучи ҳали бутун мамлакатни назорат қилишга етмаслиги ҳозирги барқарорликнинг давомийлиги ва мустаҳкамлигига соя солмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон учун давлат чегарасини мустаҳкамлаш борасида АҚШ билан ҳамкорликни ривожлантириш ғоят муҳимдир. АҚШ томони ҳам халқаро терроризм, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар, қурол-яроғ ва оммавий қирғин қуроллари таркибий қисмларининг контрабандаси долзарб муаммолар эканлигини, уларга қарши курашда Ўзбекистонга ва умуман Марказий Осиёга кўмак бериб, шу орқали дунёдаги барқарорликни мустаҳкамлаш мумкинлигини эътироф этди. Бу борада катта имкониятлар ва бой тажрибага эга АҚШ бизга чегарани мустаҳкамлашда, унинг муҳандислик ва техникавий инфратузилмасини такомиллаштиришда самарали ёрдам кўрсатиши мумкин. Бу хусусда томонларнинг фикри бир жойдан чиқди.

Шу билан бирга, Оқ уйда ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинди. Пентагонда Доналд Рамсфелд билан бўлган учрашувда эса бу йил Ўзбекистон қуролли кучлари ислоҳотига кўмаклашиш учун 43 миллион доллар ажратилиши маълум қилинди. Ўтган йили бу рақам 15,5 миллион доллар эди.

Аввалги хабарларда айтилганидек, Президент Ислом Каримов АҚШнинг қишлоқ хўжалиги ва молия вазирлари билан учрашди.

Қишлоқ хўжалиги вазири Энн Венеман хоним билан суҳбат чоғида мазкур соҳада илмий тадқиқотлар ўтказиш ва тажриба алмашиш масалаларига эътибор қаратилди. Меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 2,5 фоизигина шу соҳада банд бўлганига қарамай, дунёда пахта, ғалла, гуруч каби зарур маҳсулотлар етиштириш бўйича етакчилик қилаётган, қишлоқ хўжалигида илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларини ишга солаётган АҚШ билан бундай ҳамкорликдан Ўзбекистон манфаатдор экани ва катта фойда кўриши тайин.

АҚШда тахминан 22 миллион фермер хўжалиги бор. Битта хўжалик ўртача 190 гектар ерга ишлов беради. Мамлакат чорвачилик ва паррандачиликда ҳам катта ютуқларни қўлга киритган.

Айни вақтда Ўзбекистоннинг АҚШ билан бу соҳадаги ҳамкорлиги PL-480 дастури доирасида қабул қилинган ҳукуматлараро битимларга таянади. PL-480 илмий изланишларга оид дастурларни ижро этиш ва АҚШ қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан тажриба алмашишни молиялаш учун заҳира жамғарма шакллантиришни кўзда тутади. Ўтган йилнинг апрелидан мамлакатимизда ўнта дастур амалга оширила бошлади. Бу йил эса яна ўн тўрттаси кўриб чиқилади. Улар деҳқончилигимизда ҳосилдорликни ошириш, чидамли ва серҳосил навлар яратиш, ер-сув заҳираларидан унумли фойдаланиш билан боғлиқ кўплаб долзарб масалаларни қамраб олган.

Вашингтонда қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзаро ҳамкорликка оид ҳужжат имзоланди.

Молия вазири Пол О'Нил билан бўлган учрашув АҚШ томонидан Ўзбекистонга молиявий ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш масалаларига бағишланди. АҚШ томони Ўзбекистондаги бозор ислоҳотлари ва демократик жараёнларни қўллаб-қувватлаш учун мамлакатимизга ёрдам бериш зарурлигини қатъий эътироф этади. Жумладан, учрашувда миллий валютамизнинг тўлов қобилиятини ошириш, валюта бозорини эркинлаштириш, бюджетни қўллаб-қувватлаш мақсадида АҚШ вазирлик ва идораларининг имтиёзли дастурлари ва грантлари доирасида молиявий ёрдам ҳажмини кўпайтириш масаласи кўрилди.

Ислом Каримов ва Пол О'Нил Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий молия муассасалари билан ҳамкорлигини ривожлантириш масалаларини ҳам муҳокама қилди. Албатта, бу масала кўтарилгани бежиз эмас. АҚШ молия вазири Президентнинг асосий иқтисодий маслаҳатчиси, айни вақтда Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Америкааро тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ва Европа тикланиш ва тараққиёт банкида ўз мамлакати томонидан бошқарувчи ҳисобланади. АҚШнинг нуфузини ҳисобга оладиган бўлсак, эндиликда бу муассасаларда Ўзбекистон манфаатларини қўллаб-қувватловчи ишончли шерикларимиз сони янада кўпайди, дейиш мумкин.

Президент Ислом Каримов АҚШ Конгрессига борганда, уни Вакиллар палатаси раиси Деннис Ҳастр қарши олди. Таъкидламоқ жоизки, АҚШ конгрессменлари барча мамлакатлар президентларига ҳам бундай иззат-икром кўрсатавермайди. Конгрессдаги мулоқот чоғида асосий эътибор Ўзбекистон-АҚШ муносабатларини ривожлантириш масалаларига қаратилди.

Таъкидламоқ керак, Оқ уйнинг Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаш борасидаги таклифлари олий қонун чиқарувчи орган томонидан тўла маъқулланмоқда. Ўзбекистон билан ҳамкорлик мамлакат манфаатларига уйғун ва ғоят аҳамиятли эканлиги эътироф этилди. Сенаторлар, конгрессменлар мамлакатимизда амалга оширилаётган буюк ўзгаришлар ҳақида янада тўлиқроқ маълумотга эга бўлди. Ўтган бир неча ой ичида 16 нафар сенатор ва 8 конгрессмен Ўзбекистонга келиб кетди.

Конгрессда Сэм Браунберг, Ҳиллари Клинтон каби нуфузли сенаторлар билан бўлган учрашувда ҳам АҚШ олий қонун чиқарувчи органининг Ўзбекистонга ҳайрихоҳлиги қатъий таъкидланди. Америкалик қонун чиқарувчилар Ўзбекистон Президентига Америка халқини ва Президентини синовли дамларда қўллаб-қувватлагани учун яна бир бор миннатдорлик билдирди.

Ислом Каримов Сенат аъзоларининг катта қисми ўтирган залга кириб борганида, сенаторлар ўринларидан туриб узоқ олқишладилар. Сенаторлар сўнгги пайтда Конгресснинг Ўзбекистонга муносабати кескин ўзгарганини таъкидлади. Зеро, аксилтеррор коалициясини биринчилар қаторида қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон террорни йўқ қилиб, минтақавий хавфсизликни таъминлаш истаги билан чекланиб қолмайди, мамлакатимиз демократия ва эркинлик билан боғлиқ қадриятларни ҳам ҳимоя қиляпти.

Шундай қилиб, ташриф самарали кечди, дейиш учун асос етарли. Расмий доиралар вакиллари билан учрашувлар очиқ ва ғоят самимий руҳда ўтди. Оқ уйда, Конгрессда, Давлат департаментида, Пентагонда АҚШ томонининг юксак ҳурмат-эътибори кўзга яққол ташланиб турди. Бундан ташқари эса, АҚШ жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари халқаро терроризмга қарши курашга қўшган улкан ҳиссаси учун Ислом Каримовни "Халқаро миқёсдаги буюк давлат арбоби" мукофоти билан тақдирлади. Мукофотни АҚШнинг таниқли давлат ва жамоат арбоби Генри Киссенжер топширди.

Шунингдек, Ўзбекистон-Америка савдо палатаси уюштирган қабул маросимида америкалик ишбилармонлар Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти катта эканлигини, ўзаро шериклик кўлами кенгайишида Ислом Каримовнинг оқилона сиёсати муҳим ўрин тутаётганини таъкидлади. Барча Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантириш истагини намоён этди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон АҚШдек қудратли давлат билан стратегик шерик бўлди. Унинг нечоғли куч-қудратга эга эканлигига узоқ тўхталиш шарт эмас. Бир-икки иқтисодий кўрсаткични мисол келтириш кифоя. АҚШда ялпи ички маҳсулот ҳажми тахминан 10 триллион долларни ташкил қилади.

Мамлакат савдо вазирлигининг Иқтисодий таҳлил бюроси ҳисоботида ёзилишича, АҚШнинг олтин захираси бутун дунёдаги захиранинг 30 фоизини ташкил этади. Мамлакат саноатнинг деярли барча соҳалари бўйича дунёда етакчи ўринга чиққан. АҚШда 11 мингдан зиёд банк бор. Ҳозирги кунда, бу мамлакат дунё сиёсий ва иқтисодий ҳаётида "об-ҳавони белгилайди", десак асло хато бўлмайди. Демак, биз нафақат янги стратегик шерик орттирдик, балки унга ҳамкор ё иттифоқчи бўлган бошқа давлатларнинг назарини ҳам ўзимизга янгидан қаратдик. АҚШ Ўзбекистонни ўзининг стратегик шериги деб эълон қилар экан, кўп давлатлар, шунингдек, нуфузли халқаро ва минтақавий тузилмалар ҳам, Ўзбекистонга муносабатини ўзгартирмай қолмайди — ҳамкорликни, эътиборни кучайтиради. Яна бир муҳим томони шуки, мамлакатимизга ғараз кўзи билан қарайдиган кучлар ҳам энди ўйлаб иш кўришга мажбур.

Ташриф мобайнида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ўзаро шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация, шунингдек, илмий-техникавий тадқиқотлар, ядровий материаллар ва технологиялар тарқалишининг олдини олишда ҳамкорлик, молия соҳаларига оид қатор ҳужжат имзоланди. Улар орасида айниқса мазкур декларация ғоят муҳимдир. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда, хавфсизлик борасидаги ҳамкорликни назарда тутувчи бу ҳужжат стратегик шерикликнинг тамойилларини расман белгилаб берди. Томонлар хавфсизликка таҳдид соладиган ҳар қандай трансмиллий хавф-хатарга қарши биргаликда курашади. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик қамрови кенгайиб, бутун ижтимоий соҳани, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, асосий ва ижтимоий фанлар, юқори технологияларга оид масалаларни ўз ичига олади. Декларацияда АҚШ томони Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимизнинг узоқ муддатли манфаатларига хизмат қиладиган техникавий ёрдам дастурларини амалга ошириши, Америкадаги банк ва компанияларни жалб қилиши таъкидланади.

Ислом Каримов Вашингтонда Жаҳон банки раҳбари Жеймс Вулфенсон, "Ньюмонт майнинг" компанияси президенти ва ижрочи директори Уэйн Мёрди билан учрашди. Мазкур учрашувларда қўшма лойиҳалар ижроси, янгиларини ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

Нью-Йоркда эса Президентимизнинг шаҳар ҳокими Майкл Блумберг билан учрашуви бўлди. Мазкур шаҳар АҚШнинг энг йирик молиявий маркази бўлиб, унда йирик банклар, етакчи компания ва фирмаларнинг қароргоҳлари жойлашган. Нью-Йорк биржаси жаҳон бозори конъюктурасини белгилайдиган жуда катта муассасадир. Пахта, қаҳва, шакар, металлар каби ўта зарур маҳсулотларнинг нархи Нью-Йорк биржасидаги олди-соттига бевосита боғлиқ.

Ислом Каримов ҳоким билан учрашуви чоғида Нью-Йорк катта иқтисодий салоҳиятга эга эканлигини таъкидлади. М.Блумберг маҳаллий ишбилармонларнинг эътиборини кўпроқ жалб этиш орқали Нью-Йорк Ўзбекистон-АҚШ иқтисодий ҳамкорлиги ривожига салмоқли ҳисса қўшишини айтди.

Ислом Каримов Жаҳон савдо маркази харобаларини бориб кўрди. Мамлакатимиз раҳбари бу ерда ўтган йили 11 сентябрда содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракатининг қурбонлари хотирасига гулчамбар қўйди. Америкаликларнинг иродаси бутун дунё аҳлини ҳайратга солганини таъкидлади. М.Блумберг Президентга АҚШни, у билан иттифоқликда терроризмга қарши тузилган халқаро коалицияни қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирди ва бундай қатъиятни, айниқса, нью-йоркликлар юксак қадрлашини таъкидлади.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон АҚШ билан стратегик шерик бўлди ва шу билан ўзининг тинчлиги ва тараққиётининг кафолатини янада мустаҳкамлади. Ташриф давомида Ўзбекистон делегациясига кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром мамлакатларимизнинг бир-бирига ишончи мустаҳкам ва бардавом эканлигини кўрсатди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири,
Тошкент — Вашингтон — Нью-Йорк — Тошкент

Таълим тизимида фанларнинг оддийликдан мураккаблик сари ривожланишига эътибор қаратилиши керак.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА ФАНЛАРАРО УЗВИЙЛИК

Seminar

Узлуксиз таълим мактабгача таълим муассасасидан тортиб малака оширишгача бўлган жараённи ўз ичига олади. Бинобарин, таълим тизимида фанларнинг оддийликдан мураккаблик сари ривожланишига эътибор қаратилиши керак.

Нафақат таълим турлари, балки фанларни ўқитишда ҳам узвийлик ва узлуксизлик бўлиши кераклиги кундек равшан. Бу Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг негизида туради. Ушбу узлуксизлик аввалambor таълим турларида ўқитиладиган умумтаълим фанлар ўқув дастурларининг бир-бири билан ўзаро боғланиши орқали таъминланади.

Тошкент архитектура-қурилиш институтида бўлиб ўтган илмий-методик семинар ана шу масалага бағишланди. Узлуксиз таълим тизимида фаолият кўрсатаётган етакчи олимлар, мутахассислар, амалиётчилар ушбу семинарда ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Дарвоқе, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да таълим турлари ўртасидаги фанлараро узвийликка алоҳида эътибор берилган. Чунки кадрлар тайёрлаш сифати фанлар ва улардаги мавзуларнинг мантиқий кетма-кетлиги ҳамда ўқув соатларидан самарали фойдаланилишига боғлиқ.

Миллий дастурни рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичида умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим учун асосий меъёрий ҳужжатлар ҳисобланган давлат таълим стандартларининг, шунингдек узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси тасдиқланиши ҳозирги кунда таълим турларида фанлараро узвийликни таъминлашни тақозо этади. Ушбу долзарб масалани ечиш мақсадида дастлаб учта таълим турлари учун умумий бўлган 20 та фанлар бўйича узвийлаштирилган дастурлар ишлаб чиқувчи ижодий гуруҳлар ва уларнинг ишларига ташкилий-услубий раҳбарлик қилувчи таянч олий таълим муассасалари белгиланди. Ижодий жамоа таркибида иштирок этган олимлар, услубчилар ва амалиётчилар учун барча қулайликлар яратилди ва улар асосий иш жойларидан 10 кунлик муддатга масъул олий таълим муассасаларига хизмат сафарига юборилдилар. Масалан, ўзбек тили, математика, физика, астрономия, география, биология фанлари бўйича умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим тизими услубчилари, амалиётчилари ва олимларидан иборат ижодий гуруҳлар Ўзбекистон Миллий университетида фанлар учун намунавий узвий боғланган ўқув дастурлари яратдилар.

Ўқув дастурларини ишлаб чиқишда ижодий жамоалар мавзуларнинг таълим турлари орасида оддийдан мураккабликка, хусусийдан умумийликка ўтишда ўқувчи ва талабаларнинг ёши, психологик жиҳатдан ўзлаштириш имкониятларини алоҳида инобатга олдилар. Шунингдек, мавзуларнинг бир хил талқинда таълим турларида такрорланмаслигига эришилди ва бунинг натижасида фанлар учун ажратилган ўқув соатларидан самарали фойдаланишга имкон яратилди. Бундан ташқари фанлар бўйича ўқувчи ва талабаларни мустақил фикрлаш ва мустақил билим излаш қобилиятларини ривожлантирувчи бўлимлар, масала ва машқлар, тестлар ўқув дастурларда ўз аксини топди.

Эндиликда фанлар бўйича янгидан ишлаб чиқилган узвий боғланган ўқув фани дастурларини жамоатчилик экспертизасидан ва тажриба синовларидан ўтказиш режалаштирилди. Келгусида эса узвий боғланган фанлар ўқув дастурлари асосида зарур бўлган ўқув адабиётлари, шу жумладан, дарсликлар тайёрланади. Мазкур илмий-методик семинар доимий равишда ўтказилиб туриладиган бўлди.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ҲАЙРАТИМИЗ БОИСИ...

"Маърифат" газетасининг 2002 йил 7 март сонида бир гуруҳ олимлар томонидан чоп этилган "Концепцияни қайта ишлаш зарур" номли мақолани ўқиб тўғриси ҳайрон қолдик. Нега дейсизми?

Биз амалиётчи мактаб ўқитувчилари доимо педагогика фанидаги янгиликларни олишга, соҳа бўйича олимларимизнинг ёрдамига эҳтиёж сезамиз. Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти борлигини эшитганмиз. Аммо, ҳалигача педагогика фанини такомиллаштириш борасида мазкур институтнинг фаолиятимизга у қадар таъсири бўлганича йўқ. Бошқа соҳа илмий тадқиқот институтлари, ҳатто таълим-тарбия соҳасида фаолият кўрсатадиган жамғармалар, нодавлат ташкилотлари томонидан яратилган адабиётлар, китобларнинг тақдимот маросимларидан оммавий ахборот воситалари орқали бохабар бўламиз. Лекин, айни пайтгача республикамиздаги ягона Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг бундай фаоллигини сезмаган эдик. Шунинг учун бўлса керак "Маърифат" газетасининг 2002 йил 7 март сонида мазкур илмий муассасанинг бир гуруҳ олимлари томонидан чоп этилган "Концепцияни қайта ишлаш зарур" номли мақолани қизиқиш билан қўлга олдик, аммо...

Аввало шуни айтишимиз керакки, "Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси" лойиҳаси билан батафсил танишиб чиқдик. Лойиҳа ҳолатида эълон қилинганидан сўнг "Маърифат" газетасида у ҳақда мутахассислар томонидан билдирилган қатор фикр ва мулоҳазалар, таклифлар мазмуни билан ҳам қизиқиб бордик.

Гапнинг сирасини айтганда, Концепцияда баён қилинган **"Узлуксиз таълим тизимида ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш механизми", "Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишга қўйиладиган талаблар", "Ўқув адабиётларининг шакллари ва турлари", "Ўқув адабиётларига қўйиладиган талаблар", "Электрон ўқув адабиётларини яратиш босқичлари"** бобларида аниқ белгиланган вазифалар кўлами айни биз ўқитувчиларнинг дилидагини ифодалаган. Бу жиҳатдан мазкур Концепцияни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мазмун-моҳиятидан хабардор бўлган ҳар бир мутахассис қўллаб-қувватлаши табиийдир.

Лекин "Маърифат" газетасининг жорий йилдаги 7 март сонида Ўзбекистон Педагогика фанлар илмий-тадқиқот институти бир гуруҳ мутахассислари томонидан ёзилган "Концепцияни қайта ишлаш зарур" номли мақолани ўқиб, очиғини айтганда таажжубландик. Тўғриси, бу мақоладаги "қимматли" фикрларни мазкур муассаса олимлари эмас, нўноқроқ бир ҳамкасбимиз айтганида ҳам бунчалик ҳайратланмаган бўлардик. Бу таълимдаги оддий мутахассис тушуниши лозим бўлган мақсад ва вазифаларни ҳам шундай илмий муассаса олимларининг тушунмаслигими ёки тушунишни истамаслигими, билолмай қолдик?!

Ахир, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсадларидан бири узлуксиз таълим тизимини жорий этиш ва уни такомиллаштиришдан иборат эмасми? Шундай, дерсиз, унда мақолада олий таълим муассасаси билан умумий ўрта таълим мактаблари учун умумий концепциянинг тавсия этилишини "катта хато" деб кўрсатилишини қандай тушунса бўлади? Кечирасизу, бу худди уйқусираб муҳокама қилинаётган масала моҳиятини англай олмай, карахт бир ҳолда нима деганини ўзи ҳам билмаган одамнинг ҳолатига ўхшайди.

"Ўқув адабиётларини яратиш Концепцияси билан дарслик яратиш Концепциясининг бир сафга қўйилиши, аниқроғи, ягона концепцияга тиқиштирилиши кечирилмас ҳол", дейилади мақолада. Агар дарслик ўқув адабиётлари сирасига киритилмаса, уни қандай адабиётлар сирасига киритиш мумкин, деган савол туғилиши табиий.

Мақолада қарама-қарши фикрларни учратиш мумкин. Аввалида, **"Концепцияда дарсликлар яратишнинг истиқболдаги вазифалари белгилаб берилиши лозим",** дейилгани ҳолда дарсликларни электрон версиялар тарзида тайёрлаш ҳақидаги: **"электрон версиялар асосидаги дарсликни гарчи олий таълимда қўллаш мумкин ва зарур, лекин мактаб ўқувчиси фаолиятига кўп ҳам тўғри келмайди"** каби фикрларини қандай тушунса бўлади? Наҳотки, ҳурматли домлаларимиз Кадрлар тайёрлаш миллий дастури иккинчи босқичида амалга оширилиши кўзда тутилган вазифалар моҳиятини акс эттирган мана бу фикрлардан бехабар бўлишса?! Яъни: **"таълим муассасаларининг моддий техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилади, ўқув тарбия жараёни юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланади. Узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш амалга оширилади".**

Мақолада олий таълим муассасалари учун маъруза матнлари, амалиётда қўлланилаётган "Ўзбек тили" ва "Она тили" дарсликлари ҳақидаги танқидий фикрлар ўринсиз ва асоссиз деб ўйлаймиз.

Барчамизга маълумки, умумий ўрта таълим мактаблари учун яратилаётган барча ўқув методик адабиётлар Республика таълим маркази ҳузуридаги илмий-методик кенгашда муҳокама қилиниб нашрга тавсия этилади. Шунингдек, ДТС асосида яратилган дарсликларнинг янги авлоди ҳақида махсус эксперт гуруҳи хулосалари ҳам олинади. Шундай бўлгач, **"РТМ ходимлари ҳам "Ўзбек тили" ва "Она тили" дарсликларига илмий баҳо бериш, анжуман ўтказиб, фикр алмашувга эҳтиёж борлигини таъкидлашмоқда"** дейиш мантиққа тўғри келармикан?

Муҳтарам домлаларимиз Концепцияда ўқув адабиётлари ҳажмини фоиз ҳисобида белгилаб бериш зарурлигини таъкидлайдилар. Шу маънода уларнинг қандай илмий асосга таяниб, **"назарий материал 38 фоиз, амалий материал 40 фоиз, расм, схема, модел 21 фоизни ташкил этиши керак"** деган хулосага келишгани номаълум. Фоизларга бўлиб чиқиш шарт экан, бошланғич таълимдан олий таълимгача ўқув адабиётлар миқдорининг кўплиги назарда тутилса, уларнинг ҳаммаси учун шундай тақсимланиш тўғри бўлармикин?

Бизнингча, аввало, бундай якуний хулосага келишдан олдин ўқув адабиётларининг ҳажмини, унда қўлланиладиган назарий, амалий, расм, схема ва моделларни фоизларга ажратиш дарсликларни ўзлаштириш даражасига ва ўқувчи ёшига мослиги ўрганиб чиқилиб, сўнгра шу каби аниқ талаблар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳаммамизга маълумки, таълимдаги ислоҳотлар, амалга оширилаётган ишларнинг барчасидан кўзланган асосий мақсад баркамол авлодни тарбиялашдир. Шундай экан, бир-бири билан узвий боғланган узлуксиз таълим турлари ўртасига Хитой деворини қўйиш, **"катта тафовут бор"** дейиш, ҳар бир таълим соҳасида ишлаётган мутахассис бир қарашдаёқ сезадиган ҳақиқатни кўра билмаслик — бу Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсадларини тушунмаслик билан баробардир.

Ёркиной СУЛТОНОВА,
Фарғона туманидаги
3-мактабнинг
тил ва адабиёт ўқитувчиси,
Республика "Ўзбек тили"
доимий анжумани
иштирокчиси

ҚАДИМДАН МЕРОС АЙЁМ

Халқимиз — доно. Донолигига бир исбот шулки, аждодларимиз инсон ва табиат муштараклигини азалдан билганлар. Қуёш ва юлдузлар ҳаракати, улар нима учун яратилганлигини англашга уринганлар. Қуёш ва юлдузлар, юлдузлар ва Ер, Ер ва инсон — олам ва одам аро боғланишни тадқиқ қилганлар. Хулосалар бир нуқтада туташган: уларнинг барчаси Инсон учун, ибрат учун яратилган...

Ибратнинг мумтоз намуналаридан — инсон умрининг йил фаслларига қиёсланишини олинг. Бунда катта ҳикмат бор.

Демак, инсон олам билан муштарак, унинг бир қисми, мўъжаз акси экан, табиат билан боғлиқ байрамлар ҳам инсон ҳаётининг ажралмас қисми ҳамда уларнинг тарихи ҳазрати Одам тарихи янглиғ кўҳна...

Наврўз — шундай кўҳна байрамлардан бири, қадимдан қолган айём.

Наврўзни нишонлаш қачондан бошлангани ҳақида турли хил қарашлар мавжуд. Кимдир у бундан 2600 йил илгаридан нишонлана бошланган деса, яна бир олим 3-3,5 минг йилдан гапиради. Нима бўлганда ҳам, Наврўз тарихи узоқ. Буни буюк алломалар Беруний, Умар Ҳайём ёзиб қолдирган маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Абу Райҳон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарида Наврўз ҳақида шундай фикр билдирилган: "Наврўз... қуёшнинг саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. Энди у бутун йил хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунича, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунича, ҳайвонларда то насл вужудга келгунича ва ўсимлик униб чиқа бошлашидан, такомиллашгунича давом этган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган".

Бундан минг йилдан зиёд илгари яшаб ўтган улуғ олим Наврўзни "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар"дан бири сифатида таърифлаб, уни оламнинг бошланиши ва яратилиши билан боғламоқда. Демакким, Наврўз табиат низомларига алоқадор кун ўлароқ, оламнинг ибтидоси, инсон руҳи билан боғлиқ айём, боқий шодиёна. Шу сабаб, у ҳамма-ҳаммага севинч бахш этади.

Қомусий билим соҳибларидан бири Умар Ҳайём "Наврўзнома" асарида Наврўз ҳақида шундай маълумот беради: "Наврўзнинг жорий қилиниши сабабини айтсак, у шундан иборатки, Офтобнинг икки айланиши мавжуд, улардан бири қуйидагича: Офтоб ҳар уч юз олтмиш бешкуну кеча-кундузнинг тўртдан бирида Ҳамал буржининг биринчи дақиқасига чиқиб кетган пайтининг ўзида яна қайтиб келади ва ҳар йили бу давр камая боради.

Жамшид бу кунни тушунгандан кейин Наврўз деб атади ва байрам қилишни одатга айлантирди".

Умар Ҳайём Наврўзнинг йилнома — тақвим жорий қилишга асос бўлганлигини айтади ва "биринчи кун"нинг моҳияти ҳақида шундай дейди: "Кимки Наврўз куни байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача хуррам бўлади ва фароғатда яшайди".

Неча минг йиллардирки, бу ҳақиқат қарор топиб келмоқда.

Наврўз — деҳқончилик байрами ҳамдир. Зироатчилар қадимдан баҳорги юмушларни Наврўз кунидан бошлаганлар. Юртимиздаги суғорма деҳқончилик маданиятининг узоқ илдизлари ҳам Наврўз тарихи билан боғлиқдир.

Огаҳий ҳазратлари "Риёз-уд-давла" асарида бу ҳақда шундай деган: "Деҳқонлар Наврўзи ки қадим-ул айёмда деҳқонлар ўзларича Ҳутнинг аввалги кунин Наврўз атаб, деҳқончиликнинг баъзи ҳисобин унинг бирла бошлар эдилар".

Шундай муборак кунда бошланган юмушнинг охири бахайр бўлишига аждодларимиз чин дилдан ишонганлар. Ариқ-зовурларни тозалаш, таъмирлаш, янги ариқ ва каналларни қазиш келгуси мўл ҳосилнинг гарови бўлиб, "кейинги Наврўзгача хуррам бўлиш ва фароғатда яшаш"ни таъминлаган.

Фаслларнинг ўрнини алмаштириш мумкин бўлмаганидек, Наврўзни бошқа кунга кўчириш ёки уни бутунлай йўқотиш мумкин эмас. Пойдевори Ёлғон устига қурилган собиқ советлар империяси кўплаб эзгу удумлар, миллий-маънавий қадриятлар қатори Наврўзга ҳам душманларча муносабатда бўлди. Уни байрам сифатида нишонлашни узоқ вақт таъқиқлаб қўйдилар. Наврўзга ҳужумлар турли шаклларда давом этаверди. Аммо халқимиз Наврўзни асло унутгани йўқ. Уни нишонлаш турли кўринишларда, масалан, "Йилбоши", "дарвешона" каби маросимлар шаклида давом этаверди. Бироқ, шундай эсада, у билан боғлиқ кўпгина удумлар, маросимлар, урф-одатлар унутилиб кетди ёки ўз шаклини, баъзан моҳиятини ўзгартирди, баъзилари бирмунча "қизиллаштирилди".

Давлатимиз раҳбарлигига Ислом Каримов келгач, Наврўзга муносабат бутунлай янгиланди. 1990 йилдан бошлаб, Наврўз умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлана бошланди. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгандан сўнг қадимий бу айёмимиз ўз қадрини тўла тиклаб олди. Президентимизнинг махсус фармонига асосан Наврўз куни — 21 март — умумхалқ байрами сифатида дам олиш куни деб эълон қилинди. Ҳар йили махсус қарорлар қабул қилиниб, Наврўз мамлакатимизнинг барча гўшаларида улкан тантана сифатида нишонланмоқда.



Наврўз бизга нақадар кераклигини бугун тўла англаб етдик. Президентимиз 2001 йил 21 март куни пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган байрамга бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида халқимизни муборак айём билан қутлаб, Наврўз моҳияти ҳақида жумладан, шундай деган эдилар: "Ҳеч шубҳасиз, бугун кундалик ҳаётимизда тобора кучайиб бораётган ҳамжиҳатлик, сабр-бардош, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат-эҳтиром қанча мустаҳкам бўлса, бошқача айтганда, яхшилик, аҳиллик, ҳамкорлик қанчалик кўп қарор топса, бир-бирини кўролмаслик, тажовуз, ҳасад билан яшашга, умуман, ёмонликка ўрин қолмайди. Наврўзнинг бутун руҳи, бутун моҳияти, аслида мана шундай олижаноб туйғуларни уйғотишга ва ҳаётимизнинг ҳар соҳаси, ҳар қадамида уларнинг устувор бўлишига даъват этади".

Наврўз ана шундай улуғвор руҳга эга байрам. Олам ўзгаришлари, табиатдаги уйғониш инсон руҳида ҳам ўз аксини топади бу кунда. Эзгу амалларга иштиёқ, фаровонликка интилиш, комилликка қадам намоён бўлади бу кунда. Шу сабаб ҳам халқимиз Наврўзни севади, қадрлайди ҳамда ҳаётининг ажралмас бир қисми, энг гўзал кунларидан, энг улуғ байрамларидан бири сифатида нишонлайди. Барчамизга Наврўзимиз муборак бўлсин!

Ҳусан КАРВОНЛИ

«Navro'z — boqiy bayram» tanloviga

НАВРЎЗ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

Айни кунларда республика Ўқувчилар техник ижодиёт марказида Наврўзни нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Жумладан, ободонлаштириш ойлиги ўтказилиб, марказ ҳовлиси тартибга келтирилди, турли хил дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилди. Айниқса, бу ишларга тўгарак қатнашчиларининг ҳам жалб қилиниши байрам кайфиятини янада оширди. Шунингдек, ўқувчилар тўгарак раҳбарлари билан биргаликда кекса ва нафақадаги ходимлар ҳолидан хабар олиб, уларнинг кўнгилларини хушнуд этдилар.

Марказ анъанасига кўра, бу йил ҳам сумалак тайёрланиб, дастурхон ёзилади, тўгарак аъзолари лапарлар, келин салом, алла, чақалоқни бешикка белаш каби саҳна кўринишлари билан байрамга файз бағишлайдилар.

Шундай улуғ айём кунларида яна бир тадбир, яъни 26 мартда пойтахтимиздаги "Боғи Эрам" маданият ва истироҳат оромгоҳида Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда республика миқёсида "Варраклар" байрами ўтказилади. Ишонамизки, баҳорги таътил кунларига тўғри келган мазкур тадбирда миллий ўйинларимиздан ҳисобланган варраклар учириш болалар учун ҳақиқий байрамга айланади ва албатта, ғолиблар ажойиб совғалар билан тақдирланадилар...

БАҲОРИЙ ТАДОРИК

Сурхондарё вилоятида эълон қилинган ободонлаштириш ойлигида манзарали дарахтлар экилиб, атроф-муҳит ўзгача бир кўринишга кирди. Шунингдек, ижодий гуруҳ ҳам ташкил этилиб, «Ўзбекракс» вилоят бўлими, Термиз давлат санъат билим юрти талабалари ва бир гуруҳ санъаткорлар «Наврўз» байрамини ҳар йилгидан қизиқарли тарзда, республика саҳналарида намойиш этишга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар ва воҳа миллий урф-одатларининг очилмаган қирраларини, бой маданий меросини кўрсатиш учун ҳаракат қилишмоқда.

Мухтасархон КАРИМОВА

МОНИТОРИНГ – ТАЪЛИМНИНГ ТАҲЛИЛИЙ МАРКАЗИ

Dolzarb mavzu

"Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида"ги қонуни давлат таълим стандартлари мониторинг бўлимларининг зиммасига қатор муҳим вазифаларни юклади. Хўш, ДТС мониторинг бўлимлари зиммаларига юклатилган вазифаларни қандай уддалаяптилар?

Махсус мухбиримиз яқинда Шаҳрисабз туман ХТБ ДТС мониторинг бўлими бошлиғи Қурбонтош Одилова билан ана шу хусусда суҳбатлашди.

— Қурбонтош опа, энг аввало, ДТС мониторинг бўлимлари вазифалари ва уларнинг Шаҳрисабз тумани миқёсида қандай бажарилаётганлиги хусусида гапирсангиз.

— ДТС мониторинг бўлимлари асосан қарор ва буйруқлар, кўрсатмаларнинг бажарилишини назорат қилади ҳамда таҳлил қилади. Бу ДТС мониторинг бўлимлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг ҳаммаси эмас, албатта. Бўлимимиз ходимлари томонидан туман мактабларида таълим-тарбия олаётган барча ўқувчиларнинг билимларини, мактаб, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим-тарбия муассасаларини ва ХТБ услубиёт хонаси ишларининг умумий таҳлилини олиб боради. Булардан ташқари ДТС мониторинг бўлимлари ходимларига таълим-тарбия муассасаларини аттестация ва акредитациядан ўтказиш, ўқитувчиларга берилаётган тоифаларни ҳам назорат қилиб бориш вазифалари юклатилган.

Бўлимимизда 5 нафар мутахассис ишлайди. Тумандаги 110 та мактаб, 75 та мактабгача ва 9 та мактабдан ташқари таълим-тарбия муассасаларида ДТС мониторинг хизматлари олиб борилмоқда. Барча мактабларда директорнинг ўқув ишлари бўйича муовинлари бизнинг мактабдаги масъул ходимларимиз ҳисобланади.

ДТС мониторинг бўлимининг режасига кўра ҳар бир чорак якунида барча мактаблар ўқувчиларини фанлар бўйича ўзлаштиришларининг мониторинг таҳлили,жойларда қарор ва буйруқларнинг бажарилиши назоратдан ўтказилади. Ўқув йили якунида эса йиллик таҳлил чиқарилади. Ҳар бир таҳлил натижалари хулосаси юқори ташкилотларга юборилиб турилади. Биз мактабларимизда мониторинг таҳлилларида она тили, рус тили, чет тили фанларидан айрим ҳолларда математика фанидан ҳам ёзма, қолган фанлардан тест усулида синовлар ўтказамиз.

— Таҳлиллар натижалари қандай бўлади?

— Жорий ўқув йилида ҳам 2 та чорак якунланди. Барча таълим-тарбия муассасаларимизда мониторинг таҳлилларимизни қатъий тартиб асосида ўтказиб бораяпмиз. Биринчи ярим йиллик якунларига кўра, туманимиздаги 70, 98, 100-мактабларнинг жамоалари энг яхши натижаларни кўрсатди. Шунингдек, "Шодлик", "Булбулча", "Чарос", "Дўстлик" мактабгача таълим муассасалари ҳам юқори натижаларга эришдилар.

Очиғи, мониторинг таҳлиллари адолатли ўтказилса, ортиқча гап-сўзга ўрин қолмайди. Мониторинг таҳлиллари илғорларни ҳам, қолоқларни ҳам аниқлаб беради. Ўтган ўқув йилидаги мониторинг таҳлилларимиз натижаларига кўра, туманимиздаги 37, 47, 54, 60-мактабларда ДТС мониторинг талабларидан паст даражада билим берилаётганлиги аниқланди. Бўлимимиз томонидан ушбу илм масканлари хусусида ХТБ кенгашига ёзма билдириш тақдим этилди. Кенгашда ушбу мактабларда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар атрофлича ўрганилди. Уларни бартараф этиш юзасидан керакли кўрсатмалар берилди.

Халқ таълими соҳасига масъулиятсизлик билан қараш кечириб бўлмас хато, десак янглишмаймиз. Зеро, бу соҳа жамиятнинг асосий негизини ташкил этади.

Абдували ОБИДДИНОВ,
"Маърифат"нинг
махсус мухбири

Jarayon

Республикамизда муҳандис-педагоглар тайёрлаш бўйича таянч олий ўқув юртларидан бири ҳисобланган Наманган муҳандислик-педагогика институтининг ЎМКҲТ худудий бошқармалари ва таълим муассасалари билан ҳамкорлиги институт фаолиятидаги устивор йўналишларидан биридир. Мазкур ҳамкорликнинг махсус меъёрий хужжатлар, ўқув режа ва дастурлари асосига қурилгани алоҳида аҳамиятлидир. Натижада, муҳандис-педагоглар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва бу жараённи ЎМКҲТ муассасалари педагогик жамоалари билан ҳамкорликда олиб боришга эришилди. Жумладан, ўтган давр мобайнида НМПИда касб таълими йўналиши 2 тадан 12 тага ва бу йўналишлар бўйича талабалар қабули 35 нафардан 800 нафарга етказилди. Ўтган йили эса касб-ҳунар коллежларида фаолият кўрсатаётган 92 нафар ўрта махсус маълумотли педагоглар махсус уч йиллик сиртқи бўлимга қабул қилиндилар. Айни кунда вилоятдаги 10 та касб-ҳунар коллежларида институт кафедраларининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, институтнинг 39 нафар тажрибали профессор-ўқитувчилари академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида дарс беришга жалб қилинган. Улар машғулотларни юқори савияда ўтказиш билан бирга, ўқув жараёнини замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида олиб боришда касб-ҳунар коллежларидаги амалиётчи педагогларга илмий-услубий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Ўз навбатида институт бўйича ўтказиладиган анъанавий илмий-амалий анжуманларда касб-ҳунар коллежлари педагогларининг иштирок этишлари ҳам ижобий натижа бермоқда. Бугун мазкур соҳада муҳим масалага айланган ўқув адабиётлари ва дарсликлар яратишда ҳам мукаммал ҳамкорлик алоқалари шаклланди.

Институт таркибида ташкил этилган малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетида бугунги кунгача Андижон ва Наманган вилояти касб-ҳунар коллежларининг 350 нафардан зиёдроқ педагоглари ўз малакаларини ошириб, белгиланган шаклдаги сертификатларга эга бўлдилар. Институтнинг 12 нафар ўқитувчиси эса ЎМКҲТ Маркази йўлланмаси билан АҚШ ва Жанубий Корея давлатларида малака ошириб қайтдилар. Улар машғулотларда ривожланган мамлакатлар таълим тизимида қўлланилаётган замонавий усуллардан фойдаланиб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

Яқинда ҳамкорликнинг самарали намунаси сифатида бакалавр даражасини олиш арафасида турган 160 нафардан зиёд бўлажак муҳандис-педагогларнинг Наманган вилояти ЎМКҲТ бошқармаси раҳбарияти ва вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари директорлари билан бевосита мулоқоти ўтказилди. Наманган шаҳар транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежида юқори савияда ташкил этилган ушбу анжуманда иштирок этган вилоят ЎМКҲТ бошқармаси бошлиғи Ҳ.Убайдуллаев ва институт ректори, профессор Т.Эргашевлар ўз чиқишларида таълим муассасаларини кадрлар билан таъминлаш вазифалари, бу борада эришилган ютуқлару мавжуд муаммолар ҳақида, ҳамкорликда ишлашни янада такомиллаштириш бўйича қизиқарли фикрлар билдиришди. Косонсой маиший хизмат касб-ҳунар коллежи директори И.Ангуров, Наманган шаҳар 10-касб-ҳунар мактаби директори Х.Отамирзаев, учрашув ўтаётган касб-ҳунар коллежи директори А.Эшонов ва бошқалар ҳам қўшқанотли мутахассислар ҳисобланувчи муҳандис-педагог кадрлар тайёрлашдаги ўзаро ҳамкорлик қирралари тўғрисида мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Коллежнинг энг замонавий русумдаги компьютер воситалари, "ЎзДЭУавто" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомобилларга оид кўргазмали қуроллари, замонавий воситалар билан жиҳозланган ўқув хоналари ва лаборатория ускуналари меҳмонларда, айниқса, институт битирувчиларида чуқур таассурот қолдирди. Улар бу каби касб-ҳунар коллежларида бажонидил ишламоқчи эканликларини якдиллик билан изҳор қилдилар.

БАКАЛАВРЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Учрашув касб-ҳунар коллежлари директорлари ва уларда ўқиётган талабалар ҳамда бўлғуси муҳандис-педагогларнинг бевосита мулоқоти билан якунланди.

Институт жамоаси бундан кейин ҳам муҳандис-педагоглар тайёрлашдаги ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш, "институт+коллеж" ўзаро интеграциясини таъминлаш борасида изланишларини асло тўхтатмайди. Бу изланишлар муҳандис-педагоглар тайёрлаш жараёнини замон талабига мувофиқ ҳолда такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиши муқаррардир.

З.МАҲМУДОВ,
НМПИ академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва маркетинг ишлари бўйича биринчи проректори,
Қ.ИШМАТОВ,
институт ўқув-услубий бўлими бошлиғи

ЭЗГУ ИШ ҚИЛСАНГ, ЯХШИЛИК КЎРАСАН

Xalq ta'limi va bozor iqtisodiyoti

Бозор иқтисодиёти шароитида таълим соҳасида ҳам тадбиркорлик билан иш юритилса, жамоат ташкилотлари билан алоқалар мустаҳкамланса, мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги концепциясига амал қилинса, зарурий натижаларга эришилади, ҳамжиҳатликка асос яратилади. Бу тушунчалар моҳиятини яхши англаган Қорақалпоғистон Республикаси Эллик-қалъа тумани халқ таълими бўлими ходимлари ҳам кенг жамоатчилик билан алоқаларни йўлга қўйиш, маҳаллий ҳокимиятлар, манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда таълим тизимини ривожлантириш борасида бир неча йиллардан бери изланмоқдалар. Изланишлар натижаси ўлароқ таълим муассасаларига ёрдам қилаётган ҳомийлар сони айни кунда 60 тадан ошди. Уларнинг орасида 7 нафар тадбиркор, саховатпеша инсонларнинг ҳам борлиги қувонарли ҳолдир. Ўтган йили ҳимматли одамлар, маърифатпарвар идора ва ташкилот кўмаги билан 64 та мактаб, 13 та боғча-мактаб, 6 та мактабгача таълим муассасаси ўқув йилига муддатидан илгари тахт қилинганини қайд этиш жоиз. Шунингдек, ҳомийлар илм масканларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш даврида ҳам ёрдамга келишди. Масалан, илгари туман марказидан анча узоқда жойлашган 30-мактабнинг иситиш тизими яхши ишламасди. Мактаб ёнидан газ қувурлари ўтган бўлишига қарамай, у ер газлаштирилмаганди. Ал Хоразмий номидаги фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбарияти, аниқроғи, жамоанинг янги раҳбари Ражаббой Қурбонов ташаббуси билан мактабга янги қувурлар ўрнатишга жиддий киришилди. Иситиш тизими билан бирга мактаб томи тўла таъмирланди, яъни шиферлаб берилди. Жами харажатлар 1250000 сўмни ташкил этди.

Ҳозир жамоа раҳбари Ражаббой Қурбонов мактабдан тез-тез хабар олиб турибди. У ўқувчиларнинг билим олиш самарадорлигини кўтариш мақсадида стипендия жорий этишни режалаштирмоқда.

Ғани Одилов номидаги фермер хўжаликлари уюшмаси ҳам таълим муассасаларига алоҳида эътибор бераётир. Уюшма (раҳбари Нуриддин Фахраддинов) шу ҳудуддаги 64-таянч мактабни ўз маблағлари ҳисобига қуриб берганликлари алоҳида таҳсинга сазовор.

Яна ҳомийлардан Тоза-Амиробод ФХУнинг 6-мактабга 335000 сўмлик маблағ сарфлаб, иситиш тизимини таъмирлагани ва илм масканига Хоразм ўймакорлик услуби акс этган нақш устунли дарвоза қуриб бергани, Қирққизобод ФХУ 350000 сўм ажратиб, авария ҳолатидаги 18-мактабни қайта тиклагани, "Элтекс" ҳиссадорлик жамияти 36-мактаб томини тўла таъмирдан чиқаришга 210000 сўмлик маблағ ажратгани ва бошқа оталиқ ташкилотларининг амалга оширган ва мўлжаллаётган қатор ибратли ишларини элликқалъаликлар фахр билан гапирмоқдалар.

Қувонарлиси, бу туманда илм масканлари раҳбарларининг ўзлари ҳам қўшимча маблағ топиш йўлларини қидириб топаяптилар. Масалан, туманда 1,3,28-мактаб жамоалари буғдой, сабзавот экинлари экишаяпти. Олинган даромадни таъмирлаш ва ободончилик ишларига ишлатишиб, илм масканларини чиройли ҳолатларга келтиришга ҳаракат қилаётирлар.

— Элликқалъаликлар кўчат экишни қадрият, ота-боболардан қолган анъана сифатида билишади, — деди туман ХТБ мудири Тожимамат Матмуродов. — Шу боис ҳар бир оилада, мактабда баҳор келиши билан турли хил кўчат, қаламчалар ўтказишга киришилади. Чунончи, айни кунда барча таълим муассасаларида кўчатлар ўтказиш, қаламчалар қадаш ишлари қизғин давом эттирилаяпти.

Дарҳақиқат, биз туманда бўлганимизда ҳар бир кўчат авайлаб ўстирилаётганини гувоҳи бўлдик. Айниқса, тумандаги 6,8,10, 34-мактабларда яратилаётган боғлар бу йил мева бера бошлашини эшитиб қувондик. Яхшиликка бурканган боғларда келажакда очиқ дарслар, табиат дарслари ўтилишини кўз олдимизга келтирдик.

Улар ўғил-қизларни фақат эзгу ишлар, яхшиликлар қилишга чорлайди.

Биз юқорида ҳомийлар — давлат ва жамоат тузилмаларининг таълимга қайишаётгани ҳамда Элликқалъада кўчатлар ўтказиш, қаламчалар экиш одатга айланаётгани ҳақида ичичимиздан қувониб гапирдик. Республикамизнинг чекка ҳудуд, туманларида ҳам озод юртимизни обод кўришга интилишаётганини одамларнинг бугунги тинч ҳаётимизга шукроналиги, деб билдик.

Қурбонбой
МАТҚУРБОНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Саҳнада Отелло. Ана у Дездемонани ўлдириб қўйди. Бу билан у ўз бахтига чанг солганини Эмилиядан бор ҳақиқатни эшитгач, англади. Англадию, энди бу ёруғ оламда яшашни ўзига-да эп кўрмади...

"Отелло" спектаклини ҳар кўрганимда ушбу роль ижрочиси — Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизов билан суҳбатлашишни дилимга тугиб қўярдим. Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театрида у кишининг режиссёрлигида саҳналаштирилган "Қаллиқ ўйини" спектакли премьерасидан сўнг мақсадим амалга ошди.

Mehmonxona



Турғун АЗИЗОВ:

«МАҚСАД ҚИЛДИНГМИ, ЭРИШ»

— "Болалигим, сени соғиндим", дейилади бир қўшиқда. Инсон ёши улғаяверган сари бу гўзал фаслни кўмсайверади. Сиз асосан қандай кайфиятда болалик даврингизни эслайсиз?

— Болалик даврим уруш пайтига тўғри келган. Шунинг учун бугунги тинч замонамизда невараларимнинг қучоғимда бўлган кезлари болалигимни эслайвераман. Оилада тўрт ўғил, тўрт қиз вояга етганмиз. Ота-онамиз барчамизнинг ўқимишли бўлишимизни истаганлар ва ниятларига етдилар. Онамиз вафот этиб кетганлар. Отамиз ҳаётлар, умрлари узоқ бўлсин, ёшлари юзга яқинлашиб қолди.

— Турғун Азизов — мактаб ўқувчиси...

— 1941 йилда Тошкент шаҳридаги 48-мактабга 1-синфга борганман. Рус мактаби бўлганлиги учун, табиийки, ўқитувчиларим ҳам ўзбек бўлмаган миллат вакиллари эди. Ўзбек тилидан Нина Александровна деган ўқитувчимиз дарс берардилар. Онаболадай муносабатда бўлар эдик. Тарих фанидан сабоқ берадиган ўқитувчимни ҳам бир жиҳати туфайли эслаб тураман (исми-шарифи ёдимда қолмаган). У киши доимо ўша давр сиёсатига қарши сўзларни ҳам айтиб турардилар. Энди ўйлаб қарасам, шу "ботиртил"лиги туфайли ҳам илмий бўлим мудирлигидан кўтарилмаган бўлса керак. Немис тилидан Зинаида Ивановна номли муаллима дарс берганлар. Анча йиллардан сўнг бир спектаклдан сўнг театр фойесида у кишини учратиб қолдим. Бу пайтлар менга "халқ артисти" унвонини беришган эди. Ундан сўраб билсам, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи" унвонини олган экан. Бир-биримизни табриклашдик. Мактаб директори Иван Михайлович Каргин эдилар.

60-йилларда шекилли, театримизда Иззат Султон қаламига мансуб "Номаълум киши" спектаклини қўйдик. Асарда Ниёз образи бўлиб, муаллифнинг айтишича, бу образ Намоз Пиримқуловнинг прототипи эди. Ўша Ниёз образини Олим акам(Хўжаев)га дублёр бўлиб ўйнар эдим. Бир куни спектакль тугагандан сўнг кўчага чиқсам, Иван Михайлович турибдилар. Сўрашдик. "Ролингни кузатдим. Мактабда шўх эдинг. Бу ерда ҳам ўзингга мос роль топибсан-да", дегандилар ўшанда.

— Ўқувчилик даврингизда руҳиятингизга қаттиқ таъсир қилган, эҳтимол, дунёқарашингизни ўзгартирган воқеа содир бўлганми?

— Ёшлик давримга тўғри келган уруш ёш кўнглимга қаттиқ таъсир қилган. Ва, айтганингиздек, дунёқарашимни ўзгартирган ҳамдир балки. Аслида 7-8 ёш бола учун айни ўйнаб-куладиган даврдир. Аммо бизга ўйнаб-кулишлар, арғимчоқ учишлар қаёқда... Отамиз ҳарбий бўлганлари учун уйда кам бўлардилар. Шу боис биз ака-укалар мактабдан қайтибоқ сигиримизга қараш билан овора бўлардик. Лекин айтиш жоиз, бирдан-бир овунчоғимиз тўп тепиш эди. Бўш вақт топдик дегунча, футбол ўйнашга ошиқардик.

Уруш даври дилимизга: **"Мақсад қўйдингми, эриш"** шиорини ўрнатган. Шу кунга қадар ушбу шиорга амал қиламан.

— Ўқитувчи сиймоси ҳақида мактабгача, мактабда, мактаб давридан кейин дилингизда қандай тасаввур бўлган ва улар бир-биридан қанчалик фарқ қилади?

— Юқорида айтганимдай, мактабга етти ёшимда, яъни иккинчи жаҳон уруши бошланган пайтда борган бўлсам, қалбимда ўқитувчи сиймосига ҳавас ундан ҳам олдинроқ уйғонган. Тўғри, барча киши эндигина мактаб остонасига қадам қўйганида ҳаяжонда бўлади, ўқитувчисига ҳавас қилади. Лекин мендаги бу ҳаваснинг эрта уйғонишига бошқа сабаб ҳам бор эди. Абдулла исмли кичкина тоғам ўқитувчи бўлиб, ўша даврдаги улуғ бир орден соҳиби эди. Уни ҳамма ҳурмат қиларди, барча ва, албатта, мен ҳам ҳавас кўзи билан боқардим.

Шу-шу мактаб ўқувчиси эканимда ҳам, мактабни тугатганимдан сўнг ҳам ўқитувчи зотига бўлган ҳурматим ўзгаргани йўқ. Доимо муаллимликни қадрлайман. Бироқ мен ўқиган давр ўқитувчиси билан бугунги кун ўқитувчиси орасидаги тафовут анчагина. Уни мен айтмасам ҳам барча билади, деб ўйлайман.

— Санъатга шайдолик қалбингизда ўқувчилик даврингизда уйғонганми ёки ундан-да олдинроқ?

— 8 ёки 9 ёшимда Ҳамза театри (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри)нинг ёзги биносида "Отелло" спектакли қўйиладиган бўлди. Отелло ролини тоғам — Аброр Ҳидоятов ўйнайдиган бўлгани учун бизнинг оиламизни ҳам таклиф этган эди. Хуллас, томоша бошланди. Тугади ҳам. Менинг бу спектаклни кўриб, тушунганим шу бўлди: қандайдир қора одам у ёққа югурди, бу ёққа югурди, сўнгра кимнидир бўғиб ўлдириб қўйди... Шунда қалбимда театрга қизиқиш уйғонганини сезганман. Ва ҳали-ҳануз бу соҳага бўлган меҳр қалбимда ортса-ортяптики, камайгани йўқ.

1953 йилда Санъат институтига ҳужжат топширганим эсимда. Аброр Ҳидоятов буни эшитиб: "Чакки қибсан, жиян, мен сени Москвага ўқишга юбориш ниятида эдим. Ҳали ҳам ҳужжатларингни қайтариб ол", дедилар. Аммо ҳужжатимни беришмади. Ўша вақтда, ҳозирги тил билан айтганда, проректор бўлиб ишлаган Собир Муҳамедов: "Аброр ака, нима, бизга ишонмайсизми?" деганларидан сўнг тоғам ҳам рози бўлган эканлар. Институтда устозим Тошхўжа Хўжаев дарс берардилар. У киши рус мактабда ўқиганимни билганларидан сўнг бир неча пьесани қўлимга тутқазиб, рус тилидан ўзбек тилига таржима қилишни буюрардилар. Шундай қилиб, ўзбек тилида биринчи ўқиган китобим Ҳусайн Шамснинг "Душман" деган асари бўлган. Кейинчалик бу асарни саҳналаштириб, диплом иши тариқасида ўйнаганмиз.

— "Мафтунингман" фильмида фарғоналик йигит ролини ижро этгансиз. Кинодаги илк ролингизми бу ёки...

— Ушбу фильмдаги иштироким кинодаги иккинчи ролим ҳисобланади. Кинода биринчи ўйнаган ролим бошқа бир фильмдаги Бобурбой деган қишининг Нодир исмли ўғли образи эди. Бу ролни ўйнаганимда 3-курс талабаси эдим. Тўғрисини айтсам, бу ролни устозим Тошхўжа Хўжаевнинг рухсатисиз ўйнаганман. Яъни у киши кино тайёр бўлгандан кейин хабар топган ва бу ҳаракатимдан норози бўлган эдилар. Аммо узримни ҳам қабул қилганлар.

"Мафтунингман" картинасидаги иштироким ҳам тасодиф туфайли бўлган. Бир куни Бешёғочдан театр томон пиёда кетаётган эдим (пиёда юришни хуш кўрардим). У пайтлар ҳозирги Ўқувчилар саройи биноси олдида трамвай бекати бўларди. Шу ерга етганимда бир киши менга тикилиб қараб қолди. Ёнимга келиб ўзини таништирди: Йўлдош Аъзамов экан. Мен ҳам ўзимни таништирдим. "Бугун соат 14^{00} да киностудияга боргин, гап бор", дедилар. Шу тариқа театрга кириб бордим. Шукур ака домино ўйнаб ўтирган эканлар. Йўлдаги воқеани айтдим. "Ҳа, у бир кино суратга оляпти. Синов ўтказмоқчидир-да. Лекин, билиб қўй, Муроджон Аҳмедов ҳам киносиновга таклиф этилган. Ўтишинг қийин", дедилар Шукур Бурҳонов. Мен эса синовдан муваффақиятли ўтдим. Кинотасвирнинг кўп қисми Самарқандда суратга олингани учун эрта-саҳар соат 4^{00} да биринчи рейс билан кўҳна шаҳар сари отланиб, кечқурун театрга — спектаклга етиб келардим. Бу ҳолат анча вақт давом этганди.

— Назаримда, Отелло образини саҳнада гавдалантиришни ҳар бир актёр орзу қилса керак. Лекин бу образнинг мураккабликларини камдан-кам актёр уддалай олади... Айтмоқчи бўлганим — Турғун Азизовга бу ролни ўйнаш насиб этган. Ва у кишининг наздида бу роль...

— Ҳақиқатан мураккаб. Биласизми, "Отелло" трагедияси воқеалари — эскирмас мавзу, яъни ҳар қайси даврга тегишли. Ундан ҳар бир даврнинг ўз муаммосини топиш мумкин. Отелло образини Аброр Ҳидоятов ўйнаган давр романтик давр эди. Биз ўйнаган давр эса асарнинг руҳий жиҳатини кўрсатишни тақозо қилди. (Шу ерда актёримиз қаҳрамон тилидан айтиладиган бир неча сўзни ҳар икки даврга хос бўлган овозда (романтик ва руҳий) айтиб бердилар).

Шуни айтишим жоизки, бу ролни ўйнашимда бошқа актёрлар ўйнаган "Отелло"ларни ўйламасликка ҳаракат қилганман.

— Ҳар бир футболчи ўз фаолиятини якунлагандан сўнг мураббий бўлиши қийин бўлгани каби актёрлар ҳам камдан-кам ҳолларда режиссурага қўл урадилар. Лекин мана Сиз анча йиллардан буён режиссёрлик қилаяпсиз. Бу осон кечмагандир?

— Актёрликда тажриба ўсган сари роль камаяверади. Бу ўз вақтида обрўни ҳам ўстира боради. Актёр энди режиссурага қўл ура бошлайди. Чунки актёрнинг саҳнадаги умри 25-30 йил. У шу даврдаги муаммони саҳнага олиб чиқа олади, холос. Шунинг учун актёр номига доим давр қўшиб айтилади: "60-йиллари фалон рол билан машҳур бўлган" каби. Актёр Алишер Навоий ёки В.Шекспирдек барча даврда машҳур бўлолмайди. Режиссёрлик эса кўп жиҳатдан биринчи асарнинг муваффақиятига боғлиқ. Менинг режиссёрликни бошлашимга 1989 йил бошларида бўлган марҳум шоир Мақсуд Шайхзоданинг хотира кечаси сабаб бўлган. Ўшанда Рихси Иброҳимова билан шоирнинг "Мирзо Улуғбек" трагедиясидан кичик саҳна томошаси ўйнадик. Бир қарсак бўлди, бир қарсак бўлди. Ва бу менинг режиссурага қўл уришимга туртки бўлди. Шу билан "Мирзо Улуғбек"ни учинчи бўлиб саҳнага олиб чиқдим. Шундан бери "Алишер Навоий", "Меҳробдан чаён", "Чимилдиқ", "Машраб", "Етти фарёд", "Бир кошона сирлари" ва мана кўрганингиз "Қаллиқ ўйини" асарларини саҳналаштирдим.

— Инсон руҳиятида кўплаб хислат ва туйғулар мавжуд. Дўстлик — гўзал туйғу. Сизнинг таниқли ёзувчи Ўлмас Умарбеков билан дўстлигингиз ҳақида эшитганмиз...

— Ўлмасхон саёҳатни хуш кўрарди. У радиода, Учқун Назаров киностудияда, мен театрда ишлардик. Иккаласи менинг бўш вақтимни пойлашарди. Вазият туғилган заҳотиёқ Шоҳимардонга йўл олардик.

Ўлмасхон асарлари қўлёзмаларини биринчилардан бўлиб менга ўқитарди. Биргалашиб муҳокама қилардик. Дўстимнинг одамийлик сифатларини ҳали ҳам соғинч билан эслаб тураман.

Бундан ташқари, яна бошқа кўплаб адиблар билан ҳам дўстлигимиз борки, улардан ўрганганларим ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам, албатта, фойда беради.

— Ўзингиз ҳам устоз санъаткор, ҳам Санъат олийгоҳида кафедра мудири, профессор-ўқитувчисиз. Талабаларга сабоқ бериш жараёнида бу икки касбингиз қай даражада уйғунлашади.

— Санъатда интилган чўққиларим — Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаевлар даражасига етишишдир. Баҳоли қудрат улар ўйнаган ролларни ўйнадим. Талабаларга ҳам "мақсад қилдингми, эриш" деган сўзларнинг моҳиятини уқтиришга ҳаракат қиламан. Айтиш ўринлики, ўзбек актёрлик мактаби — кучли мактаб. Мана, Марказий Осиёдаги барча санъат институтлари пойдевори бизнинг институтда қўйилган. Шу маънода бу мактаб тараққиётига менинг ҳам хизматим сингаётганидан мамнунман.

— Муштарийларга тилакларингиз...

— Тинчлик бўлсин. Шунда одамлар соғ бўладилар. Соғлик бўлсин. Шунда инсонлар тинч яшайдилар.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!

Шерали НИШОНОВ суҳбатлашди.

УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА 2002 ЙИЛГИ РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИАДАСИДА ИШТИРОК ЭТАДИГАН ЎҚУВЧИЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари орасидаги 2001-2002 ўқув йилида умумтаълим фанлари олимпиадалари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2001 йил 31 октябрдаги 69-сонли, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2001 йил 31 октябрдаги 9/5-сонли қўшма ҳайъат қарорининг тасдиқланган Низоми ва РТМнинг баҳолаш мезонлари тавсиялари тартиб асосида ўтказилади.

Республика IV босқич олимпиадасига 212 нафар ўқувчилар саралаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2002 йил 13 мартдаги 46-сонли Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2002 йил 13 мартдаги 78-сонли "Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича IV Республика олимпиадасини ўтказиш тўғрисида"ги қўшма буйруғига асосан Республика босқичида 21 фандан 212 нафар ўқувчи иштирок этиши тасдиқланди.

Мазкур олимпиаданинг якуний босқичи 2002 йил 24-29 март кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Қуйида якунловчи IV босқичда иштирок этадиган голиб ўқувчилар рўйхати берилмоқда.

ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Т/р	Ўқувчининг фамилияси ва исми	Балл	Вилоят	Туман (шаҳар)	Мактаб	Ўқитувчининг фамилияси ва исми
1	Ибадуллаева Хуршида	86	ҚҚР.	Элликқалъа т.	1-мактаб	Болтабоева Замира
2	Қўзиева Севарахон	86	Андижон	Марҳамат т.	7-ихтисос. мактаб (гимназия)	Охунжонова Шоира
3	Мўминов Нодир	92	Бухоро	Бухоро ш.	4-мактаб	Раҳматов Йўлдош
4	Холмирзаева Хуршида	88	Наманган	Учқўрғон т.	31-мактаб	Холмирзаева Дилором
5	Холибекова Омонгул	90	Навоий	Навоий ш.	Академик-лицей	Эгамова Ҳукмой
6	Олимов Адҳам	79	Сурхондарё	Узун т.	14-мактаб	Эшназарова Рухсатой
7	Ҳотамова Гулжаҳон	89	Самарқанд	Самарқанд ш.	СамДУ академлицейи	Ҳайитова Мавжуда
8	Сулаймонбекова Ҳилола	91	Сирдарё	Гулистон ш.	12-мактаб	Сулаймонбекова Матлуба
9	Раҳмонкулова Маҳмуда	76	Тошкент в.	Бекобод ш.	16-мактаб	Марипова Ортиқҳон
10	Тулебердиева Камола	91	Тошкент ш.	Чилонзор т.	1-ПБЮ	Бобоёров Ўктам
11	Иргашева Нилуфар	86	Фарғона	Олтиариқ т.	19-мактаб	Бегматова Манзура
12	Ваисова Соҳиба	87	Хоразм	Шовот т.	9-мактаб	Матқурбонова Гавҳар

ЎЗБЕК ТИЛИ

1	Абдуллаева Барнохон	87	Андижон	Андижон ш.	1-ихт. мактаб (гимназия)	Асракулова Адолат
2	Назарова Зебинисо	77	Бухоро	Пешку. т.	9-мактаб	Солиев Солибой
3	Есжанова Ақтоты	81	Навоий	Конимех т.	13-мактаб	Норбоева Бахтигул
4	Ходжаева Гулбаҳор	84	Наманган	Наманган ш.	НамДУ академик-лицей	Абдуллаев Комилжон
5	Расулова Феруза	78	Самарқанд	Боғишамол т.	17-мактаб	Сайдиева Мархабо
6	Садикова Гульмира	76	Сурхондарё	Бойсун т.	25-мактаб	Омонов Бўри
7	Қосымова Фазилат	89	Тошкент ш.	С.Раҳимов т.	159-мактаб	Мансурова Ҳамида
8	Джабборова Ирода	79	Тошкент в.	Бекобод ш.	2-мактаб	Миррахимова Фотима
9	Маҳкамов Фарход	76	Фарғона	Бешариқ т.	2-мактаб	Муҳиддинова Шарофат
10	Қўшназарова Барно	80	Хоразм	Қўшкўпир т.	1-мактаб	Рўзимова Нафиса

РУС ТИЛИ (РУС МАКТАБЛАРИДА)

1	Қиличев Алексей	84	Бухоро	Тўкимачи т.	8-мактаб	Алексина Алла
2	Шайхутдинова Ильвина	91	Наманган	Давлатобод т.	49-мактаб	Темофеечева Елена
3	Капустина Аннастасия	89	Самарқанд	Боғишамол т.	17-мактаб	Агамянц Сусана
4	Насанова Екатерина	89	Навоий	Навоий ш.	1-ихтис. мактаб (гимназия)	Чижмак Ингга
5	Гумашвили Мария	85	Тошкент ш.	Ҳамза т.	161-мактаб	Фёдоровна Миронова Ольга
6	Цой Ирина	78	Тошкент в.	Бекобод ш.	5-мактаб	Югай Ниля Андревна
7	Пак Юлия	83	Фарғона	Қўқон ш.	20-мактаб	Беликова Елизавета
8	Маликова Юлия	84	Қашқадарё	Шаҳрисабз т.	93-мактаб	Норбекова Алла
9	Денисова Алла	76	Сурхондарё	Қумқўрғон т.	3-мактаб	Букарева Валя
10	Жумабаева Сумбула	80	Хоразм	Питнак ш.	2-мактаб	Бакиева Гулнора

РУС ТИЛИ (ЎЗБЕК МАКТАБЛАРИДА)

1	Хыдыров Умыт	76	ҚҚР	Тўрткўл т.	9-мактаб	Давлеткылчева Айджон
2	Юлдашева Нодира	80	Андижон	Марҳамат т.	7-ихт. мактаб (гимназия)	Қурбанова Раъно
3	Латипова Азиза	78	Бухоро	Ғиждувон т.	8-мактаб	Латипов Эркин
4	Умаров Баҳодир	76	Жиззах	Ғаллаорол т.	4-мактаб	Пардаев Сафар
5	Ҳамраев Бердиали	84	Наманган	Наманган ш.	Аниқ ва ижтимоий фанларга ихтисос. мактаб	Сатторов Абдураззоқ
6	Хўжамова Ҳулкар	80	Навоий	Навоий ш.	Академик-лицей	Никкель Екатерина
7	Маликова Динара	84	Сурхондарё	Сариосиё т.	Касб-ҳунар коллежи	Абдуллаева Дилором
8	Холиқова Васила	76	Самарқанд	Самарқанд т.	16-мактаб	Аюбова Гулдаста
9	Абдуллаева Шахида	92	Сирдарё	Гулистон ш.	Академик-лицей	Бурганова Гуляра
10	Қодирова Умида	92,5	Тошкент	Чилонзор т.	Академик-лицей	Примова Венера
11	Бердикулов Дилшод	88	Тошкент в.	Бекобод ш.	16-мактаб	Умарходжаева Раъно
12	Абдусаматов Роберт	84	Фарғона в.	Қўқон ш.	Ихт. мактаб-интернат	Узоқова Холида
13	Шабанов Мансурбек	93	Хоразм	Хива ш.	1-ҚҲ коллежи	Султонов Бахтиёр
14	Муҳитдинова Гўзаль	92	Қашқадарё	Касби т.	1-мактаб	Шарипова Адолат

ФИЗИКА

1	Носиров Маҳмуд	76	ҚҚР	Нукус ш.	НДПИ а/л	Джумабеков Жамил
2	Ҳайитов Даврон	76	Бухоро	Шофиркон т.	19-ИБМИ	Жўраев Исроил
3	Джомиев Муҳаммад	79	Наманган	Наманган ш.	НАМДУ акад. лицей	Бобохужаев Умархон
4	Асқаров Аъзамжон	89	Фарғона	Фарғона ш.	Академик лицей	Исмоилов Келдибой
5	Атаев Фарҳод	85	Хоразм	Хива т.	1-лицей	Шомуротов Ғойибназар
6	Ким Андрей	83	Тошкент ш.	Ҳамза т.	145-мактаб	Косьнова Ирина

МАТЕМАТИКА

1	Ибрагимов Мансур	84	ҚҚР	Нукус ш.	32-мактаб	Зайпанова Шаригул
2	Тешабоева Гулшан	94	Андижон	Марҳамат т.	3-ихт. мактаб.	Толипов Абдувохид
3	Ҳудойбердиева Нодира	79	Бухоро	Шофиркон т.	19-ИБМИ	Бобоқулов Саид
4	Қодиров Анвар	93	Жиззах	Жиззах т.	17-мактаб	Жабборов Равшан
5	Кулаков Александр	88	Навоий	Навоий ш.	1-ихт. мактаб (гимназия)	Косицина Эмма Фёдоровна
6	Саматов Отабек	92	Наманган	Наманган ш.	Нам.ДУ академик лицей	Қаюмов Дилшод
7	Шахиди Фаррух	100	Самарқанд	Самарқанд ш.	1-Физика математика лицейи	Ниёзов Иқбол
8	Гайбуллаев Мурадулла	77	Сирдарё	Боёвут т.	Лицей-интернат	Ўрозов Раҳматулла
9	Худойқулов Хуршид	77	Сурхондарё	Денов т.	1-мактаб	Хўжамбердиев Мажид
10	Қўшмаков Ўктам	90	Фарғона	Фарғона ш.	Академик лицей	Уралов Шавкат
11	Саидов Отабек	85	Хоразм	Урганч ш.	6-макт.интернат	Отаев Шоназар
12	Совтов Анвар	80	Қашқадарё	Ғузор т.	А.Ҳайдаров номли лицей	Шерқулов Раим
13	Пак Алексей	89	Тошкент ш.	М.Улугбек т.	50-мактаб	Сон Наталья Алексеевна

БИОЛОГИЯ

1	Муллабоева Одинахон	85	Андижон	Қўрғонтепа т.	18-ихт. мактаб интернат	Нуралиева Комилахон
2	Саъдуллаева Дилрабо	80	Бухоро	Бухоро ш.	БДУ лицей интернат	Қозоқов Аваз
3	Бабаёров Фахриддин	80	Навоий	Навоий ш.	Академик лицей	Қодиров Нарзулло
4	Юнусова Муҳаббат	80	Наманган	Поп т.	50-ихт. мактаб	Юнусова Ҳамида
5	Эргашев Мақсуд	76	Самарқанд	Самарқанд ш.	СамДУ акам. лицей	Ҳамзаева Бибихафиза
6	Тўраев Давлатбек	82	Сирдарё	Боёвут т.	Лицей инт.	Очилов Аноркул
7	Мелиев Улуғбек	78	Жиззах	Жиззах ш.	Академик лицей	Махмурова Дилфуза
8	Бекчанов Музаффарбек	96	Хоразм	Хонқа т.	11-мактаб	Мавлянов Бектурди
9	Қосимов Уйғун	78	Қашқадарё	Китоб т.	1-лицей	Ишимов Исомиддин
10	Чориева Гулистон	82	Сурхондарё	Қумқўрғон т.	21-мактаб	Саматов Мамаражаб
11	Қодирова Ҳулкарой	84	Фарғона	Фарғона ш.	О З М	Абдуқодиров Улуғбек
12	Алиева Шоира	84	Тошкент в.	Оқўрғон т.	49-мактаб	Шойзақова Муқаддам
13	Гаффаров Санжар	98	Тошкент ш.	Чилонзор т.	Сирожиддинов номли академик лицей	Аслонова Муҳтарам

ЭҲМ

1	Султанов Рустам	84	ҚҚР	Нукус ш.	32-мактаб	Заипонова Шолпан
2	Садиров Акмалжон	78	Андижон	Қўрғонтепа т.	5-ихт. мактаб интернат	Каримова Осиёхон
3.	Муродов Элёр	92	Бухоро	Жондор т.	11-мактаб	Рустамов Ҳаким
4	Дадажонов Қобил	76	Наманган	Наманган т.	Ихтисос. мактаб	Турсунова Нурхон
5	Тян Ирина	76	Самарқанд	Темирйўл т.	42-мактаб	Сим Луара
6	Муратов Раҳматулло	81	Сурхондарё	Шарғун ш.	1-ИМИ	Мирзаев Нажмиддин
7	Аббосов Бахтиёр	86	Фарғона	Қўқон ш.	Иқтисод. лицейи	Абдуллаев Азизбек
8	Исмоилов Абдували	88	Тошкент ш.	Шайхонтоҳур т.	40-мактаб	Азларов Турғун
9	Бободжонов Ибрат	89	Хоразм	Қўшкўпир т.	4-лицей	Камолов Музаффар

КИМЁ

1	Ургенчбаев Руслан	80	ҚҚР	Элликқалъа т.	1-ихт.мактаб	Кунгирбаева Мийрихон
2	Тошбоев Зафар	86	Андижон	Қўрғонтепа т.	18-ихт. мактаб-интернат	Шокирова Ҳилола
3	Ширинов Шавкат	93	Бухоро	Тўкимачи т.	Академик лицей	Аҳмедов Одил
4	Зубтиев Сардор	77	Навоий	Навоий ш.	Академик лицей	Янгибоев Сапарқул
5	Эгамбердиев Раҳмон	96	Наманган	Наманган ш.	Аниқ ва ижтимоий фанларга ихт. мактаб	Мадрахимова Каромат
6	Маматова Шаҳноза	76	Самарқанд	Самарқанд ш.	Академик лицей	Ғуломова Гулнора
7	Бўрибаева Алина	89	Сирдарё	Сирдарё т.	1-мактаб	Шомуратова Зоя
8	Жўраев Элдор	78	Тошкент в.	Паркент т.	1-мактаб	Исомиддинова Висола
9	Мўминов Рустам	86	Фарғона	Қува т.	1-лицей	Холматов Омон
10	Аскарова Шоҳиста	92	Тошкент ш.	Юнусобод т	Академик лицей	Муталибов Абдуғаффор
11	Кураев Ёдгор	90	Қашқадарё	Китоб т.	1-лицей	Мирзаев Мамашариф
12	Сафаров Бобомурод	78	Сурхондарё	Термиз ш.	Академик лицей	Абдурахманова Нигора
13	Шарипова Хосият	100	Хоразм	Боғот т.	3-лицей	Каримов Бахтиёр

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ

1	Бобохўжаев Бахтиёр	82	Андижон	Марҳамат т.	ҚҚК	Қодиров Толибжон
2	Азимов Ҳаётжон	77	Бухоро	Бухоро ш.	4 -мактаб	Ражабова Назира
3	Тошев Асрорбек	83	Навоий	Навоий ш.	Академик лицей	Фахриддинова Сайёра
4	Мадалиев Тельмон	78	Наманган	Чуст т.	Педагогика йўналишидаги интернат	Эргашев Назиржон
5	Кунишов Ўктам	79	Жиззах	Бахмал т.	18-мактаб	Ҳасанов Ўралбой
6	Ёдгоров Ҳамза	77	Самарқанд	Тойлоқ т.	21-мактаб	Султонов Дилшод
7	Абдуразоқов Нуриддин	84	Сирдарё	Боёвут т.	Лицей-интернат	Маҳкамов Комилжон
8	Асронкулов Элёрбек	77	Фарғона	Боғдод т.	1-лицей (гимназия)	Умрзоқов Абдуфаттоҳ
9	Саттаров Усмонжон	85	Хоразм	Урганч т.	45-лицей	Саъдуллаева Санобар
10	Абдиназаров Жаҳонгир	77	Қашқадарё	Касби т.	44-мактаб	Ризоқулов Баҳром

ИНГЛИЗ ТИЛИ

1	Абдуллаева Сайёра	94	ҚҚР	Нукус ш.	ҚДУ академик лицей	Гулсинова Муҳаббат
2	Абдурашидова Камила	96	Андижон	Андижон ш.	1-ихт. мактаб	Уральская Светлана
3	Маматов Азизжон	98	Бухоро в	Ф.Хўжаев т.	Академик лицей	Муҳиддинова Лида
4	Джўрабоев Умид	92	Наманган	Наманган т.	Иқтисод ва ҳуқуқ йўналишидаги мактаб интер.	Раҳманова Роҳила
5	Каримов Улуғбек	94	Навоий	Навоий ш.	Академик лицей	Тошназаров Шерназар
6	Қораев Лазиз	80	Сурхондарё	Жарқўрғон т.	ҚҚК	Шаропов Адҳам
7	Шамсудинова Сарвиноз	96	Самарқанд	Самарқанд ш.	Академик лицей	Насимова Муҳиба
8	Бахритдинова Умида	84	Сирдарё	Янгиер ш.	Академик лицей	Қаҳхорова Нафиса
9	Таджиев Сардор	94	Тошкент ш.	Чилонзор т.	ТДИУ академик лицейи	Боқитева Хадича
10	Кан Виталий	90	Тошкент в.	Ангрен ш.	14-мактаб	Потяко Алёна Викторовна
11	Камолов Алишер	84	Жиззах	Жиззах ш.	"Умид" лицейи	Худоёрова Гулнора
12	Якубов Музаффар	82	Хоразм	Урганч ш.	6-мактаб	Отажонова Ирода
13	Эркабоев Азизбек	96	Фарғона	Фарғона ш.	Академ лицей	Ғаниева Замира

НЕМИС ТИЛИ

1	Қурбонов Дониёржон	78	Андижон	Андижон ш.	Академик лицей	Иргашева Насиба
2	Исабоев Аъзамжон	84	Бухоро	Бухоро ш.	БДУ Академик лицейи	Зардинова Башорат
3	Мадалиева Фарида	76	Навоий	Навоий ш.	Академик лицей	Расулова Гулнора
4	Раҳматова Зумрадхон	76	Наманган	Чуст т.	40-мактаб	Латипов Сайфиддин
5	Олимова Нигора	80	Жиззах	Жиззах т.	17-мактаб	Эшхўжаева Назира
6	Рашупкина Татьяна	96	Тошкент ш.	Миробод т.	60-мактаб	Панцмани Рихард
7	Алимов Тохир	76	Сурхондарё	Бойсун т.	47-мактаб	Шарипов Воҳид
8	Исомидинов Соҳибжон	80	Фарғона	Қува т.	37-мактаб	Полвонова Олия
9	Исаева Гулора	80	Қашқадарё	Ғузор т.	Тиллар лицейи	Жумаева Гулнора
10	Нуржонова Шоҳиста	78	Хоразм	Урганч ш.	Академик лицей	Нуриллаева Нигора

ФРАНЦУЗ ТИЛИ

1	Холиқов Азизбек	86	ҚҚР	Тўрткўл т.	30-мактаб	Саъдуллаев Мақсуд
2	Амонов Улуғбек	92	Бухоро	Ғиждувон т.	62-мактаб	Раҳманов Саид
3	Тиллоев Сунналилло	76	Навоий	Навбаҳор т.	9-мактаб	Сафарова Гулнора
4	Раҳимова Маърифат	78	Наманган	Наманган т.	23-мактаб	Эрматова Зуҳра
5	Григорьева Екатерина	92	Тошкент ш.	А.Икромов т.	ЖТУ акдем лиц	Худойбергонова Эркинай
6	Абдуллаева Наргиза	76	Тошкент в.	Пискент т.	22-мактаб	Абдуллаева Мавлуда
7	Суяров Шерзод	82	Сирдарё	Мирзаобод т.	7-мактаб	Искандаров Тоштемир
8	Муртазоев Гулом	78	Сурхондарё	Бойсун т.	35-мактаб	Юсупов Рустам
9	Қўлдошев Жаҳонгир	80	Фарғона	Қува т.	7-мактаб	Содиқов Абдурашид
10	Каримова Муножот	81	Хоразм	Қўшкўпир т.	Жаҳон тиллари лицейи	Аскарова Муҳаббат
11	Караев Маҳмуд	76	Қашқадарё	У.Юсупов т.	3-мактаб	Ғаффаров Хушмурод

ГЕОГРАФИЯ

1	Хайруллаева Мунира	78	ҚҚР	Элликқалъа т	1-лицей	Омонов Аллаберган
2	Даткаев Темурбек	86	Андижон	Марҳамат т.	3-ихт. мактаб интернат	Ўринова Маҳфуза
3	Қодиров Хуршид	80	Бухоро	Когон т.	1-мактаб	Тўхтаева Гулнора
4	Хатамова Махбуба	84	Жиззах	Бахмал т.	48-мактаб	Бозоров Анвар
5	Меҳмонов Эсонбек	77	Наманган	Янгиқўрғон т	31-мактаб	Ҳошимова Ўғилой
6	Климов Александр	78	Тошкент ш.	Юнусобод т.	246-мактаб	Горобец Любовь Владимировна
7	Мадаминов Зафаржон	85	Фарғона	Қува т.	13-мактаб	Абдуллаева Манзура
8	Душамов Умрбек	77	Хоразм	Шовот т.	20-мактаб	Ҳасанова Зуҳра
9	Асомов Мухлис	85	Қашқадарё	Китоб т.	65-мактаб	Шомансуров Руҳи

ТАРИХ

1	Ешмуратов Эргаш	78	ҚҚР	Нукус ш.	ҚДУ академик лицей	Асанова Гулшода
2	Маҳмудов Феруз	88	Бухоро	Бухоро ш.	4-мактаб	Гадоева Муқаддас
3	Юсупов Шокир	78	Жиззах	Жиззах ш.	5-мактаб	Димитрова Елена
4	Джўраев Улуғбек	83	Наманган	Поп т.	50-ихт. мактаб	Турғунова Махбуба
5	Валиев Самандар	86	Сурхондарё	Термиз ш.	Академик лицей	Эрйигитова Лобар
6	Маҳмудов Беҳзод	76	Фарғона	Фарғона ш.	Академик лицей	Каримов Аъзим
7	Закиров Илҳом	96	Тошкент ш.	Ҳамза т.	216-мактаб	Вохидова Мавжуда
8	Абдувалиев Абдурахим	88	Тошкент в.	Қуйи Чирчиқ т.	27-мактаб	Ваҳобов Фазлиддин
9	Хўжаев Иномжон	81	Хоразм	Янгиариқ т.	11-мактаб	Эгамбердиев Жабборберган

ҲУҚУҚ

1	Таганова Назокат	79	ҚҚР	Тўрткўл т.	63-мактаб	Розимова Фотима
2	Тўрахонов Дурбек	78	Андижон	Андижон ш.	2-ихт. мактаб (гимназия)	Каримохунова Саида
3	Умурова Феруза	80	Бухоро	Бухоро ш.	6-ҲҲКҚК	Эргашев Бахтиёр
4	Худойқулова Юлдуз	80	Навоий	Навоий ш.	1-ихт. мактаб (гимназия)	Хамадхонова Татьяна
5	Далимов Бобир	92	Наманган	Наманган ш.	НамДУ академик лицей	Абдулазизов Абдувохид
6	Аблакулов Голибжон	80	Самарқанд	Самарқанд ш.	СамДУ академик лицей	Мамаюсупов Фуқрат
7	Мусурманов Раҳматжон	100	Сирдарё	Боёвут т.	Лицей -интернат	Маҳмудов Вохид
8	Хабилжанов Улуғбек	98	Фарғона	Фарғона ш.	ОЗМ	Арсланов Низом
9	Раҳмонов Маъмур	78	Жиззах	Зомин т.	К/ҳ коллежи	Эргашев Илҳом
10	Бобожонов Мардонбек	95	Хоразм	Урганч ш.	6-лицей	Жуманиязов Ҳамид
11	Назиров Бахтиёр	78	Сурхондарё	Денов т.	1-мактаб	Мандонов Эркин
12	Раҳимов Азизжон	97	Тошкент ш	Чилонзор т.	Нафис сан.лиц.	Мамажанов Дилшод
13	Худайберганов Анвар	76	Тошкент в.	Чиноз т.	48-мактаб	Турсунов Равшан

ЧИЗМАЧИЛИК

1	Розыев Анвар	76	ҚҚР	Тўрткўл т	30-мактаб	Мазитова Салима
2	Юлдашев Акмал	84,5	Бухоро	Когон т.	ИБМИ	Нурматов Равшан
3	Ҳасанов Сохибжон	86	Наманган	Янгиқўрғон т	32-мактаб	Жўрабоева Рашида
4	Казаков Бахтиёр	88	Фарғона	Фарғона ш.	ОЗМ	Гигинешвили Реваз
5	Қўзиев Намоз	80	Сурхондарё	Сариосиё т.	6-мактаб	Пирматов Адҳам
6	Сейфетдинов Феликс	77	Тошкент ш.	Миробод т.	Авиация коллежи	Абдуносирова Мавлуда
7	Садыков Ильдар	79	Тошкент в.	Бекобод ш.	5-мактаб	Исроилов Абдутолиб
8	Полвонов Дилшод	81	Хоразм	Хива ш	Пед коллеж	Майлиев Тангриберган

ТОЖИК ТИЛИ

1	Авезов Фаррух	80	Бухоро	Шофиркон т	7-мактаб	Авезова Сайёра
2	Ғофурова Гулчеҳра	77	Наманган	Косонсой т.	18-мактаб	Сиддиқов Абдувоҳид
3	Тоҳирова Мафиза	80	Самарқанд	Самарқанд т.	12-мактаб	Мустафақулова Насиба
4	Саломатов Зафар	79	Сирдарё	Сайхунобод т.	2-мактаб	Бобоев Жамшид
5	Абдуалимова Фарангис	82	Сурхондарё	Узун т.	12-мактаб	Абдуалимова Саида
6	Ҳасанов Лутфиддин	91	Тошкент в.	Ангрен ш.	17-мактаб	Ғаниев Рустам
7	Соттиев Ҳазратжон	80	Фарғона	Сўх т.	9-мактаб	Савранов Алижон

ҚОЗОҚ ТИЛИ

1	Бердимуратова Салтанат	85	ҚҚР	Тўрткўл т.	25-мактаб	Жаксанова Орынгул
2	Шыгырбаева Улмекен	84	Бухоро	Пешку т.	24-мактаб	Оспанов Ҳаврри
3	Альджанова Ирина	82	Навоий	Конимех т.	8-мактаб	Сулейманова Камиш
4	Кулахметова Ольмес	93	Тошкент в.	Бўстонлиқ т.	5-мактаб	Турғунбоев Тасбалта
5	Аязбекова Қиздаргул	85	Сирдарё	Сайхунобод т.	5-мактаб	Жолдасбеков Абдурахмон
6	Асилова Феруза	90	Жиззах	Зафаробод т.	4-мактаб	Маханбеталиева Сақыб
7	Турсынбоева Света	82	Хоразм	Урганч т.	30-мактаб	Ғунчанова Олтиной

ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ (МАХСУС МАКТАБ)

1	Турғунова Ферузахон	84	Андижон	Асака т.	16-махсус мактаб-интернат	Маҳкамова Одина
2	Барноев Санжар	94	Бухоро	Бухоро ш.	24-махсус мактаб-интер.	Ҳамдамов Шукрулло
3	Дадамирзаев Ойбек	82	Наманган	Косонсой т.	45-махсус мактаб-интер	Исмоилов Тешавой
4	Қиличев Неъматжон	94	Хоразм	Хива т.	121-махсус мактаб- интер.	Абдуллаев Матёқуб
5	Кенжаев Зармамат	88	Қашқадарё	Қарши ш.	ВилКОБ МИМ	Хуррамова Ойдин
6	Қобулова Феруза	89	Тошкент ш.	Ҳамза т.	Махсус мактаб- интернат	Зупарова Озода
7	Ҳасанов Анвар	88	Самарқанд	Самарқанд ш.	59-мах. мактаб-интернат	Облокулов Жўрақул

МАТЕМАТИКА (МАХСУС МАКТАБ)

1	Ҳасанова Шаҳноза	83	Андижон	Асака т.	16-мах мактаб-интер.	Маткулова Турсуной
2	Нуруллоев Қобилжон	80	Бухоро	Бухоро ш.	24-мах. мактаб-интер	Шарипова Лола
3	Макамов Иноножон	81	Наманган	Косонсой т.	45-мах. мактаб-интер	Турсунов Камолиддин
4	Раззоқов Расулбек	84	Хоразм	Хива т.	121-мактаб-интернат	Умаров Ўсарбой
5	Севунов Турғунбек	94	Қашқадарё	Қарши ш.	Вил КОБ МИМ	Мажидов Қодир
6	Ким Александр	88	Тошкент ш.	Ҳамза т.	Махсус мактаб-интернат	Джураева Ирина
7	Мукумов Джамшид	81	Самарқанд	Самарқанд ш.	59-мах мактаб-интер.	Иргашев Азиз

Ольга Миронованинг "Турар-жой бинолари иситиш тизимини такомиллаштириш" мавзусидаги илмий тадқиқотни пойтахтимизнинг Қўйлиқ мавзесида қурилган беш қаватли уй мисолида тажриба қилиб кўрилди. У Қуёш энергиясидан фойдаланишни, назарга тутганлиги билан аҳамиятга моликдир.

Узлуксиз таълим. У доимий ҳаракатдаги жараён. Ҳадису шарифларда ҳам биз шу фикрга дуч келганмиз: "Бешикдан то қабргача илм ўрган". Бугунги кунда илму урфон ривожи учун каттакатта имкониятлар мавжуд: ёш авлодга боғчадан тортиб институтгача билим ва одоб берилади. Жумладан, Тошкент архитектура-қурилиш институтида ҳам бўлғуси меъморлар илм-маърифат эгаллашаяпти. Ўз даврида буюк соҳибқирон Амир Темур: "Бизнинг куч-қудратимизга шак-шубҳа қилсангиз, биз қурган бинолларга боқинг" деган эди.

Кўзни қувнатувчи, дилни яйратувчи чиройли ва муҳташам бинолар меъмор ақлу заковатининг мевасидир. Шунга ишониш керакки, бугунги талабалар келгусида шаҳар ва қишлоқларда қад ростлайдиган кўркам иншоотларнинг лойиҳачилари бўлишади.

Саҳифамизда Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳаётининг айрим йўналишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

МАГИСТРАТУРАДА ҲАЁТИЙ МУАММОЛАР ЕЧИМИ

Milliy dastur — amalda

Ўқув жараёнини самарали ташкил этиш, меъёрий ҳужжатлар, ўқув-услубий адабиётлар билан таъминлаш ва назорат тизимини яратиш мақсадида ҳамда иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва уларни бакалаврлик босқичиданоқ магистратурага мақсадли тайёрлаш зарурлиги эътиборга олиниб, институтимизда "Магистратура ва иқтидорли талабалар билан ишлаш" бўлими ташкил этилди.

Ҳозирги кунда қабул режасига асосан, магистратурада 15 та мутахассислик бўйича 196 нафар магистрант таълим олаётир. Уларда тармоқлар иқтисодиёти, реклама ва амалий графика, гидротехник иншоотлар, менежмент (қурилиш), амалий геодезия, бино ва иншоотлар архитектураси, архитектура тарихи ва назарияси, меъморий ёдгорликларни тиклаш, шаҳарсозлик, иссиқлик ва газ таъминоти, шамоллатиш, ҳаво ҳавзаси ва шу каби йўналишлар қамраб олинган.

Ўтган 2000-2001 ўқув йилидаги битирувчилардан икки нафари кафедрада ассистентлик лавозимига ишга қабул қилинди. Ўн уч нафари эса аспирантурада ва иккитаси тадқиқотчи изланувчи сифатида ўз иш фаолиятларини бошлашди. Қолган битирувчилар эса республикамиздаги турли ташкилот ва тармоқ илмий-тадқиқот муассасаларида ишлаш учун йўлланма олишди.

Магистрлик диссертациясининг сифатли тайёрланиши учун асосий эътибор мавзуларни буюртмачилар талабидан келиб чиққан ҳолда тақдим этиш, тасдиқлаш, компьютер технологияси, хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларни ўз илмий фаолиятларида кенг қўллашга қаратилмоқда. Уларнинг барчасида ҳам ҳаётий муаммоларга ечим изланяпти. Хусусан, Ольга Миронованинг "Турар-жой бинолари иситиш тизимини такомиллаштириш" мавзусидаги илмий тадқиқотни пойтахтимизнинг Қўйлиқ мавзесида қурилган беш қаватли уй мисолида тажриба қилиб кўрилди. У Қуёш энергиясидан фойдаланишни, назарга тутганлиги билан аҳамиятга моликдир. Бундай тажриба биринчи татбиқ этилди. Томга ўрнатилган қурилма қуёш энергиясини уйга киритиб туради. Ольганинг илмий иши яна бир нечта турар жойларда синаб кўрилади. Ва шундан сўнг "Тошисссиқлиққувват" акционерлик жамияти билан ҳамкорликда лойиҳалар тайёрланади.

Таълим жараёнидаги амалиёт ва тажриба машғулотларининг аксарият қисми ҳамкорлик қилувчи тармоқ институтлари, жумладан, ЎзРФАга қарашли "Физика-техника", "Химия Кибернетика", "Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги" институтларида, ЎзЛИТТИ, "Ўзшаҳарсозлик" ЛИТТИ "Гидро лойиҳа", "Ўзйўллойиҳа", "Ўзгеодезкадастр" бошқармаси лабораторияларда олиб бориляпти. Бу эса магистрларга назарий билимларни амалда қўллаш имкониятини беряпти.

Бу йил ўз диплом ҳимояларини 12 мутахассислик бўйича тайёрлаётган 92 нафар магистрант ўйлайманки, келгусида турмушимизда учраётган муаммолар ечимининг муаллифлари бўлишади.

Шуҳрат АВЧИЕВ,
институт магистратура бўлими бошлиғи, техника фанлари номзоди, доцент

Kollej+institut

ТУРЛАРАРО ҲАМКОРЛИК

Турдош касб-ҳунар коллежларида институтимиз кафедраларининг филиалларини ташкил қилиш "Таълим тўғрисида"ги қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", Вазирлар Маҳкамасининг "Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида"ги, "Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантириш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари, ОЎМТВ ва ректоратнинг тегишли қатор буйруқларига асосланади.

Ҳозирги кунда Акмал Икромов туманидаги Коммунал-қурилиш коллежида "Шаҳар қурилиши ва хўжалиги", "Инженерлик коммуникацияларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш", "Қурилиш технологияси ва уни ташкил этиш", Ҳамза туманидаги Ҳамза қурилиш коллежида "Инженерлик коммуникацияларни лойиҳалаш, қуришда фойдаланиш", "Қурилиш технологияси ва уни ташкил этиш", Тошкент молия-иқтисодиёт коллежида "Иқтисодиёт ва менежмент" кафедраларининг филиаллари ташкил этилган бўлиб, мақсад архитектура, қурилиш ва иқтисодиёт йўналишлари бўйича малакали кадрларга бўлган талабни аниқлаш ва уни қондириш, ўрта махсус ва касбий таълим сифати ҳамда таркибига илмий асосланган талабларни ишлаб чиқиш, коллежлар учун ўқув адабиётлари яратишга қаратилган.

Шунингдек, магистратура ва аспирантурада ўқиётган талабаларнинг педагогик амалиётларини коллежларда ўтказиш ҳам уларга бир қадар имкониятлар яратади. Институтимизнинг етакчи, профессор-ўқитувчилари коллежлардаги ҳамкасблари билан биргаликда турли фанлардан ўқув қўлланмалари яратишмоқда ва 2002-2003 йилларда коллежлар ўқув режаларига кирган 23 та фандан дарсликлар яратишга ЎМКҲТ маркази билан шартномалар тузилган.

Бу соҳада айниқса, "Инженерлик коммуникацияларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш" кафедраси ўқитувчилари катта мажбуриятлар олишган. Улар 15 та фандан дарсликлар яратиб беришлари керак. "Қурилиш технологияси ва уни ташкил этиш" кафедрасида ҳам 2 та фаннинг дарслиги тайёрланмоқда. 1 та ўқув қўлланмаси эса босмадан чиқарилди. Доцент Н.Бозорбоев раҳбарлик қилаётган "Қурилиш технологияси ва ташкилиёти" кафедраси Ҳамза туманидаги Ҳамза қурилиш коллежи ва Акмал Икромов туманидаги коммунал қурилиш коллежлари ўқитувчилари билан биргаликда ўқув қўлланмани босмадан чиқаришди. Кафедра ўқитувчилари коллеж талабаларига очиқ дарслар ўтказишмоқда.

Булардан ташқари Қорақалпоғистон Республикаси Нукус қурилиш-касб-ҳунар коллежи, Қашқадарё вилояти, Яккабоғ туманидаги қурилиш саноати, Тошкент вилоятидаги Бекобод қурилиш, Урганч шаҳридаги қурилиш, Собир Раҳимов туманидаги қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежлари билан ҳам ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилган. Бунга асосан институтимиз малака ошириш факультети мазкур коллеж ўқитувчилари малакасини оширишни ўша жойнинг ўзида ташкиллаштирадилар. Республикамиздаги барча вилоят ҳокимиятлари маҳкамасидаги ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаларига бу ҳудудлардаги касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳақидаги таклифлар юборилди ва ижобий жавоб олинди.

Шу билан бирга кафедралар филиаллари низомларида коллежларда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш, ўқув жараёнида Интернет ва замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш ўқувчиларнинг бакалаврларга тақдим этилган малакавий-битирув ишлари мавзуларини танлаш имкониятлари ҳам белгиланган. Лекин уларни тўлақонли низом талаблари асосида амалга ошира олмаяпмиз.

Абдулҳамид СИДДИҚОВ,
академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва маркетинг хизмати бўйича ректор муовини, техника фанлари доктори, профессор

ҚАМРОВ

Fan va hayot

Илмий-педагогик ходимларни тайёрлаш ва маълум йўналишдаги фан муаммоларини ўрганиш ҳар бир олий ўқув юртининг илмий бўлими томонидан олиб борилади. Жумладан, бизда ҳам илмий бўлим тадқиқотларнинг олиб борилишини, ахборот ва патент хизматини, илмий-педагогик ходимлар тайёрлашни назорат қилади. Ташкилий ишларнинг катта талабчанлик асосида бажарилгани, мунтазам равишда назоратнинг йўлга қўйилиши илмий мавзулар устида иш олиб бораётган тадқиқотчиларга тегишли ёрдамларнинг ўз вақтида ва тезкорлик билан берилгани туфайли бу соҳада ўтган йилгига қараганда иш ҳажми деярли 1,6 марта ошди.

Давлат бюджети асосидаги илмий тадқиқот ишлари айниқса, муҳим аҳамиятга эгадир ва диққат марказимизда турган биринчи масала ҳам шу.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2000 йил 6 мартдаги 68-сонли қарори билан институтимизга 11 та мавзу тақдим этилган эди. Уларни маълум давр ичида амалга ошириш лозим, яъни 2000 йилда ўрганилиши бошланган тадқиқотларни 2003 йилда тугатиш режалаштирилган. Ҳозирда уларнинг иккинчи босқичи охирига етказилди. Ўтган йили 6088,7 минг сўмлик иш ҳажми бажарилган бўлса, бу йилги рақам яна ҳам салмоқлироқ бўлиши кутилаяпти.

Инновация мавзулари бўйича тузилган контрактларда 8230,4 минг сўмлик иш ҳажмини бажариш белгиланган бўлиб, мавзулар замонавий ва долзарб характерга эгадир. "Янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни қарор топтириш шароитида Ўзбекистонда шаҳарсозлик концепциясини ривожлантириш" мавзуси бўйича илмий ишлар ниҳоясига етказилди. Ўзбекистон Республикасида шаҳарсозлик фаолиятини жаҳон талаблари даражасига чиқариш ва мамлакатимиз ҳудудини замонавий шаҳарсозлик нуқтаи назаридан ривожлантиришни ҳамда аҳоли пунктларини лойиҳалаштириш ва қуриш бўйича асосий қоидаларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш бу мавзунинг негизини ташкил қилади. Концепцияда шаҳарсозлик фаолиятига оид асосий тушунчалар ва талаблар аҳоли сонига мос равишда шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг турлари келтирилган. Бундан ташқари, шаҳарсозлик тизимини лойиҳавий жиҳатдан ташкил этишни янада такомиллаштиришнинг услубий тамойиллари ҳам кўрсатилган.

Шунингдек, бошқа инновация мавзулари ҳам атрофлича ўрганилмоқда. Таъкидлаш керакки, мавзулар бирбиридан муҳим ва чуқур ўрганишни талаб қилади. 2001 йилдаги архив материаллари ўрганилганда, Шаҳрисабздаги 10 га яқин тарихий ёдгорликларнинг техник, инжинерлик, конструктив, физик-механик, геологик, геофизик ҳолатлари, чўкиши ва оғишлари маълум бўлди. Демак, олимларимиз олдида янги муаммолар пайдо бўлди.

Ушбу инновация мавзуси Маданият ишлари вазирлиги қошидаги Архитектура обидаларини таъмирлаш бош бошқармасига топширилди. Бу мавзунинг бажарилишини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қўллаб-қувватлаб, унинг молиявий таъминотига 5 миллион сўм ажратди. Демак, тадқиқотни кенг кўламда ва чуқур ўрганишнинг молиявий жиҳатларида муаммога дуч келинмайди.

Хўжалик шартномалари асосида бажариладиган илмий тадқиқотларда бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини баҳолашга, ноёб иншоотларнинг деформацияларини аниқлашга, бинокорлик материалларининг янги турларини топишга, борларини эса сифат жиҳатдан такомиллаштиришга, қурилиш конструкциялари пойдеворларини мустаҳкамлаш, кўчмас мулк кадастрини тузиш, бино ва иншоотларни баҳолаш муҳим мезон ҳисобланади.

Кафедраларимизда 25 та хўжалик шартномалари асосидаги илмий тадқиқот ишлари олиб бориляпти.

Институт архитектура ва қурилиш йўналиши бўйича базавий етакчи олий ўқув юрти ҳисобланади. Шу боис бу ерда нафақат олий маълумотли мутахассислар, шу билан бирга юқори малакали илмий педагогик ходимлар ҳам тайёрланаяпти.

Ҳозирда бизга 8 та мутахассислик бўйича аспирантура ва 2 та мутахассислик бўйича докторантура орқали илмий ходимлар тайёрлаш ҳуқуқи берилган. Ҳозирги кунда докторант ва аспирантлардан бир нечтаси кундузги бўлимда таҳсил олишяпти. Бундан ташқари ихтиёрий ва мустақил изланувчилар ҳам бор.

Ҳар бир давр тарих бўлиб қолади. Бугунги кунда инсоният эришган ва унинг ҳаётида кўзга ташланаётган тараққиёт фанга эътибор бериш орқалидир. Демак, фан инсоният учун абадий хизмат қилади. Институтимиз олимлари ҳам ана шу савоб ишда ўз ўринларига эгалигини эътироф этамиз.

С.САИДИЙ,
институт илмий ишлар бўлими бошлиғи

АЗ-ЗАМАХШАРИЙ — БУЮК ЛУҒАТШУНОС АЛЛОМА

Луғатшунослик илмий жамиятда мавжуд барча илмларнинг дебочаси, айни пайтда энг мураккаби ҳамдир. Шу боис ҳам тарихда энг салоҳиятли, иқтидорли алломалар луғатшуносликка қўл урганлар. Бу машаққатли ва хайрли иш натижаси билим олувчилар оммаси учун маёқ вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистонда луғатшунослик, соҳалар бўйича энциклопедиялар яратиш давлат аҳамиятидаги масала сифатида эътироф этилмоқда. Зеро, у жамиятни маърифатли қилишда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон тарихида ҳам турли даврларда аждодларимиз томонидан бу борада бир талай ишлар қилинганлиги маълум.

Аз-Замахшарийнинг "Асос-ул-балоға", яъни "Балоғат асослари" номли луғати бугунги кунга қадар араб луғатнавислиги соҳасида яратилган асарлар ичида энг мукаммали ҳисобланади. Чунки араб луғатнавислиги тарихида бундай тўлиқ ва етук луғат Аз-Замахшарийгача ва ундан кейин ҳам яратилмаган. Тўғри, хоразмлик алломанинг қаламига мансуб луғатгача араб луғатнавислигида турли хил катта изоҳли китоблар бўлган, лекин уларнинг тузилиш усуллари, қолаверса, сўзларни изоҳлаш йўллари ўқувчиларда мавжуд талабни тўла қондира олмаган. Аз-Замахшарий эса изоҳланадиган сўзни ибора ёки жумлалардан ажратиб бериш каби анъанавий усулдан воз кечиб, бутунлай янги усулни танлайди, яъни, буюк олим сўзни ўша даврда истеъмолда бўлган, жонли тилда ишлатиладиган ибора ва жумлалар таркибида берган ҳолда сўз маъноларини турли усуллар билан изоҳлайди.

Асарга юксак баҳо берган арабларнинг машҳур адиби Жўржи Зайдон юқоридаги усул тарафдори сифатида шундай дейди: "Асос-ул-балоға" араб тили бўйича тузилган луғатлардан бўлиб, бошқалари ичида тенги йўқдир, чунки уни тузишда бошқача йўл тутилган: хусусан, ундаги сўзлар жумла ва иборалар таркибида келтирилиб, маънолари очиб берилган. Шу сабабдан асар ғоятда фойдалидир".

"Асос-ул-балоға" устида илмий иш олиб борган шарқшунос олим Ўткир Қориев асарда фойдаланилган фразеологизмларни қуйидаги тартибда ажратади:

1) қофияли антонимлари бор фразеологизмлар;

2) "бана:тун" (бирликда "бинтун") — "қизлар" сўзи иштирок этган фразеологизмлар;

3) "алла:ҳ" сўзи қатнашган фразеологизмлар.

Араб луғатшунослиги соҳасида илмий изланишлар олиб борган олим В.М.Белкиннинг фикрича, "Асос-ул-балоға"ни фразеологизмлар луғати деб ҳам аташ мумкин. Айнан шу хусусият луғатнинг бошқа луғатлардан кескин фарқланишиға олиб келган.

"Асос-ул-балоға"га оид яна бир нозик хусусият шундан иборатки, мазкур луғатда ўзак тизими жуда яхши йўлга қўйилган. Аз-Замахшарий "Ал-Фоиқ фи ғариб-ил-ҳадис" луғатида бошлаган услубини "Асос-ул-балоға"да янада такомиллаштирди. Аллома "Ал-Фоиқ" луғатида сўзларнинг ўзагидаги биринчи ва иккинчи ҳарфларини алифбо тартибида берган бўлса, "Асос-ул-балоға"да бу усулни янада ривожлантирган ҳолда сўз ўзагидаги биринчи, иккинчи ва учинчи ҳарфлар (ундошлар)ни ҳам алифбо тартибида жойлаштиради.

"Кашфу-з-зунун" асарининг муаллифи Ҳожи Халифанинг фикрича, "Асос-ул-балоға" катта ҳажм, чуқур мазмунга эга, адаб фанининг мустаҳкам асоси бўлиб, унда луғавий мажозлар, ўзига хос адабий хусусиятлар ва фасоҳатли иборалар моддаларига қараб тартиб билан берилган асардир".

Муаллиф ушбу луғатнинг ўша давр учун қанчалик муҳим эканлигини сезган бўлса, уни яратиш шунчалик қийин, машаққатли, шу билан бирга масъулиятлилигини ҳам ҳис қилган.

Шунга қарамай, у бу ишга жонжаҳди билан киришади.

Аллома дастлаб ишни араб луғатнавислиги соҳасидаги етук олимларнинг асарларини ўрганишдан бошлайди, VI-XI асрлар давомида яшаб, ижод этган 460 га яқин Жоҳилия ва Ислом даври шоиру ёзувчиларининг адабий меросларидан мисоллар тўплайди. Аз-Замахшарий араб тилини икир-чикирларигача ўрганиш мақсадида бозорларда бўлади, жомеъ-масжидларида сўзга чечан имомлар, хатибларнинг маърузаларини тинглайди. Шу билан бир қаторда мазкур луғатни яратишда қуйидаги манбалардан кенг фойдаланади:

1. Қуръони Карим.

2. Пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ) ҳадислари.

3. Халифалар, саҳобалар ва бошқа фасоҳатли нотиқларнинг сўзлари.

4. Масаллар, мақоллар, фразеологик бирикмалар, идиоматик иборалар.

5. Арабларнинг насрий асарларида қўлланилган иборалар.

Ва ниҳоят муаллиф юқоридаги маълумотларга таянган ҳолда "Асос-ул-балоға" луғатини ёзишга киришади. Ушбу луғатни яратишда Аз-Замахшарийга ўзининг тилшунослик ва адабиётшунослик соҳасида орттирган билим ва тажрибалари ҳам яқиндан ёрдам беради.

Профессор В.М.Белкиннинг фикрларига кўра, одатда ўз луғатларида араб тили лексикасининг софлигини қайд этган ва уни кафолатлаган луғатшунослар грамматика масалалари билан шуғулланмаганлар. Фақатгина Аз-Замахшарий ҳам грамматика, ҳам луғатшуносликда оригинал асарлар ярата олган.

Асарнинг муқаддимаси ҳақида сўз юритадиган бўлсак, уни аллома анъанавий услубдан фойдаланган ҳолда фасоҳатли тил билан Оллоҳга ҳамд ва расулуллоҳ Муҳаммад (САВ)га наът ёзишдан бошлайди. Жоҳилия ва Ислом даврида яшаб ўтган шоиру ёзувчиларнинг асарлари ҳақида фикр юритади. Қолаверса, муаллиф луғат муқаддимасида ўзининг фалсафий қарашларини ҳам баён этади. Шунингдек, мутафаккир мазкур луғатини нотиқлар, ваъз айтувчилар, шоиру адиблар учун яхши қофиялар, сўзларнинг нозик хусусиятлари, маъноларидан истиъфода қилишлари ва сўз санъатидан тўлиқ фойдаланишлари мақсадида тузганлигини таъкидлаб ўтади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Аз-Замахшарий "Асос-ул-балоға"да сўзларни изоҳлаш борасида катта ютуққа эришган. У сўзларнинг асл маъносини баён этиш билан чекланмай, кўчма маъноларини ҳам бериб, уларни тасдиқловчи мисоллар келтирган ҳамда сўзларда кўчма маънолар пайдо бўлишининг сабабларини ҳам кўрсатган. Умуман олганда, Аз-Замахшарий сўз маъноларини изоҳлашда икки услубни қўллаган:

1) сўз маъносини тавсифлаш;

2) синоним сўзларни топиш ва улардан фойдаланиш орқали сўз маъносини очиб бериш.

Айрим сўзларнинг изоҳи жуда тўлиқ берилиб, ҳаттоки бир бетгача шарҳланган бўлса, уларнинг баъзилари эса бир неча сўз билангина изоҳланган. Сўзларнинг маъносини аниқлашда муаллиф синонимлардан кенг фойдаланган. Умуман олганда, луғат мақолаларининг тузилиши қуйидагича бўлиб, икки қисмдан иборат:

Биринчи қисм:

а) бош сўз, асл ундошлари, биринчи, иккинчи ва учинчи ундошларнинг айрим берилиши;

б) феъл ёки феълдан ясалган шакллар;

в) феълнинг тусланган шакллари (агар луғат-мақола феълдан бошланган бўлса) ёки аксарият исмнинг ҳамма шакллари: бирлик, иккилик, кўплик, музаккар, муаннас жинс, масдарлар ва ҳоказо;

г) сўзнинг асосий мазмуни (маъноси), сўзнинг маъносини тасдиқловчи иқтибослар, сўзнинг бошқа иборалар билан ишлатилиши, мақолалар, масаллар;

д) битталикни билдириш, кичрайтириш, кучайтириш шакллари ва шунингдек, қолипларнинг (сўз ясаш ва сўз шаклларини ясаш) бир-бирига ўхшашлик шакллари;

е) баъзи маъноси аниқланаётган сўзнинг синонимлари ва антонимлари.

Иккинчи қисм:

а) маъноси аниқланаётган сўзнинг кўчма маънода ишлатилиши;

б) фразеологик ибора, унинг кўчма маънода ишлатилишини тасдиқловчи иқтибос;

в) кўчма маъноси аниқланаётган сўзнинг синонимлари, антонимлари.

Араб тадқиқотчиларидан Фозил Солиҳ ас-Сомарий, Ҳусайн Нассор каби олимлар "Асос-ул-балоға"ни илмий тадқиқот объектига айлантиришга ҳаракат қилганлар. Хусусан, Ҳ.Нассор ушбу луғатнинг бошқа араб луғатлари орасида тутган ўрнини ўрганган. Натижада, бу изланишлар Ҳ.Нассорнинг 1956 йили Қоҳирада чоп этилган "Араб луғати, унинг вужудга келиши ва ривожланиши" номли икки жилдли асарида ўз аксини топди. Ушбу асарда энг кичик мавзудан тортиб, то катта изоҳли луғатлар ҳақида сўз юритилганлиги боис, муаллиф "Асос-ул-балоға" луғатига кам тўхталган.

Асарнинг дунё бўйлаб тарқалиши хусусида сўз юритадиган бўлсак, қуйидаги манбага мурожаат этиш мумкин. 1998 йили Байрутнинг "Дар-ул-кутуб-ил-илмийа" нашриётида босмадан чиққан "Асос-ул-балоға" асарининг муқаддимасида келтирилган маълумотларга кўра, бугунги кунда Аз-Замахшарийнинг мазкур асарининг қуйидаги нашрлари мавжуд:

- *1299/1881 й.й. — Қоҳира*
- *1311/1893 й.й. — Лакхнау*
- *1324/1905 й.й. — Ҳайдаробод*
- *1327/1908 й.й. — Қоҳира*
- *1341/1922 й.й. — Қоҳира*
- *1385/1965 й.й. — Байрут*
- *1393/1972 й.й. — Қоҳира*

Шунингдек, асар Париж, Рим, Истамбул, Работ каби йирик шаҳарларда ҳам бир неча бор босмадан чиққан.

Машҳур немис шарқшуноси Карл Броккельманнинг таъкидлашича, Аз-Замахшарий қаламига мансуб "Асос-ул-балоға" асарининг 13 та қўлёзма нусхаси мавжуд. Мазкур қўлёзма нусхалардан тўрттаси бугунги кунда Дамашқдаги "Ал-Асад" кутубхонасида қуйидаги рақамлар остида сақланади:

- *инв.№46— 426 саҳифа*
- *инв.№14150 — 393 саҳифа*
- *инв.№15496 — 295 саҳифа*
- *инв.№17455 — 168 саҳифа*

"Асос-ул-балоға"нинг бир нодир қўлёзма нусхаси ҳозирда Тошкентда, ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида ҳам (инв.№5234 остида) сақланмоқда.

Асарнинг машҳурлигини таъкидлайдиган яна бир белги, бу унга ёзилган кўплаб шарҳ ва ҳошиялардир. Чунки мазкур луғат ўзининг ноёблиги ва мукаммаллилиги билан кўплаб олимларда катта қизиқиш уйғотган, уйғотмоқда ва албатта уйғотажак.

Нигора СУЛАЙМОНОВА,
Тошкент Давлат Шарқшунослик институти 1-курс магистранти

ИЛМ-МАЪРИФАТГА БАХШИДА УМР

Заҳматкаш олим, фидоий педагог, тарих фанлари доктори, профессор Сейдуали оға Тилеукуловнинг ҳаёт фаолияти, мана қарийб ярим аср мобайнида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети билан чамбарчас боғланган.

Агар биз устознинг ёшлик, ўспиринлик даврларидаги ҳаёт йўлига назар ташласак, домла 1932 йил Жанубий Қозоғистоннинг Қозиғурт туманидаги Шарапхона қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган. 1939-1945 йилларда етти йиллик таълимни олгач, таълим тизимида тарбиячи бўлиб ишлаш билан биргаликда 1945-1947 йилларда 10-синфни ҳам муваффақиятли тугатади.

Илмга бўлган иштиёқ, тарих фанига бўлган чексиз қизиқиш Сейдуали оғани Тошкентга чорлади.

1951-1956 йилларда Ўрта Осиё давлат университетининг тарих факультетида қунт ва иштиёқ билан ўқиди, талабаларнинг илмий тўгаракларида, жамоат ишларида фаол иштирок этди ва тез орада атоқли олимларнинг назарига тушди. 1956 йили диплом ишини "аъло" баҳога ҳимоя қилиб, имтиёзли диплом билан мазкур ўқув юртини тугатди. Ёш мутахассис сифатида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти тарих факультетига йўлланма билан ишга келди.

Сейдуали оға ёшларга таълим-тарбия бериши билан биргаликда илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланади. 1963 йил "1918-1920 йилларда Туркистондаги иқтисодий ислоҳотлар тарихи" мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, доцент илмий унвонини олади.

1970-1972 йилларда тарих факультети декани муовини, 1972-1978 йилларда факультет декани бўлиб фаолият кўрсатади. Бу даврда талабаларга чуқур билим беришни ташкил этиш билан биргаликда факультетнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълимдаги илғор усулларни амалиётга татбиқ этиш ишларига катта эътибор беради.

1978 йилдан буён С.Тилеукулов факультет тасарруфидаги хорижий мамлакатлар тарихи кафедраси мудири сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Талаба-ёшларга тарих фанидан сабоқ бериши, мутахассисларни шакллантириш билан биргаликда ўз илмий салоҳиятини кучайтириш устида қунт билан ишлайди.

Кўп йиллик тадқиқот ишининг натижаси сифатида 1983 йил "Ўзбекистондаги суғориш ишлари тарихидан (1918-1983)" мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, профессорлик илмий унвонига сазовор бўлди.

Устоз бугунга қадар 100 дан ортиқ номдаги 150 босма табоқ илмий иш натижаларини нашр эттирган. Уларнинг 5 таси монография, 4 таси дарслик, 13 таси методик қўлланма, қолганлари эса тарих фанининг долзарб масалаларига бағишланган илмий мақолалардан иборат. Домланинг бевосита раҳбарлигида 10 дан ортиқ фан номзодлари, 2 та фан докторлари етишиб чиқди.

Мустақиллик йилларида С.Тилеукулов тарихимизни ўрганиш ва ўқитишнинг фаол тарғиботчилардан бири сифатида элга танилди. Мустақиллигимиз учун кураш мавзусида бир неча рисолаларни, илмий мақолаларини нашр эттирди.

Олий ўқув юртларида тарих ихтисослиги бўйича бакалавр ва магистратура босқичидаги таълим стандартларини яратишда, талабаларга ўқув қўлланмалари, маъруза матнларини тайёрлашда фаол қатнашмоқда.

Сейдуали ака сермаҳсул олим, фидоий педагог бўлиши билан биргаликда, ҳамма ҳавас қилса арзийдиган оиланинг отаси ҳамдир. Оилада тарбия кўрган барча фарзандлари педагоглар, фан номзодлари бўлиб фанимиз, таълимимиз равнақига сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда.

С.ТЎРАЕВ,
Низомий номидаги ТДПУ тарих факультети декани

Fanimiz fidoyilari

ЎҚИТУВЧИ – МАШЪАЛА

Xotira

Ўқитувчи мисоли машъала. У ўз умрини ўзгалар йўлини ойдин қилишга бағишлаган инсон. Шу боис ҳам, азал-азалдан ўқитувчи-устозга халқимизда ўзгача ҳурмат кўрсатилади, номи улуғланади. Дарвоқе, устоз буюкдир. Унинг заҳматли меҳнати замирида келажак камол топади. Айни шу сабаб ҳам ҳар ким бундай масъулиятли вазифани ўз гарданига ололмаса керак. Бироқ, таъкидлаш лозимки, юртимизда кўплаб фидоий инсонлар топиладики, оғир бўлса-да, шу касбга меҳр қўяди, ундан бахт иқбол топади.

Жиззах вилоятининг Жиззах туманида камол топган Турсунбой Холматов ҳам худди ана шундай ўз саодатини мактаби, ўқувчилари эгаллаган ютуқларда деб билар эди. У киши 1947 йилда ўрта мактабни тамомлагач, ёшлигидан меҳр қўйган ўқитувчилик касбини танлади. Ва шу йили орзулари ушалиб, ўша вақтдаги Самарқанд шаҳрида икки йиллик ўқитувчилар тайёрлаш институти талабаси бўлиш бахтига мушарраф бўлди. Институтни муваффақиятли тугатгач, ўзининг илк иш фаолиятини Ғаллаорол туманида бошлади. Сўнгра 1952 йилдан Жиззах туманидаги ўзи таҳсил олган Наримонов номидаги ўрта мактабда ўқувчиларга она тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериши билан бирга илмий бўлим мудири вазифасини ҳам шараф билан уддалаб келди. Билим олишга бўлган иштиёқ устозни мактабда ўқитувчилик қилаётган вақтларда ҳам бир дам бўлсада тинч қўймади. Бу



истак эса Т.Холматовни 1963 йилда Тошкент давлат педагогика институтига бошлади.

Ўқитувчининг изланувчанлиги ва ўқувчиларга сабоқ беришда доимо янгиликка интилишини илғаган туман халқ таълими бўлими у кишини 1971 йилда Жиззах шаҳридаги 16-мактабга директор этиб тайинлашди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, устоз қаерда ва қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, ўқувчи ёшларнинг таълим-тарбиясига асосий эътиборини қаратди. Уларга бу йўлда имкон қадар шарт-шароит яратишга интилди.

Албатта ўқитувчининг бу саъй-ҳаракатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланиб келинди. Устоз 1967 йилда "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси", 1978 йилда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи" унвонларига, 1994 йили эса Республикамиз Президенти фармонига биноан "Шуҳрат" медали билан тақдирландилар... Бугунги кунда Турсунбой ака орамизда бўлмасада, у кишининг қилган эзгу ишлари, ёрқин хотираси эли, юртида гўёки унга тикланган ҳайкал монанд ҳамманинг кўз ўнгида намоён.

Б.ЖОВЛИЕВ

УСТОЗ КЕЛАЖАГИНИ ШОГИРДЛАРИДА КЎРАДИ

Ҳаётда шундай инсонлар учрайдики, улар дунё юкини ўз гарданларига ортқилайди. Умри давомида барчага бирдек эзгулик соғинади, имкон қадар кўмак беришга интилиб яшайди. Шу боис бўлса керак, ҳамма ана шундай кўнгли очиқ, софдил кишиларга ҳавас қилади, ўзгача ҳурмат-эътибор кўрсатади. Нуробод туманидаги 56-умумий ўрта таълим мактаби биология фани ўқитувчиси Равшан Ҳасанов ҳам худди ана шундай, таъбир жоиз бўлса, ўз меҳнати орқали эли, айниқса, келажак ворисларимиз бўлмиш фарзандларимиз таълим-тарбияси йўлида амалга оширилаётган ибратли ишлари билан халқимиз эъзозига сазовор бўлаётган мўътабар инсон. У кишининг асл касби ўқитувчи бўлиб, мана ўттиз беш йилдирки ёшларнинг комил инсон бўлиб вояга етишлари йўлида тинимсиз изланишдалар.

— Ўқитувчи юрт келажагини, ҳаётининг давомини ўзи тарбиялаётган шогирдлари камолида кўради, — дейди устоз биз билан суҳбатда. — Шу сабаб ҳам, имкон қадар кўпроқ ўқиб-ўрганишга ва уни шогирдларига етказишга ҳаракат қилади. Зеро, маънавий жиҳатдан етук, билимдон ўқувчигина эртага устоз юзини ёруғ, юрт эртасини фаровон қилишга қодир.



Дарҳақиқат, ўқитувчилик — масъулиятли касб. Чунки, унинг меҳнати замирида Ватан тақдири, миллат келажаги ётади. Р.Ҳасанов ушбу масъулиятли, аммо шарафли касбга ёшлигиданоқ меҳр қўйди. Ҳали мактабда ўқувчилик давриданоқ бу касбнинг нозик жиҳатларини устозларидан ўрганишга интилди. Улардек янада кўпроқ билимга эга бўлишга ҳаракат қилди. Ёш ўспиринниг бу саъй-ҳаракатлари эса 1966 йилда ўрта мактабни тамомлагач, бир йилдан сўнг, яъни, 1967 йилда Бухоро Давлат педагогика университети талабаси бўлиши билан рўёбга чиқа бошлади. Шуни эътироф этмоқ лозимки, ёш ўқитувчи талабалик давриданоқ ўзининг педагогик фаолиятини бошлади.

Касбга меҳр, изланиш ва масъулиятни сезиб меҳнат қилиш, албатта, бесамар кетмайди. Айни шу сабаб ҳам йиллар оша ўғил-қизларга таълим-тарбия беришда бой тажриба ортирган Р.Ҳасанов 1987 йилда Нуробод туманидаги 56-мактабга директор этиб тайинланди. Мактабга директорлик қилаётган вақтида ҳам устоз имкон қадар ёшларнинг замон талаблари даражасида илму ҳунар ўрганишига асосий эътиборини қаратдилар. Илм масканида таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш баробарида, ўзи дарс бераётган биология фанидан ўқувчиларининг кенгроқ билимларга эга бўлишлари учун дарсларни ҳамиша амалиёт билан омухта қилиб ўтишга ҳаракат қилди. Бунинг учун эса директорнинг саъй-ҳаракати эвазига ташкил этилган бой лаборатория қўл келди. Равшан ака ҳали-ҳануз ушбу анъанани давом эттириб, фан кабинетини ҳамда унга тааллуқли ўқув анжомларини намунали ҳолда сақлаб келмоқда. Бунинг натижасида у кишининг кўплаб ўқувчилари туман, вилоят, ҳатто республика ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган умумтаълим фан олимпиадаларида бир неча бор совринли ўринларни қўлга киритдилар.

— Ўқувчи айни шу ёшида — дейди Р.Ҳасанов, — назарий билимдан кўра, амалий вазифалар орқали фанни ўрганса, ўқувчида фанга нисбатан қизиқиш эрта уйғонади.

Ҳа, тажрибали муаллим таъкидлаганидек, ҳар бир болада ёшлигиданоқ билим олишга, ҳунар ўрганишга иштиёқ бўлади. Ўқитувчи, устоз буни эрта англаб ўз шогирдига зарур йўналиш бера олса бас.

Роҳила МУҲАММАДИЕВА,
Самарқанд вилояти

ГЕНЕРАЛНИНГ ҚАРОРИ ҚАТЪИЙ

АҚШнинг Яқин Шарқ бўйича махсус вакили истеъфодаги генерал Энтони Зинни Қуддус шаҳрида Исроил бош вазири Ариэл Шарон билан учрашди. Генералнинг бу сафарги ташрифи тўқнашувларга умуман чек қўйишдан иборат эканлигини тушунган Шарон у билан илиқ музокаралар олиб борди. Гарчи 2 ҳафталик кучли тўқнашувлардан сўнг Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Рамаллоҳ шаҳридан Исроил қўшинлари олиб чиқилаётган бўлса-да, лекин вазият кескинлигича қолмоқда. Кечаги ракета ҳужуми туфайли Фаластин мухториятининг юқори мартабали вакили ҳалок бўлди. Фаластин томони эса ўз ҳудудларидан Исроилнинг энг охирги аскари чиқиб кетганидан сўнг музокараларга қайтишни билдирган.



ДУНЁ ДАРИЧАСИ

ЎҚИТУВЧИЛАР ИШ ТАШЛАШДИ

Лондонлик ўқитувчиларнинг ойлик маошларини ошириш учун ўтказган бир кунлик иш ташлашлари туфайли юз минглаб ўқувчилар шу куни дарсга бормади. Норозилик туфайли 2 мингдан ортиқроқ мактабларнинг ярмидан кўпроғи пайшанба куни ишламадилар. Бу ҳол сўнгги 30 йил ичида илк бора кузатилган бўлиб, мураббийлар ўзларининг иш ҳақларининг 30 фоиз оширилишини талаб этмоқдалар.

Буюк Британия халқ таълими вазири Эстелл Моррис Лондон ҳаёти билан боғлиқ муаммо борлигини айтиб, лекин иш ташлаш ўқитувчиларнинг жамият, хусусан, ўқувчилар ва ота-оналар нуқтаи назаридан қараганда мақсадга мувофиқ келмаслигини билдирди.

ДИК ЧЕЙНИГА ЖИДДИЙ ВАЗИФА ЮКЛАТИЛГАН

Яқин Шарқ давлатлари бўйлаб сафарини давом эттираётган АҚШ вице-президенти Дик Чейни Яман президенти Али Абдулло Солиҳ билан музокаралар ўтказди. Асосий эътибор терроризм масаласига қаратилган бўлиб, Абдулло Солиҳ бу борадаги ҳаракатлар давом этиши кераклигини билдирди. Шунингдек, Исроил томонидан фаластинликларга ўтказилаётган босимларга ҳам чек қўйиш лозимлигини айтди. Ундан аввалроқ Чейнининг Миср президенти билан учрашувида эса АҚШнинг Ироққа қарши бўлажак ҳарбий операцияси ҳақида тўхталиб, Ҳусни Муборак Саддам Ҳусайнни ўз мамлакатига БМТ инспекторларини киритиши учун розилик беришига уриниб кўришини маълум қилди. Эслатиб ўтамиз, Дик Чейнининг бош мақсади Яқин Шарқ давлатларининг Ироққа қарши АҚШ операцияси борасида розиликларини олишдир.

ЖАНГАРИЛАР ТУГАТИЛИШИ КЕРАК

Россияда ўтказилган сўровномага кўра, аҳолининг 40,4 фоизи Чеченистондаги жангариларни тагтомири билан йўқотиш тарафдори эканлигини айтганлар. 16,7 фоиз аҳолиси эса аскарларни олиб чиқиб, Чеченистонга мустақиллик бериш тарафдори эканликларини билдиришган. 15,5 фоиз киши бошқарувни маҳаллий ҳоки-миятга бериш тарафдорлигини айтган бўлса, 10,6 фоиз россияликлар вазиятни халқаро назорат остига ўтказишни маълум қилганлар, дея хабар беради "Новости" ахборот маҳкамаси.

ҲУКУМАТ ТАРКИБИДА ЎЗГАРИШ

Туркманистон президенти Сапармурот Ниёзов раҳбарият таркибида ўзгаришлар қилди. Ишдаги жиддий камчиликлар боис миллий хавфсизлик қўмитаси раиси генерал-лейтенант Муҳаммад Назаров ишдан олиниб, унинг ўрнига ҳозирга қадар ички ишлар вазири лавозимида фаолият кўрсатиб келган генерал-полковник Поран Бердиев тайинланди. Шунингдек, мудофаа вазирлигига ҳамда вазирлар маҳкамаси раиси ўринбосарлигига Ражаббой Аразов тайинланди. Аразов бугунга қадар мамлакат парламентини бошқарган бўлиб, унинг ўрнига Тагандурди Холлиев тайинланди.

НИЗОГА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

Ангола ҳукумати мамлакат қуролли кучларига УНИТА исёнчиларига қарши олиб борилаётган ҳаракатларни тўхтатишга буйруқ берди. Бунга 2 ҳафта илгари мазкур ҳаракатнинг раҳбари Жонаса Савимбининг ўлдирилиши сабаб бўлди. Эндиликда Ангола ҳукумати 1975 йилдан буён давом этаётган қонли тўқнашувларга чек қўйиб, исёнчилар билан музокарага киришмоқчи. Шунингдек, гражданлар уруши даврида йўл қўйилган ҳарбий жиноятлар борасида амнистия қўлланиши ҳам кутилмоқда.

Nobel mukofoti sohiblari

БЕДАВО КАСАЛНИНГ ТИЗГИНЛАНИШИ

Азиз ўқувчи, навбатдаги Нобел мукофоти соҳиби билан таништиришдан аввал янги бир хушхабар билан ўртоқлашмоқчимиз. «Маърифат» саҳифаларида эълон қилинган мақолалар асосида «Нобел мукофоти соҳиблари» деб номланган янги китобнинг яратилганлиги ва бу китоб тақдимоти бўлиб ўтганлигини айтиб ўтган эдик. Куни кеча Швециянинг Стокгольм шаҳрида жойлашган Нобел мукофоти жамғармасидан китоб муаллифлари номига совға келди. Ундаги алоҳида хатда Нобел мукофоти соҳиблари тўғрисидаги бундай китобларнинг яратилиши Ўзбекистон ёшларининг фанларга бўлган қизиқишлари йўлида ёруғ йўл кўрсатувчи янги бир омил бўлиб қолади, дейилган. Шунингдек, муаллифларга совға сифатида жўнатилган китобларда Нобел мукофоти соҳиблари, мукофотни тақдим этувчи ташкилотлар ва жамғарма фаолияти тўғрисида тўла ҳамда батафсил маълумотлар берилган бўлиб, бу маълумотлар билан биз сизларни кейинги мақолаларимизда таништириб борамиз.

Бугунги мақоламизда эса, биз сизларни яна бир таниқли тиббиётчи олим, ўз кашфиётлари ва ихтиролари билан инсоният саломатлиги йўлида ўчмас из қолдирган шифокор Йоханнес Фибигер ҳаёти ва илмий фаолияти билан таништирмоқчимиз.

Даниялик врач ва олим Йоханнес Андрес Гриб Фибигер 1867 йил 23 апрел куни Силкиборг шаҳрида врач С.А. Фибигер ва адиба Элфрид (Мюллер) Фибигер оиласида туғилди. 1890 йили Фибигер тиббиёт даражасини олди ва қисқа вақт ичида буюк олимлар Роберт Кох ва Эмил фон Беринглар раҳбарлигида бактериологияни ўрганди. У 1894 йилгача Копенгаген университетида ўз даврининг етакчи бактериологларидан бири Карл Ж. Саломенсен билан бирга фаолият кўрсатди, сўнг Копенгагендаги Блехэм шифохонасида армия захира врачи вазифасида ишлади.

У ўзининг дифтерия (бўғма) касаллиги бактериологик аспектларига бағишланган докторлик диссертациясини 1895 йили ниҳоясига етказди, 1900 йили эса Копенгаген университети паталогик анатомия профессори лавозимига эга бўлди. Дастлабки вақтларда Й.Фибигер ўз эътиборини аввалгидек дифтерияга — у Данияда ушбу касалликни даволаш учун Беринг зардобини қўллашга анча меҳнатини қўшди ва сил касаллигига, айниқса, сигирлар ўртасида сил кўпайиши билан одамлар орасида ушбу касалликни тарқалиши ўртасида ўзаро боғлиқликка қаратди.

XIX асрда янги фан ҳисобланган ҳужайралар биологияси пайдо бўлиши билан рак шишларининг биринчи илмий баёнлари пайдо бўлди. Гарчи худди шу даврда бактериология ҳам ривожланиб боргани ва касалликлар келиб чиқишининг назариялари юзага келгани билан, бу ютуқлар ракни ўрганишда қўлланилмаганди. Ракни ўрганиш йўлидаги тўсиқлардан бири ҳайвонларда бўладиган касаллик моделининг мавжуд эмаслигидан иборат эди. Канцерогенезнинг бир неча назарияси мавжуд эди. Бироқ, касалликни лаборатория шароитида юзага келтириб ва ўрганиб бўлмаслиги сабабли, бу назариялар тасдиққа ёки рад этишга муҳтож эди. Фибигер кейинчалик «Ракнинг келиб чиқиш муаммоси, касаллик бир қатор бошқа касалликларнинг паталогик анатомиясини ўрганишда муҳим натижаларни таъминлаб берган тажрибалар предметига айлангунга қадар ечилиши лозим эди», - деб ёзган эди.

Шу ерда рак касаллигининг нима эканлигига тўхталиб ўтсак. Рак (саратон) – ошқозон, ичак, нафас йўллари, шиллиқ пардаси, ҳар хил безлар ва бошқа ҳужайралардан ҳосил бўладиган хавфли ўсма. Морфологик хусусиятларига кўра рак турли формаларга ажратилади: ясси ҳужайрали рак (ясси эпителий билан қопланган тери ва шиллиқ пардаларда кўпроқ ривожланади), аденокарцинома, скирр ва бошқалар.

1907 йили сил билан оғриб, нобуд бўлган каламушларни тадқиқ этар экан, Й.Фибигер айрим ҳайвонларда ошқозон раки белгилари ва рак шишларида нематод (юмалоқ қурт)ларни кузатди. Табийки, бу «уни паразитларда неоплазма (опухол)ларнинг бўлиши мумкин бўлган сабабларини кўра билиш деган фикрга олиб келади». Олим ҳайвонлар лабораторияга қанд заводидан олиб келинганлигини аниқлади. Й. Фибигер заводга бориб, уни текширишдан ўтказгач, у ерда сувараклар кўпайиб кетганлигидан бошқа ғайри - оддий нарсани кўрмади. Ҳашаротлар касалликлар ва янги ўзгаришлар орасида боғлиқлик бўлиши мумкин, деб гумон қилган олим заводдаги сувараклардан олиб келиб, бошқа ерлардан келтирилган каламушларга едирди. Каламушлар ўлгач, Й. Фибигер уларни ёриб кўриш билан янги тажрибалар ўтказди: уларнинг кўпчилигида ошқозон раки белгилари топилди. У 1913 йилги паразит юмалоқ қурт личинкалари таъсирида кемирувчиларда юзага келадиган ракни дастлабки атрофлича ўрганиш натижаларини эълон қилди.

Биринчи жаҳон уруши вақтида икки япон олими қуёнларнинг қулоқларига тошкўмир смоласи суриб, улар терисида ракни ривожлантириш бўйича тажрибалар ўтказдилар. Й. Фибигер урушдан сўнг бу тажрибаларни такрорлаган биринчи европалик олим бўлди. У 20-йилларда тошкўмир смоласи келтириб чиқарган рак касалликларини ўрганиш бўйича қатор тадқиқотлар ўтказди. Шишларнинг бу турларини юмолоқ қурт натижасида юзага келадиган шишлар ва касалликнинг клиник турлари билан таққослаб, Й. Фибигер рак касаллиги наслий (генетик) мойилликнинг турли ташқи таъсир билан ўзаро ҳаракатидан келиб чиқади, деган хулосага келди. Бунда наслий мойиллик одатда, касалликка бўлган умумий мойиллик каби эмас, балки аниқ бир аъзонинг тегишли стимул мавжуд бўлганида шиш ривожига интилиш намоён бўлади.

«Юмалоқ қурт келтириб чиқарадиган карциномаларни кашф этгани учун» 1926 йили Йоханнес Фибигер физиология ва тиббиёт соҳасидаги Нобел мукофотига сазовор бўлди. Мукофот унга бир йилдан сўнг топширилди. «Соғлом сичқонларни юмалоқ қурт личинкасига эга сувараклар билан боқиб, Фибигер жониворлардан кўпчилигида ошқозон раки шишларининг ривожига имкон ярата олди», -деди мукофот топшириш чоғида Каролина институти вакили В. Верншгедт. «Илк бор соғлом ҳужайраларни рак шишларининг ёмон сифатли (злокачественные) ҳужайраларига тажрибада айлантириш мумкин бўлди. Бу билан рак доимо қуртлар томонидан келтириб чиқарилиши эмас, -давом этди Верншгадт, -ташқи таъсир ракка сабаб бўлиши асослаб берилди.»

Юмалоқ қурт ва тошкўмир смоласи таъсири тўғрисидаги Й.Фибигернинг асарлари ракни ўрганишга, хусусан, концерогенлар ролига бўлган қизиқишнинг ортишига сабаб бўлди. Шунга қарамай, унинг рак ва паразитлар ўртасидаги боғлиқлик тўғрисидаги назарияси амалиётда тўла ўрнини топмади. Фақатгина йиллар ўтиб, XX асрнинг 80-йилларига келиб ракнинг ҳақиқий генлари ажратилди. Бу ютуққа ДНК рекомбинацияси усулига таянибгина эришилди.

Й. Фибигер 1884 йили Матилда Фибигер билан турмуш қурди. У 1928 йили 30 январда тўғри ичак раки ва унинг таъсирида юзага келган юрак касаллигидан вафот этди.

Й. Фибигер Дания тиббиёт ассоциацияси, Қироллик Дания тиббиёт академияси, Швеция тиббиёт ассоциацияси аъзоси эди. У шунингдек, Қироллик Белгия тиббиёт академияси ва Упсал (Швеция)даги Қироллик илмий жамиятининг хорижий аъзоси эди. Париж ва Лувен университетлари, қатор ташкилотларнинг фахрий даражалари билан мукофотланган эди.

**Абдумажит ТЎРАЕВ,
Иброҳим КАРИМОВ,
Ўзбекистон Физика жамияти
ҳайъати аъзолари**

Келгуси ҳафта теледастурлари билан танишинг!

Душанба, 18

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45 «Камалак».
9.25, 11.30 ТВ метео.
9.30 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Портрет».
9.40 «Тўртинчи ҳокимият».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Кўчатлар». Бадиий фильм.
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.05 «Рангин дунё».
12.30 «Балли, раислар!» Телемусобақа.
13.20 «Ошин». Телесериал.
13.50 «Аския».
14.10 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
14.40 **Кундузги сеанс**: «Есения». Бадиий фильм. 1-қисм.
15.45 «Наврўзи олам». Мусиқий композиция.
16.10 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
16.45 ТВ-альманах.
17.05 «Талабалик йилларим».
17.25 ТВ клип.
17.35 Мультфильм.
18.10 «Оламни асранг!»
18.25 «Мулк».
18.45 «Бахтли воқеа».Телелотерея.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Азиз одамлар». Дам олиш дастури.
22.00 «Спорт, спорт, спорт».
22.15 **2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили.** «Париси бор уй».
22.45 «Ахборот - дайжест».

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чаққон?»
10.25 Саломатлик сирлари.
10.45 Якшанбада кўришгунча.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.30 Жаҳон жуғрофияси.
12.20 «Юрт посбони». Эл-юрт тинчлигини сақлаш пайтида ҳалок бўлган Ички Ишлар қўшинлари ҳарбий хизматчилари хотирасига бағишланган ҳайрия концерти.
12.55 Давр-news.
13.15 Уйғун. «Парвона»Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
14.05 Спорт ҳафтаномаси.
14.20 «Парвона»Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.
15.25 Қўли гул уста.
15.45 «Боғ». Телевизион бадиий фильм. 3-қисм.
16.30 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
17.25 «Янги авлод» почтаси, «Билағон маслаҳати».
17.55 «Рокки ва унинг дўстлари». Мультсериал. 6-қисм.
18.10 Наврўзинг муборак, халқим.
18.30 Оқшом наволари.
18.40 Тафаккур ёлқинлари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод news.
19.40 Ёшлар овози.
20.00 Ёшлик наволари.
20.15 «Эсмеральда».
20.45 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.05 «Боғ». Телевизион бадиий фильм. 4-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси».
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида:
23.50 «Давр». Ахборот дастури.

«Тошкент» телеканали

17.20 Болажонлар экрани. «Синюшканинг қудуғи», «Бўри ва кўзичоқ».
18.00 «Мусиқий меҳмонхона».
18.25, 20.00, 21.25 «Пойтахт».
18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста».
19.10 «Сув ости экспедицияси». Ҳужжатли фильм.
19.35, 21.10, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Авто-news».
20.25 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
22.05 Кинонигоҳ. «Шоушенкодан қочиш». 1-қисм.

«Халқаро» телеканал

17.05 «Вести».
17.25 «Леонардо да Винчи». Сериал.
18.15 «Бугун оламда».
РЖТ
18.30 Муз устида фигурали жуфт учиш. Жаҳон чемпионати. Қисқа программа Япониядан олиб кўрсатилади.
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Томошабинлар қарши». Телеўйин.
21.00 «Время».
ЎзТВ–IV
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.15 «ТВ-4да Немис тўлқини».
22.35 Кинематограф. «Боғча полициячиси». Бадиий фильм.
00.15 «Ахборот» (рус тилида)

Сешанба, 19

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Бойсун».
9.15 «Соғлом она - соғлом бола».
9.35 «Соз сеҳри».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Мулк».
10.30 «Муҳаббат тилсими». Бадиий фильм.
11.50 Биржа ва банк хабарлари.
12.05 Болалар учун. «Фламинго».
12.25 «Париси бор уй».
12.55 «Мусиқа: кеча ва бугун».
13.20 «Спорт, спорт, спорт».
13.35 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 74-қисм.
14.10 «Қишлоқ ҳаёти».
14.35 **Кундузги сеанс**: «Есения». 2-қисм.
15.40 «Азиз одамлар». Дам олиш дастури.
16.35 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
17.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Жонсарак». Мультфильм.
18.20 «Баркамол авлод орзуси».
18.40 «Қонун ҳимоясида».
19.00 «Бир жуфт қўшиқ».
19.10 «Тафсилот».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Солиқ ва биз».
21.20 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.45 **«Ўзбекистон» каналида илк маротаба**: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.15 «Қизлар давраси».
23.30 «Ахборот - дайжест».

«Ёшлар» телеканали

9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси, «Билағон маслаҳати».
9.45 «Рокки ва унинг дўстлари». Мультсериал. 6-қисм.
10.00 Бизнес-академия.
10.15 «Эсмеральда».
10.40 Ёшлар овози.
11.00 Мусиқий лаҳзалар.
11.10 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
12.00 Ҳуқуқ ва бурч.
12.20 Интерфутбол.
14.00 ТВ-саёҳат.
14.20 «Боғ». Телевизион бадиий фильм. 4-қисм.
15.05 Автосалтанат.
15.20 «Жараён». Сувни исроф қилмаслик ҳақида.
15.40 «Чекиш - соғлиққа зарар». Ҳужжатли фильм.
15.50 «Тақдири азал». Бадиий фильм.
16.55 Олов билан юзма-юз.
17.15 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
17.35 «Рокки ва унинг дўстлари». Мультсериал. 7-қисм.
17.50 Таянч.
18.05 Автопатрул.
18.25 Оқшом наволари.
18.35 Ёшлар овози.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод news.
19.35 Давр-интервью.
19.50 Сифат белгиси.
20.00 Мусиқий лаҳзалар.
20.15 «Эсмеральда».
20.45 Марду-майдон.
21.05 «Боғ». Телевизион бадиий фильм. 5-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси».
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури.
23.45 «Давр». Ахборот дастури.

«Тошкент» телеканали

17.20 «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экрани. «Жуманжи». 14-қисм.
18.25, 20.00, 22.05 «Пойтахт».
18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста».
19.10 «Сув ости экспедицияси». Ҳужжатли фильм.
19.35, 21.10, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Эҳтиром ила».
20.25 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.25 «Панорама».
22.30 Кинонигоҳ. «Шоушенкодан қочиш». 2-қисм.

«Халқаро» телеканал

РЖТ
7.30 - 9.00
17.05 «Вести».
17.25 «Леонардо да Винчи». Сериал.
18.15 «Бугун оламда».
РЖТ
18.30 Е. Петросяннинг Кулги панорамаси.
19.00 «Муҳаббат замини».
20.00 «Заиф бўғин». Шоу ўйин.
21.00 «Время».
ЎзТВ – IV
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.20 «ART- каталог».
22.40 Кинематограф. «Азазель». Бадиий фильм. 1-қисм.
23.50 «Ахборот» (рус тилида)

Чоршанба, 20

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Асрлардан ҳикоя сўйлаб».
9.15 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
9.35 «Кўҳна замин оҳанглари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.30 «Имконият». Бадиий фильм.
11.45 «Тафсилот».
12.05 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
13.05 «Баркамол авлод орзуси».
13.25 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.30 Мульт-фильм.
15.55 «Ҳаёт қомуси».
16.25 «Ягона оилада».
17.00 «Оқ олтин». Телелотерея.
17.45 «Ёшлик шиддати».
18.10 «Болаликнинг мовий осмони».
18.30 «Куйла, ёшлигим».
18.50 «Умр мазмуни».
19.10 «Мулк».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Байрамингиз кўнгилли ўтсин!»
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Абдулла Орипов».
21.45 «Ташаббус - 2002 йил». Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун кўрик-танловининг якуний босқичи.
23.00 **Ўзбекистон» каналида илк маротаба**: «Ошин». Телесериал премьераси.
23.30 «Ахборот -дайжест».

«Ёшлар» телеканали

9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
9.35 «Рокки ва унинг дўстлари». Мультсериал. 7-қисм.
9.50 Давр-интервью.
10.05 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 «Эсмеральда».
10.40 Наврўзинг муборак, халқим.
11.00 Таянч.
11.15 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
12.05 «Янги авлод» студияси: Сумалак базми.
13.15 Ёшлар овози.
13.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
14.15 «Боғ». Телевизион бадиий фильм. 5-қисм.
15.00 Олтин мерос.
15.05 Сифат белгиси.
15.15«Кошона».Ҳужжатли фильм.
15.55 Мусиқий лаҳзалар.
16.05 Автопатрул.
16.30 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
16.50 Гурланда Наврўз.
17.10 Наврўз оҳанглари.
17.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.15 «Сийрат».
18.35 Каталог.
18.45 Наврўз оҳанглари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 Баҳор қўшиқлари.
19.45 Очил дастурхон.
20.00 Спорт-лотто.
20.15 «Эсмеральда».
20.40 Олтин мерос.
20.45 «Боғ». Телевизион бадиий фильм. 6-қисм.
21.30 «Абадий, азалий, ўлмас». Видеофильм.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси».
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
23.50 «Давр». Ахборот дастури.

«Тошкент» телеканали

17.20 «Санта-Барбара».
18.00 «Камолот фасли».
18.25, 20.00, 22.30 «Пойтахт».
18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста».
19.10 «Сув ости экспедицияси». Ҳужжатли фильм.
19.35, 21.10, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Дурдона».
20.25 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.25 Хонадонингиз осойишта бўлсин туркумидан «Тошкентменинг тақдиримда». Ток-шоу.

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.30 - 9.00
17.05 «Вести».
17.25 «Леонардо да Винчи». Сериал.
18.15 «Бугун оламда».
РЖТ
18.30 Елена Бережнаяга аталган атиргуллар.
19.10 Муз устида фигурали жуфт учиш. Жаҳон чемпионати. Эркин.
Программа Япониядан олиб кўрсатилади.
20.00 «Томошабинлар қарши».
21.00 «Время».
ЎзТВ – IV
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.20 «Соккер клуб».
22.40 Кинематограф. «Азазель». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.20 «Ахборот» (рус тилида)

Пайшанба, 21

НАВРЎЗ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

«Ўзбекистон» телеканали

Муҳтарам телетомошабинлар! Ёшариш, янгиланиш, кўнгилларга сурур бахш этувчи баҳор байрамингиз қутлуғ бўлсин!
«Ўзбекистон» телеканали жамоаси сизга байрамона кайфият бахш этиш ниятида ранг-баранг кўрсатувларни эътиборингизга ҳавола этади. Қадимий улуғ байрамимиз бўлмиш Наврўзи оламга бағишланган телемарафонимиз сизнинг дидингизга мос келади деган умиддамиз.
Алишер Навоий номидаги Миллий боғдан Наврўз байрамига бағишланган тантаналар тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
Миллий қадриятларимизни акс эттирувчи «Наврўз туҳфаси» томошаси, халқ оғзаки ижодининг бетакрор намуналарини тараннум этувчи «Боқий байрам»кўрсатуви, «Сумалак танлови» театрлаштирилган томошаси, «Қувноқ трамвай» тележурналини мириқиб томоша қиласиз.
Шунингдек, республикамиз вилоятларида кенг кўламда ўтказиладиган Наврўз байрамига бағишланган тантаналар, «Дунё халқларининг баҳор байрамлари», хорижий мамлакатлар элчиларининг табриклари ҳамда болалар учун янги «Қирол шер-2» мультфильми премьераси ва бошқа қизиқарли кўрсатувлар Сиз азиз томошабинларга манзур бўлади, деган ниятдамиз.

«Ёшлар» телеканали

7.55 Наврўзингиз муборак бўлсин!
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод» студияси* Кичкинтой театри.
9.20 «Абадий, азалий, ўлмас». Видеофильм.
9.45 Наврўз тароналари.
10.00-12.00 Алишер Навоий номидаги Миллий боғдан Наврўз байрамига бағишланган тантаналар олиб кўрсатилади.
12.00 Наврўз тароналари.
12.10 «Тилсимой - ғаройиб қизалоқ». Бадиий фильм.
13.20 Кўҳна оҳанглар. Мирзо Бобур ғазалларига басталанган қўшиқлар.
13.35 «Боғ». Телевизион бадиий фильм. 6-қисм.
14.20 «Алпомиш». Мультфильм.
14.40 Кўҳна оҳанглар. Алишер Навоий ғазалларига басталанган қўшиқлар.
15.00 «Давр». Ахборот дастури.
15.15 Наврўз фантазияси.
16.25 «Янги авлод» студияси «Наврўз базми».
16.50 «Умрбоқий қўшиқлар». Фильм-концерт.
17.20 Мезон.
17.40 Ёшлар овози.
18.00 «Боғ». Телевизион бадиий фильм. 7-қисм.
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 Наврўзингиз муборак бўлсин!
19.40 Бир ўлка-ки.
20.00 Байрам туҳфаси: «Дилхирож» бадиий фильм премьераси («Ўзбекфильм»)
21.20 Ҳандалак.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Наврўзингиз муборак бўлсин!
22.40 «Сен азиз ва муқаддассан, аёл». Мусиқий дастур.
00.20 «Давр». Ахборот дастури.

«Тошкент» телеканали

9.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
9.30 «Ассалом, Наврўз!»
10.00 А. Навоий номидаги Миллий боғдан Наврўз байрамига бағишланган тантаналар олиб кўрсатилади.
12.00 «Паловхонтўра» кўрик-танлови.
13.00 «Пойтахт».
13.30-14.00 Кинонигоҳ. «Биринчи бўса».
17.20 Мультфильм.
17.40 «Умид юлдузлари».
18.15 Наврўз дурдоналари.
18.35 «Пойтахт» (рус.)
19.05 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.35 «Тошкент ва тошкентликлар».
19.50 «Наврўз келди-соз бўлди». Фольклор ансамбларининг чиқиши. 1-қисм.
20.00 «Пойтахт» (ўзб.)
20.30 «Наврўз келди-соз бўлди». 2-қисм.
20.40 «Наврўз жилолари».
21.05 Кинонигоҳ. «Севикли Ража». 1-2-сериялар.

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.30 - 9.00
ЎзТВ-IV
10.00-12.00 Алишер Навоий номидаги Миллий боғдан Наврўз байрамига бағишланган тантаналар олиб кўрсатилади.
17.05 «Вести».
17.25 «Наврўз сурури» мусиқий композиция.
18.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
РЖТ
18.30 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий дастур.
19.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Заиф бўғин». Шоу ўйин.
21.00 «Время».
ЎзТВ – IV
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.20 «Кун мавзуси».
22.35 «Оҳанрабо». Мусиқий дастур.
23.05 Кинематограф. «Олти кечаю етти кундуз». Бадиий фильм.
00.35 **«Ахборот» (рус тилида)**

Жума, 22

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Лайлаклар».
9.05, 10.25 ТВ метео.
9.10 «Кўклам соғинчи». Мусиқий композиция.
9.40 «Болаликнинг мовий осмони».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Умр мазмуни».
10.30 «Соҳибжамол Ойсулув ҳақида ривоят». Бадиий фильм.
11.45 «Мулк».
12.05 «Ёшлик баҳори».
12.45 «Ташаббус - 2002». Кўрик танлови.
14.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
14.30 **Кундузги сеанс:** «Дала ҳовли». Бадиий фильм.
15.50 «Ёшлик шиддати». Спорт дастури.
16.05, 16.55 ТВ анонс.
16.10 «Нафосат гулшани».
17.00 «Озода бўлса шаҳринг».
17.20 «Аския».
17.40 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
18.10 «Тафсилот».
18.25 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Тиббиёт одимлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалбимда юрт ишқи». Мусиқий байрам шоу-дастури. 1-қисм. Тошкент давлат циркидан ёзиб олинган.
22.45 **«Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба:**
«Ошин». Телесериал.
23.15 «Ахборот - дайжест».

«Ёшлар» телеканали

9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Наврўз базми».
9.40 Сийрат.
10.00 Гурланда Наврўз.
10.20 «Орзулар камалаги». Бадиий фильм.
11.25 Наврўз оҳанглари.
11.40 Бир ўлка-ки.
12.00 Алишер Навоий номидаги Миллий боғдан Наврўз байрамига бағишланган тантаналар (ёзиб олинган)
14.00 Мезон.
14.20 «Боғ». Телевизион бадиий фильм. 7-қисм.
15.05 «Чекиш-соғлиққа зарар». Ҳужжатли фильм.
15.15 Интерфутбол.
16.50 Очун.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус.
17.45 «Рокки ва унинг дўстлари». Мультсериал. 8-қисм.
18.00 Ёшлар овози.
18.20 Оқшом наволари.
18.35 Аср қиёфаси.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод news.
19.35 Азизим.
20.05 «Эсмеральда».
20.35 Ўзбек мумтоз шеъриятидан.
20.40 Аскар мактублари.
21.00 Ватан ҳақида қўшиқ.
21.05 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Наврўз тароналари.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси».
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
00.10 «Давр». Ахборот дастури.

«Тошкент» телеканали

17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экрани. «Жуманжи». 15-қисм.
18.25, 20.00, 22.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста».
19.10 «Сув ости экспедицияси». Ҳужжатли фильм.
19.35, 21.10, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 ТТВда мусиқа.
20.25 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.25 «Айёмингиз муборак!»
22.30 Кинонигоҳ. «Тўй».

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.30 - 9.00
17.05 «Вести».
17.25 «Леонардо да Винчи».
18.15 «Бугун оламда».
18.25 «Чекиш-соғлиқ учун зарар». Ҳужжатли фильм.
18.35 «Дурдаршан».
РЖТ
19.00 Муз устида фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. Хотин-қизлар қисқа программа Япониядан олиб кўрсатилади.
20.00 «Мўъжизалар майдони». Байрам сони.
21.00 «Время».
21.30 «Нима? Қаерда? Қачон?» Телеўйин.
ЎзТВ – IV
22.45 Кинонинг олтин асри: «Монте-Карлодаги ўғирлик». Бадиий фильм.
00.30 «Ахборот» (рус тилида)

Шанба, 23

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Бор эканда, йўқ экан».
9.10 «Ҳидоят сари».
9.30 «Маърифат». Телеальманах.
9.50 «Цирк, цирк, цирк».
10.15 «Тафсилот».
10.30 Телевизион миниатюралар театрининг «Наврўз учрашувлари». 1-қисм.
11.10 «Сирдарё бўйларида».
11.45 «Дунё кўриб, дунёлар ярат».
12.05 «Наврўз - боқий байрам».
12.50 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Алпомиш». Бадиий фильм. 1-қисм («Ўзбекфильм»)
14.10 «Ёр-ёр».
14.35 «Алпомиш». 2-қисм.
16.00 «Ягона оилада».
16.40 «Бахтимизга омон бўлинг».
17.00 «Қувноқлар ва зукколар».
17.50 «Миттивойлар оиласи».
18.15 «Рангин дунё».
18.35 «Қўшиғимиз сизга армуғон».
18.55 «Пазандалик сирлари».
19.05 «Қишлоқ ҳаёти».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалбимда юрт ишқи». Мусиқий байрам шоу-дастури. 2-қисм. Тошкент давлат циркидан ёзиб олинган.
22.45 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» - «Самарқанд».
23.30 «Ахборот - дайжест».

«Ёшлар» телеканали

8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус.
9.25 «Рокки ва унинг дўстлари». Мультсериал. 8-қисм.
9.40 Ёшлар овози.
10.00 Фарғона наволари.
10.15 «Эсмеральда».
10.40 Аср қиёфаси.
11.00 «Қочоқ келин». Бадиий фильм.
12.50 Огаҳий ва Машраб ғазалларига басталанган қўшиқлар.
13.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
14.10 Азизим.
14.35 Ҳуқуқ ва бурч.
15.00 Юддузлар чеҳраси.
15.30 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
16.10 «Рамаяна». Телесериал.
16.45 Кўрсатувлар дастури.
16.50 «Янги авлод» студияси: Келинг танишайлик.
17.05 «Рокки ва унинг дўстлари». Мультсериал. 9-қисм.
17.20 Бола тилидан.
17.50 Футбол плюс.
18.10 Огоҳ.
18.25 «Ташаббус - 2002». Республика танловининг якуний босқичи.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Каталог.
19.40 Давр-интервью.
19.55 Баҳор қўшиқлари.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Герберт Уэлс олами». Бадиий фильм. 1-қисм.
21.25 Кутилмаган меҳмон.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Тунги тароналар.
22.45 Кинотақдим.
23.05 «Акамнинг меҳрибонлари». Бадиий фильм.

«Тошкент» телеканали

17.20 Мультчархпалак.
17.40 «Спорт-тайм».
18.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
18.20 «Жаҳон географияси».
19.15 «Сухбатдош».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт шарҳи».
20.20, 20.50, 21.25 «Экспресс» телегазетаси.
20.35 «Саломатлик маскани».
21.05 «Ташриф».
21.40 Кинонигоҳ. «Жондан ортиқ севаман».

«Халқаро» телеканал

9.05 Кундузги сеанс: «Куйлаётган аёл».
РЖТ
10.10 Е. Петросяннинг «Кулги панорамаси».
10.45 «Лаззат».
11.05 «Ҳайвонот оламида».
ЎзТВ – IV
11.45 «CFI янгиликлари».
11.55 «Инглиз тили Сиз учун».
12.20 «Буржлар башорати».
13.20 «Бугунги Япония».
13.40 Дўстлик видеоканали: «Умид», «Чинсэн», «Бизнен мирас».
14.40-15.10 «Немис тили».
ЎзТВ-IV
17.05 «Лего - Лэнд». Болалар учун шоу дастур.
17.35 «Британия кундалиги».
17.50 «7дан 70гача».
РЖТ
18.20 Муз устида фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. Хотин-қизлар эркин программа Япониядан олиб кўрсатилади.
19.15 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий дастур.
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
21.00 «Время».
21.30 Мэл Гибсон «Шерюрак» фильмида.
ЎзТВ-IV
00.20 Ахборот (рус тилида)

Якшанба, 24

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак».
9.20 «Ғаройибот».
9.40 Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.25 Телевизион миниатюралар театрининг «Наврўз учрашувлари». 2-қисм.
12.00 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
12.35 «Пазандалик сирлари».
12.45 **ТВ-1 кинотеатри**: «Улкан балиқ ови». Бадиий фильм.
13.55 «Хушвақт бўлинг». Мусиқий дастур.
14.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Машъал» - «Бухоро».
15.15 «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
15.50 «Муҳофаза».
16.05 «Қорақалпоқнома».
16.25 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
16.45 «Аския».
17.00 «Оқ олтин». Телелотерея.
17.35 «Талабалик йилларим».
17.55 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» - «Сурхон» жамоалари ўртасидаги учрашув. «Пахтакор» марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 2-тайм.
18.50 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
19.10 «Ҳар кунинг бўлсин Наврўз».
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 Эстрада тароналари.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Келин-куёв». Телешоу. 50 йилдан ошган бахтли оилалар чиқиши.
Якшанба кинозали:
22.25 «Жазда фақат қизлар». Бадиий фильм.

«Ёшлар» телеканали

8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: Келинг танишайлик.
9.15 «Рокки ва унинг дўстлари». Мультсериал. 9-қисм.
9.30 Футбол плюс....
9.50 Давр-интервью.
10.05 Ёшлар овози.
10.25 Хоразм наволари.
10.40 «Зинама-зина».
11.10 Чемпион сирлари.
11.30 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марду майдон. 2. Аскар мактублари.
12.10 Очил дастурхон.
12.25 Ҳандалак.
12.55 Футбол-202.
13.40 «Кумуш тойчоқ». Бадиий фильм.
15.10 Кўҳна оҳанглар. Алишер Навоий ғазалларига басталанган қўшиқлар.
15.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
15.50 «Рамаяна». Телесериал.
16.25 Спорт ҳафтаномаси.
16.45 «Янги авлод» студияси: Уй вазифаси.
17.05 «Рокки ва унинг дўстлари». Мультсериал. 10, 11-қисмлар.
17.35 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.25 Якшанбада кўришгунча.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 Синфдош.
19.50 «Герберт Уэлс олами». Бадиий фильм. 2-қисм.
20.45 «Заковат».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.35 Тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Ўн етти ёшлилар». Бадиий фильм.

«Тошкент» телеканали

17.20 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
19.00 «Телефакт».
19.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.50, 20.50, 21.30 «Экспресс» телегазетаси.
20.05 «Жаҳон географияси».
21.05 «Нима учун?»
21.45 «Жозиба».
21.55 Кинонигоҳ. «Виктория».

«Халқаро» телеканал

9.05 «Қайфият».
РЖТ
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Ҳамма уйдалигида».
ЎзТВ – IV
11.10 Болалар соати: «Аждарҳолар ертўласи».
12.50 FCN»Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
13.00 «Дўстлик» видеоканали: «Рангинкамон», «Дидар».
ЎзТВ – IV
16.20 «Бинафша».
16.45 CFI тақдим этади: «Бешинчи ўлчов».
17.10 «До-ми-соль шоу».
17.50 «Тенгдошлар».
РЖТ
18.20 «Ғаройиб рейс» кинокомедияси.
20.05 Муз устида фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. Кўргазмали чиқишлар. Япониядан олиб кўрсатилади.
ЎзТВ – IV
22.30 «7 кун». Ҳафта якунлари.
22.55 «Ассалом, Франция!»
23.10 Кинематограф. «Маккора». Бадиий фильм.
00.45 «Таҳлилнома».

«ПЕШОНАСИ КЎҲЛИК»

Milliy o'yinlar

"Пешонаси кўҳлик" деб номланувчи бу ўйинда 9-10 нафар қизлар иштирок этиши мумкин. Мусобақада ижро этиладиган ҳаракатлар туркумининг ҳар бир қисмига беш баллгача баҳо берилади. Кейинги туркумларигача ҳам тегишли баҳолар қўйилади. Энг кўп балл тўплаган иштирокчи ғолиб деб топилади, қолганларга тўплаган балларига қараб эгаллаган ўринлари эълон қилинади.

Ўйин бошланишида рақамлар ёзилган қурьа мусобақадошларга тарқатилади. Ҳакамлар ҳар кимнинг исми ва қурьа рақамини ёзиб қўядилар. Қурьа рақамлари сир сақланиб, уни фақат шу рақам эгаси ва ҳакамлар билади. Мусобақа давомида ҳеч ким бир-бирининг номини ва қурьа рақамини тилга олмайди. Ўйиннинг ёш иштирокчи қизларига ўз жисмоний тайёргарлик даражаларига қараб юкланиш берадиган оғирликдаги топшириқ берилади. Ўйинларнинг-ҳаракатларнинг барча қисми тиниқ, тез, нафис ижро этилиши ҳакамларнинг диққат марказида бўлади ва баҳолар ўйин ниҳоясида эълон қилинади.

Ўйин қоидаси: мусобақанинг ҳамма иштирокчилари навбати билан "Пешонаси кўҳлик" стулида кўзи боғлиқ ҳолда ўтиради. Бошқалар ҳакамнинг ишораси билан "Пешонаси кўҳлик"нинг пешонасини силайди — силаш шарти — ўнг қўлнинг бош бармоғидан ташқари тўртта бармоқлари бир текисликда, учлари ёнидагиларига ёпиштирилган ҳолда "пешонаси кўҳлик"нинг ўнг қулоғи тепасидан пешонаси бўйлаб чап қулоғи ёнигача юргизилади. Бунда бармоқларнинг тирноққа яқин бўлган сезгир қисми пешона суягининг баланд, чуқур қисмларини пайқаб олишига эътибор бериш зарур. Силаш тугаши билан силаш бурчини бажарганлар майдоннинг бошқа қисмида тўпланиб, тинч туришлари талаб қилинади. Навбатдаги ўйинчилар ҳам "силаш"ни шундай шартлар билан адо этадилар.

Ниҳоят, «Пешонаси кўҳлик» ҳам унинг пешонасини силаганини тўғри топиши керак. "Пешонаси кўҳлик" ўйинидан сўнг "чигил ёзиш, учун қизлар 10-15 минут давомида ўзлари хоҳлаган ҳаракатли миллий ўйинлардан ўзаро мусобақалашадилар. Хусусан, Арғимчоқ, Зув, Беш тош, Арқон тортиш, Тепки, Шаппак, Қовун узатиш, Қувлашмачоқ, Оқ теракми - кўк терак", "Қалъа ҳимояси", "Мерганлик" ва бошқа ўйинлар ўйнаб, таналарини чиниқтирадилар. Сўнг бир неча минут давомида "Пешонаси кўҳлик" ўйинининг тарбиявий моҳияти, қизлар камолотида қайси сифатларни шакллантириши, бу сифатларнинг оила ҳаёти, меҳнат фаолиятида тутган ўрни ҳақида ҳар ким ўз фикрини ўртага ташлайди.

Ўйинда иштирок этган қатнашчилар кейинги "Пешонаси кўҳлик" ўйинида бу саволни эслаб жавоб қидирадилар. Уч-тўрт ўйиндан кейин ўз кайфиятлари ва фикрлари илғаган ўзгаришларни таҳлил қиладилар.

Инсон сезги аъзоларининг ёшликдан спорт билан ривожлантирилиши, мияга борадиган сезги аъзоларининг ахбороти билан, миядан шу ахборотга жавобан келган буйруқнинг мукаммаллигини тақкослашга ўрганиши, таҳлил қилиши зарур. Спорт билан шуғулланишда бу икки бирбирига боғлиқ фаолиятга сайқал бериш зарур. Ибн Сино жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланган киши табиб ва дори-дармонга муҳтожлик сезмайди, деганда тарбиянинг ушбу моҳиятини ҳам назарда тутган эди. "Пешонаси кўҳлик" ўйини ёшлар ақлини, сезгирлигини пешлайди. Бу ўринда ҳар бир спортнинг ўз ўрни, моҳияти борлигини назарда тутиш керак.

Ф.НАСРИДДИНОВ,
профессор,
Ш.ТЎЛАГАНОВ,
фалсафа фанлари номзоди

ЯНГИ ФУТБОЛ МАВСУМИ

Бугун футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионатининг XI мавсумига старт берилади. Ушбу мавсумда яхши натижаларни қўлга киритиш учун ҳар тарафлама тайёргарлик кўрган 16 жамоа ғолиблик учун кураш олиб борадилар. Мутахассисларнинг фикрича, бугундан бошланажак ўйинларданоқ учрашувлар шиддатли тус олади. Жадвалга кўра бугун Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси "Насаф" жамоаси билан "Трактор" — "Пахтакор", "Самарқанд-Динамо"- "Машъал", "Бухоро" - "Навбаҳор", "Сўғдиёна" - "Андижон", "Зарафшон" - "Металлург", "Темирйўлчи" - "Қизилқум" учрашувлари ўтказилади. Эртага эса «Дўстлик» - «Сурхон» жамоалари беллашадилар.

"ОРЗУ" ЯРИМ ФИНАЛДА

«Quvnoq startlar»

XIX республика "Қувноқ стартлар" телевизион мусобақаларининг саралаш учрашувларида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Фарғона, Қашқадарё, Жиззах ва Тошкент вилоятларидан қатнашган жамоалар чорак финалга йўлланма олган эдилар. Тошкент шаҳри ва Навоий вилояти вакиллари эса қурьа натижаларига кўра чорак финалда қатнашадиган бўлишганди.

Яқинда Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги 4-мактабнинг "Орзу" ва Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 99-мактабнинг "Ниҳол" жамоалари ўртасида қизғин кураш бўлиб ўтди. Бу галги мусобақа сценарийсига кўра дастурдаги ўйин, эстафета ва конкурслар сони аввалгиларидан камроқ (10 та) бўлди. Биринчи мусобақада ("Чопқир бола") "Орзу" жамоаси аъзолари ёғоч оёқда юриш машқини моҳирона эгаллаганликларини кўрсатган бўлса, иккинчи учрашувда ("Ким тез") ҳам омад уларга кулиб боқди.

Лекин, учинчи мусобақада ("Кубба") 10 та тикка қилиб қўйилган кеглини думалатилган тўп билан уриб йиқитиш бўйича тошкентлик ўқувчилар ғолиб чиқишди.

Беллашувнинг "Замбил", "Ўн беш тўп", "Саватдан—саватга" эстафета мусобақаларида эса яна жиззахлик ўқувчилар мусобақага пухта ҳозирлик кўрганликларини намойиш этишди.

Мусобақа якунига кўра Жиззах вилоятининг "Орзу" жамоаси 22:11 ҳисобида ғалаба қозониб, ярим финалга йўлланма олди.

Ғ.МАННОПОВ

КАФЕЛЬНИКОВНИНГ ҒАЛАБАСИ

АҚШнинг Индиан-Уэллс шаҳрида АТР йўналиши бўйича ўтказилаётган "Pacific life Open" турнирида иштирок этаётган россиялик ракетка устаси Евгений Кафельников учинчи давра ўйинларида аргентиналик Хуан Игнасьо Чела устидан 7:6 (8:6), 6:4 ҳисобида ғалаба қозонди. Мазкур турнирнинг соврин маблағи эса 2 950 000 АҚШ долларини ташкил этади.

ЯНГИ ШАРТНОМА

Англия футбол ассоциацияси "Umbro" фирмаси билан 2010 йилга қадар янги шартнома имзолади. Эндиликда "Umbro" Англиянинг барча футбол жамоаларига спорт кийимларини етказиб беришни давом эттиради. Шунингдек, фирма Миллий футбол маркази қурилишига ҳам ҳомийлик қилади.

ТАЙСОН ЛЬЮИС БИЛАН УЧРАШАДИ

Оғир вазнли профессионал боксчилар Майк Тайсон ва Леннокс Льюислар ўртасидаги жанг АҚШ пойтахтида ўтказилиши мумкин. Вашингтон бокс ва кураш комиссияси Тайсонга боксерлик лицензиясини қайтариб беришга қарор қилди. Ёдга олсак, аввалги матбуот анжуманидаги тўполончилиги боис унинг лицензияси олиб қўйилган эди. Америкалик ва англиялик боксчилар ўртасидаги учрашув 8 июнь куни Вашингтондаги "MCI Center" спорт саройида ўтказилади. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу жанг бокс тарихида энг нуфузли учрашув ҳисобланади.

ҲАММАСИ "ЖЧ—2002" УЧУН

Футбол ишқибозлари орзиқиб кутаётган «ЖЧ—2002»га ҳам оз муддат қолди. 31 майдан 30 июнга қадар бўлиб ўтадиган чемпионат даврида хавфсизликни таъминлаш учун Жанубий Корея ва Япония ҳам жиддий эътибор бермоқда. Ўйинлар даврида Жанубий Кореянинг энг катта Сеул, Инчхон ва Сувон шаҳарларида автомобиль ҳаракати тўхтатиб қўйилади. Японияда эса етакчи авиакомпаниялар меҳмонларнинг келиб-кетишлари даврида аэробуслар хавфсизлигини юқори даражага кўтаришмоқда. Футбол безорилари кўп бўлган Европадан Японияга келувчи самолётларни махсус тайёргарликдан ўтган хавфсизлик ходимлари кузатиб келадилар.

Қадрли Мунира РАҲМАТУЛЛАЕВА!

Умрингизнинг 50 баҳори муборак бўлсин. Баҳорий кайфият ва самимийлик ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин. Сизга тоғдек узоқ умр, соғлиқ-саломатлик ҳамда фарзандлар камолини кўриш бахти насиб этишини тилаб қоламиз.

Сизни қутлар букун дўсти қадрдон,
50 ёш тўйингиз муборак бўлсин!
Самимий табриклар, ҳамду саноллар,
Барчаси Сизга муборак бўлсин!

Республика Таълим маркази раҳбарияти ва жамоаси

Ҳурматли ҳамкасбимиз Раъно ҲАМИДОВА!

Сизни муборак 50 ёшга тўлганлигингиз билан табриклаб, ҳамиша соғ-саломат, узоқ умр кўриб юришингизни тилаб қоламиз. Эзгу ишларингизга омад ёр бўлсин. Шарафли касбингизга ҳамиша содиқ қолиб, ёшларнинг билимли бўлишлари учун ўз меҳнатингизни сарф қилишингизда тилакдошмиз.

Навоий педагогика коллежи жамоаси

Ҳурматли Махфират АСОМОВА!

Сизни таваллуд айёмингиз ва барча баҳор байрамлари билан чин дилдан қутлаймиз. Ёш авлодни тарбиялашдек масъулиятли ишингизда омад ёр бўлсин. Сизга узоқ-умр, сиҳат саломатлик ва баҳорий кайфият тилаб қоламиз.

Шайхонтоҳур тумани 102-мактаб жамоаси

Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманидаги 34-ўрта мактаб томонидан 1994 йилда Долимова Мунаввар Халиловна номига берилган А № 451962 рақамли шаҳодатнома йўқолгани сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Бир умр ўрганиб билганим — ҳеч нарсани билмаслигим бўлди» ақидасидан «ўзингни бил» принципигача етган бу афиналик файласуф аслида бир ҳайкалтарошнинг ўғли эди.

Ko'ngil bitiklari

ТУН ҚЎШИҒИ

Ойдин кеча, сеҳрли бир тун,
Само узра ой сочар зиё.
Юлдузларнинг ширин алласин
Тинглаб ором олмоқда Дунё.

Маржон тўла осмон қўйнида,
Олам гўё чайилган сутга.
Қилт этмасдан тинглаб бу куйни,
Дов-дарахтлар ботган сукутга.

О, нақадар гўзал бу оқшом,
Ер — сулув ёр, Осмон-чи — ошиқ.
Дийдорлашар икковлон бу дам,
Яралмоқда нурли бир қўшиқ.

Шундай сокин, илоҳий дамни
Дил-дилимдан англадим бу тун.
Йиғиштириб қоғоз-қаламни,
Тун қўшиғин тингладим бу тун.

Зикрилла НЕЪМАТ,
ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби илмий ходими

СЕВОЛСАЙДИМ

Мен сени севолсайдим
Қуёш ҳароратидай,
Мунис онажонлар сочидай оппоқ.

Мен сени севолсайдим
Дунё кенглиги мисол беадоғ,
Севгимни англата олсайдим сўзсиз.

Мен сени севолсайдим
Тонгнинг отиши мисол беғубор,
Денгиз тўлқини мисол шиддаткор.

Мен сени севолсайдим
Муҳаббат уммони мисол,
Ва шу уммонларда ғарқ бўлиб
сармаст.

Сева олсайдим, сени азизим,
Сенга бир умрга бўлардим ҳилол,
Сени шундай сева олсайдим...

Марям АҲМЕДОВА

Мансур Халлож — асл исми Ҳусайн. Ўнинчи асрда Боғдодда яшаган ва шу ерда ўлимга маҳкум этилган. Сўфиёна ҳаёт кечирган. Шариатга тўғри келмайдиган гаплар айтганлиги сабабли уни ўлимга ҳукм қилганлар. Жазонинг ижро этилиши азоб-уқубатли ва бир неча босқичли бўлган. Олдин панжалари, кейин қўллари кесилган. Кўзлари ўйилган. Навбат тилини кесишга келганида охирги сўзини айтишига ижозат беришларини сўрайди ва қуйидаги гапларни айтади:

— Оллоҳим, сенинг розилигинг учун менга ушбу уқубатларни раво кўрганлардан раҳматингни аяма. Сенинг муҳаббатингга эришиш йўлида мени қўлларимдан, оёқларимдан жудо қилган бу кулларингни авф эт. Кечир, Оллоҳим, уларни кечир. Муҳаббатинг ҳурмати кечир...

Сукрот — Цицерон: «Сукрот фалсафани осмондан ерга туширди ва шаҳарларга, қишлоқларга тарқатди», — дейди.

«Бир умр ўрганиб билганим — ҳеч нарсани билмаслигим бўлди» ақидасидан «ўзингни бил» принципигача етган бу афиналик файласуф аслида бир ҳайкалтарошнинг ўғли эди.

Ёшларни тўғри фикрлашга, ахлоқли бўлишга чақирган ва буни Оллоҳнинг амри деган Сукрот, давлатнинг расмий илоҳларига ишонмаганлиги, ёшларни бошқа бир илоҳга ишонишга даъват қилганлиги айби билан ўлимга ҳукм қилинади. Ҳолбуки, у: «Ўлим руҳнинг танадан айрилиши ва танадан айрилган ҳолда яшаши, мавжуд бўлиши эмасми? Шундай экан, мен ўлимдан қўрқмайман», — дерди. Уни қочирмоқчи бўлганларга қаршилик билдиради.

Сокин, иккиланмай, совуққонлик билан заҳар ичади ва буни кўриб йиғлаётганларга: «Дўстларим, нима қиляпсизлар? Аёлларни йиғлайдилар, деб кетказиб юборган эдим. Ўзингизни босинг», —дейди ва:

— **Аскулепиосга бир хўрознинг баҳосича қарзимиз бор, эсингдан чиқмасин Критон,** — дея жон беради.

Доминик Бухур: — машҳур француз танқидчиси. Чиройли ва ширин сўзи билан катта обрў қозонди. Охирги сўзи:

— Je Vais mourir—Ўлаяпман, бўлди.

Пастор — тиббиёт оламининг унутилмас сиймоси. Энг даҳшатли касалликлардан бири—қутуришнинг давосини топган олим. Бу француз алломасининг вафоти 1895 йил 28 сентябрга тўғри келди. Унга сут бериш учун ётоғига эгилганларида, умидсизлик билан:

— **Бошқа кучим қолмади,** дейди. Бироздан сўнг оламдан ўтади.

Салмон Форсий — Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)-нинг: «Салмон биздандир, аҳли байтимиздандир», — деган сўзлари унинг қандай инсон эканлигини кўрсатиб турибди.

Ҳазрати Усмон замонига қадар яшади. Касал бўлганида унинг зиёратига келган Саъд ибн Абу Ваққос: «Бизга насиҳат қилинг», — деганида:

— **Нимаики қилсанг Оллоҳ учун қил ва буни ҳеч қачон унута кўрма...** дея жавоб берди ва у дунёга равона бўлди.

Лорд Байрон — Англиялик лирик ва романтик шоир. 1788 йил Лондонда дунёга келади. Ўз даврида кўп кишилар ундан таъсирланганлар. Яратган асарлари санъат тарихининг бебаҳо саҳифаларидандир. Йигирма ёшларидан бошлаб ёзган асарлари билан танила бошлайди. Хотинидан ажралиш уни Англиядан ҳам айрилишга мажбур қилди. Кейинги умри доимий саёҳат ва ёзиш билан ўтди. Охири Венедикда уч йил яшади. Бу ерда ёзган ҳажвиясида атрофдаги ҳамма нарсаларни, ҳатто ўзини ҳам ҳажв қилган. Ҳаёти можароларга тўла эди. Мора исёни содир бўлган пайтда румликларга ёрдам бериш мақсадида Юнонистонга ўтади. 1824 йил 19 апрелда вафот этади.

Ўлими олдидан қоғоз ва қалам сўрайди. Лекин ўта ҳолсизлиги туфайли қаламни тутиб тура олмайди. Қоғозни ва қаламни ташлаб:

— **Тамом, энди жуда кеч,** дейди. Бу унинг сўнгги сўзи эди.

Отабек НУРИДДИНОВ тайёрлади.

МАШҲУРЛАРНИНГ СЎНГГИ СЎЗЛАРИ

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ!

Мактабгача таълим муассасаси ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи Республика курси 2002 йилнинг апрель ойида қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирилган:

1. Мактабгача таълим муассасаси мудиралари: 02.04.2002 й. — 28.04.2002 й.
2. Мактабгача таълим муассасаси услубчилари: 02.04.2002 й. — 28.04.2002 й.
3. Мактабгача таълим муассасаси мусиқа раҳбарлари: 08.04.2002 й. — 27.04.2002 й.

Курс давомида тингловчиларга таниқли педагоглар, олимлар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва маданий масканларга экскурсиялар уюштирилади.

Тингловчилар учун курс тасарруфидаги кутубхона, қироатхона, бепул ётоқхона хизматда бўлади. Суткали ва йўл ҳаражатлари курс ҳисобидан тўланади.

Манзилимиз: Тошкент-95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси 6-уй.
Транспортлар: Жанубий темирйўл вокзалидан 8-трол. "Талабалар шаҳарчаси" бекатигача.

«ЁҚУТ» СКАНВОРДИ

Тузувчи: Абдувоҳид ПАРПИЕВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети 1-курс талабаси

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг 2002 йил 13 март сонида берилган Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази эълонининг 6-хатбошиси, 2-қатори қуйидагича ўқилсин: "УМиАТ"нинг давлат белгиси 3999ТНБ бўлган "ЗИЛ ММЗ-4502" русумли (самосвал).

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-244.
Тиражи 29853 Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3

Навбатчи муҳаррир: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Навбатчи: Камолиддин АЛИОХУНОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—20.00.
Топширилди - 22-30